

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006



Фиқар Ҳандағова

САЙЛАНМА



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

34(59)6 - Ўзбек азабиёти асарлари. —


Х-19

Сайланма.

Хайдарова, Дилбар

Сайланма. — Т.: «Шарқ», 2006. — 240 б.

ББК.84(59)



32671
к 2 г.

© «Шарқ» нашриёт-матбаса
демирхановик комманийси
Бош таҳририяти. 2006.

КАЛБ НИГОХИ

Инсон умрининг гултожи — ёшлиқда жуда кўпчилик шеър ёзди. Бу борада йигитлардан кўра қизлар кўпроқ десак адашмаймиз. Аммо йиллар ўтган сайин ўрин алмашинуви юз беради. Қулига қалам тутган қизларимиз сараланиб бораверади. Умрининг охиригача қалам ушлаб, аданбёт майдонида қолганлари жуда камчил. Бунинг албатта, хаёттий сабаблари бор. Оила, фарзандлар тарбияси, хаёт ташвишлари, назаримизда, қизларимиз, аёлларимиз елкаларида мўлроқдек. Гапимиз исботини шеъриятимиз тарихидан ҳам билсак бўлади. Шоираларимиз ҳатто, бармоқ билан саналгудек: Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин... Бу саноқ бизнинг замонамизга келиб, бир оз чўзилади. Зулфия, Ойдин, Сандя Зуннунова, Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова. Гулчехралар, Ҳалималар, Ҳосиятлар ва Дилбарлар...

Дилбар Ҳайдар қизининг илк китоби «Норин мавжлари» 1980 йил Гафур Гулом номли адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган яа шеъриятимиз дарёсида бир мавж кўзларни ёлкинлантириди. Бу мавж томчилари юракларга бир ҳаловат берди. Олис мавжнинг бир томчисини ўқиб кўринг:

БАҲОР

Бўғриккан куртакнинг илик бағридан,
Бахор чиқиб келса пушти рангларда
Ҳайратлар юртидан жой излаб шу дам,
Кушчалар сайраса минг оҳантларда
Кўк териб келардим яқин даладан.
Изимга тўкилиб ялпизнинг хиди.
Намиккан сўрида онам ва дадам,
Кутишар келар деб кўкламнинг қизи.
Жаннатга айланган бокка чикаркан,
Энтикиб кетардим каддимни ростлаб,
Кўкламсиз одамлар қандай чидаркин,
Деб ўрик гулини кучардим дастлаб.

Баҳор деразани чертаётган пайт,
Мен соғиниб кетдим ялпиз хидини.
Юрагим соғинчдан титраётган пайт,
Кўклам танирмикан эрка қизини...

Бу тўплам билан Дилбар устозлар назарига тушгани ёдимда. Академик Воҳид Зоҳидов «Ўзбекистон маданияти» (хозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида «Дилбар шонра» номли самимий мақоласи билан барчамизни дикқатимизни торти. Ҳатто, Дилбарнинг тенгдошлари ўша пайтда ҳавасу.. ҳasad ҳам қилган. Ундан кейин бирин-кетин шоирамизнинг «Кўклам қизи» (1983), «Ишк сўқмоги» (1990), «Дилистоним» (1994), «Гуллар нафаси» (1995), «Наманганд олмаси» (1996), «Оккан дарё» (1999), «Мұхабbat фасли» (1999), «Ватан сўзи» (2002), «Настанин» (2003), «Кўнгил бори» (2005) сингари шеърий китоблари нашр этилди. Уларни адабий жамоатчилик, яхши кутиб олди. Ҳусусан, Туроб Тўла, Ўзбекистон ҳалқ шоирлари Нормурод Нарзуллаев, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Ҳабиб Саъдулла, профессор Исламатулла Абдуллаев, мунаккил Иброҳим Faфуровлар зътирофи дикқатга сазовордир.

Дилбар — Москвадаги Максим Горький номли жаҳон адабиёти институтида тахсил олган. Тахсил давомида шоирамиз кўп миллат вакиллари билан дўстлашди. Бу дўстлашув Дилбар шеърларининг кўп тилларда қанот қоқишига асос солди. Араб, болгар, рус, арман, грузин, козок, туркман, тоҷик, белорусъ, украин шулар жумласидандир.

Хўш, Дилбарнинг шеърлари жозибаси нимада? Аёнки, самимият шеърнинг жон томиридир. Бу самимият тўйгуларга, хиссиятларга бой бўлса, буларга охорли ташбехлар, рамзлар, тимсоллар эш бўлса ва уларга чанқоқ тафаккур ёндулари кўшилса нур устига нур бўлгай. Шоирамиз шеърларида шу жамулжамлик мужассам.

Шоирамиз шеърларида яна мени дикқатимни тортган бир нарса бўлди, бу юрак соғинчлари, туйғулари. У ҳамиша кимнидир соғиниб яшайди. Асли ҳам шоир учун соғинч деб аталмиш туйғу илоҳийлик касб этади. Соғинч ҳамроҳ, ҳамроҳ бўлган юрак, шеърлараст юраидир. Соғинч туйғуси ўта «юқумли», мана шу юқумлилик мухлислар сонини оширади. Дилбарнинг мухлислари, ўлкамизнинг ҳар бир бурчидаги бор. Унинг «Ишк сўқмоги» китобини Нурота чўпонла-

рининг кўлларида кўрганман. Мана бу шоирани танийсизми, деганларида, танийман десам, кўп баҳтлисиз-да деб, «Марди отанинг деганлари»дан ўқиб беришганди:

Жаҳонтир Темурни куйга солмаса,
Созанда созини чалмаёк кўйсин.
У ҳакда эшитиб ўйга толмаса,
Шоиринг шеърини ёзмаёк кўйсин.

Асл ботирлари уйқуга кетган,
Оналари ҳамон пахта билан банд.
Ювуксиазлар ҳакда қасида битган,
Шоири бор элга ҳамма берар панд.

Кайта Улугбеклар келмас дунёга,
Ёддан чиқар экан унинг хотири.
Оналар айланиб булбулгўёга.
Алласида айтсин элнинг ботирин.

Майсаларга тегсин она алласи,
Шудринг гул лабида айласин фарёд
Шунда улғаяди қулликдан озод.
Ватанига эга ўзбек боласи.

(1988)

Дилбар шеърлари ребуснома, жумбоклар, қуруқ хитоблардан холи. Бу унинг жаҳон шеъриятидан хабардорлиги-дан дарактир. Чин шоир қалби жаҳоний шеъриятига туташмас экан, унинг шеърларининг умри, қалам соҳибининг умридан кискадир. Шоирлар ўз кўнгилларини нималарга киёслашмаган. Тошқин дарёга, қуёшга, атиргулга... Мана бу сатрлар Дилбарнинг «Менинг кўнглим» шеъридан:

Менинг кўнглим дунёдаги
Фариларнинг ғарibi.
Титрайвериб барг сингари.
Йўлларингда қариди.

Инсон рухиятидаги фаслларнинг хилма-хил манзаралари. Киши табиатидаги покиза ҳиссий ҳолатларнинг, латиф туйгуларнинг, нозик диднинг самимий ифодалари. Гоҳ кутаринки кайфият, гоҳ маҳзун кечинмаларнинг сатрларга кўчган наволари. Дилбарнинг «Кўнгил боғи» китобидаги шеърлар ўкувчи қалбida ана шундай ёндули таассуротлар қолдира-

ди. Сўнгти йилларда ёзилган шеърларнинг мавзуи ва мазмунни ранг·баранг. Булар асосан инсонга, диёрга меҳр·мухаббат ва самимият билан йўррилган. Шоиранинг тилаклари сидқидил:

Мехр бизга мерос Одам Атодан,
Муруват колгандир Момо Ҳаводан.
Мухаббат тўкилур кўшик наводан,
Хеч ким тўкилмасин каторимииздан.

Шоир учун энг юксак туйғу — Ватан туйғуси. Ҳар қандай шоир аввало Ватанга, Ватан адабиётига хизмат килади. Ўзи билан тент нафас олаётган элу юртдошларининг ғами, шодлиги билан ҳамоҳанг бўлади. Ватанга муҳаббат ва садоқат Дилбар шеърларида юкори пардаларда кўйланган:

«Мен сенинг бошингмас тизингман Ватан
Туллар хиди тутган изингман Ватан,
Ерга томган конинг қизингман Ватан,
Сенинг осмонингда күш бўлиб учай.

Ватан сўзи кўзларга ёш, дилларга қувонч бўлиб келган ҳамиша. «Ватан деган сўздан бошқа ғам емайлик» деган шоира эл·юрт корига ярашки, унга камарбаста бўлишини ўзи учун бурч ва баҳт деб билади.

Дўстларим корига, Ватан корига,
Ярамоқ одатим, ярамоқ баҳтим.
Айланиб элимнинг хизматкорига,
Яхшилик ишқида яшамок аҳдим.

Ўз диёри, ўз ҳалки билан фахрланиш хисси шоиранинг китобидан-китобига кўчиб юради. Ўзбекистоннинг пойтахти. Хоразму Термизи, Сирдарё-ю водийси. Самарқанду Бухороси бари-бари шеър бўлиб, шоира юрти Наманганга борланади. «Хоразм дафтари», «Самарқанд дафтари», «Соғинч дафтари» ва ҳатто «Москва дафтари»нинг лейтмотиви ҳам Ўзбекистоннинг энг чет кишлоги Каттамўғолга бориб тақалади.

Ватан оstonадан, киши туғилиб ўсган ўлқадан бошлигади. Ўз ўлкаси — шаҳар, кишлокларига муҳаббат яхлит Ватанга бўлган Мухаббатнинг ажралмас кисмларидир.

«Ўзбеклигингдан» шеъридаги «Мехнатта корилган бор зуволаси, Мехрдан яралган элнинг боласи», «Ўзим айланайин ўзбеклигингдан» каби сатрлар хар бир кўнгилни ифтихорга тўлдиради. «Ватан», «Наманганлик», «Наманган мадҳи», «Шаҳанд», «Нечада ёшинг?» (Поп тавсифида) каби шеърларидан ҳам чукур фурур хиссини туямиз.

Ватан кадрини жаҳонгашталар билади. Дилбар жуда кўп хориж мамлакатларида бўлган ва шу боис ватан ҳакида сориниб, сориниб ёзади. Унинг учун, гўдак кўз ёшлари тўкилган илк тупрок ватандир. Бу Ватан кейин кенгайиб Ўзбекистонга айланади. «Қаерга кетсан ҳам қайтиб келаман, кўзимни ёшини артиб келаман», бу бежиз эмас. Чин шоирлар учун бешик биринчи илхомдир. Яна бир таъкидлаш лозим томони, она ардоғига бағишланган шеърлари. Шоира онани «шаркираган сойим», «осмондаги ойим», «яҳшиликка кон», «савлатимсиз», «давлатимсиз», дега ардоқлайди. Онага бўлган меҳр-мухаббатни самимий ва мафтункор сатрларда куйлади.

Онамнинг сёғига бошимни қўйсам бугун,
Жаннатнинг хидларидан кўзларимга ёш келди.
Дунёларни унудим, ғамни унудим бутун,
Онамга сирингани кўқдаги куёш келди.

Дилбар муҳлисларига лирик шеърлари билан ардоқли. Кейинги йиллардаги гўзал разаллари уни мумтоз адабиётдан хабардорлигидан дарак бермокда.

«Аё, жоним ёнар ўтда, куйдирди ёр таманноси»,
«Лабларининг зарби бўлмиш жаҳон булбулин савдоси»,
ёки

Жонимга жон ато килади танбур.
Ғамимни ҳам сато килади танбур.
Ишқининг олови куйдирди мани,
Ўтда ёниб хато килади танбур.

Бу каби разалларида нафосатга, санъатга ошиклик намоён бўлади. Шу билан бирга қалби очик, садоқатли инсонларга бўлган сидқидил эктиромини ҳам гўзал байтларга кўчиради:

Ҳар чаманга, ҳар гиёҳга,
Мехрибон бир чаман бўлса.

Ўзбекистонииг бөвлари,
Сиздай боғбонга көн бўлса
Сиз чин дўстсиз, садоқат-у
Вафо бобида танхосиз,
Элдан олдин ҳол сўрайсиз.
Дўстнинг ҳоли ёмон бўлса.

Инсон маълум бир умрга етганда, айниқса шоир бир ортига қайрилиб, босиб ўтган йўлларига назар ташлайди. Дилбар ҳам мана шундай умрни яшади, у ортига бир қайрилиб, «Сайлланма», тайёрлабди. Ўзининг ижодини ўзи тахлил килиб кўрибди. Юрак нигоҳидан ўтказибди. Саргини-саракка, пучагини-пучакка, пўчогини-пўчокқа, мавзини-марзига ажратибди. Тўрри килибди. Мен ҳам уларни юрак нигоҳи билан вараклаб чикдим. Дилбарни табриклайман. Дилбар шоиратини Дилбар муҳлислари ҳам табриклишига ишонаман.

Азим Суюн



"НОРИН МАЗЖЛАРИ"
түштәмидан

(1980)

Сүзә келмас тилим, бу актим шашан,
Шодикми, аламдан айыр димоим.
Борлиним беписанд ҳислардан тошан,
Шу күнта солдими, сизни фирғим.



ОНАЖОН

Бугун ёнингизда ўйнаб, бижиллаб,
Барингиздан тутган қизалоқ эмас,
Болалик дунёси эртагин тинглаб.
Туш давомин кутган қизалоқ эмас,
Оқила қизингиз сўзлар, онажон.

Кимнидир рад этиб, бир ишққа ташна,
Туйгуларга тўлиқ юраги билан,
Оромини олган қўшикка ташна,
Самоларга учган тилаги билан,
Бокира қизингиз сўзлар, онажон.

Фарзандлик бўрчини англамоқ хисси,
Ҳамма-ҳамма ҳисдан буюклигини,
Покиза қалбда йўқ алдамоқ хисси,
Завқи, саодати суюклигини,
Бокира қизингиз сўзлар, онажон.

Қайтадан харорат, оташ солмоқ-чун
Ўчаёзган қалбнинг ғариб чўрига,
Ҳаёт ишқи билан хар дам ёнмоқ-чун,
Дунё меҳрин жойлаб қорачирига,
Шонра қизингиз сўзлар, онажон.

* * *

Шўх Нориннинг шалоласида
Ювгим келар кол-кора сочим.
Ишва қиласар қир лоласида
Хаёлпараст йигирма ёшим.

Тўлқинлардан килиб поёндоz
Кутгим келар қалби оташим.
Гуллар шивирига жўровоз
Хаёлпараст йигирма ёшим.

Нориндан ранг олган ўсмадан,
Сув ичади хар баҳор кошим,

**Юлдузимни излар осмондан
Хаёлпараст йигирма ёшим.**

Сохилда кутмокда у шошиб,
Нуридан гул тутар қүёшим.
Шодликларга кетар улашиб,
Хаёлпараст йигирма ёшим!

БАХОР

Бўғриккан куртакнинг илиқ бағридан.
Бахор чиқиб келса пушти рангларда.
Ҳайратлар ютидан жой излаб шу дам,
Кушчалар сайраса минг оҳангларда.
Кўк териб хелардим яқин даладан,
Изимга тўкилиб ялпизнинг хиди.
Намиккан сўрида онам ва дадам,
Кутишар келар деб кўкламнинг қизи.
Кўзларимда севинч сувратлари жам,
Уларга сўзлардим севинч завқимни.
Чараклаб кетарди гуё олам ҳам,
Уларга улашсам ҳайрат, шавқимни.
Жаннатга айланган бокка чиқаркан,
Энтикиб кетардим қаддимни ростлаб,
Кўкламсиз одамлар қандай чидаркин,
Деб ўрик гулинни кучардим дастлаб.
Бахор деразани чертаётган пайт,
Мен сориниб кетдим ялпиз хидини.
Юрагим соринчдан титраётган пайт,
Кўклам танирмикан эрка қизини.

ЯНГАЖОН

Болакайнинг қўлларини ёчиб кўйинг, янгажон,
Йўргак кистган бармоқчалар чўзилсан ўйинчокка.
Беланчакнинг ёпқичларин очиб кўйинг, янгажон,
Қўлин чўзсан олайнин, деб борлиқни ҳам кучокка.
Ҳалитданоқ кўзларида балқир йигит шиддати,
Ҳалитданоқ эрк талашиб, бешикда килар исён.
Мургаккина юрагига сирмас уйку муддати,
Ўзи билмай боричлардан излар чикмокка имкон.
Бахтиёрнинг қўлларини, келинг, ўзим ечай мен,
Бораверинг ишингизга, кўнгил тўлиб хотиржам.

Бир гўдакка ташна қалб-ла сўйиб-сўйиб қучай мен.
Бола иси димоғимда, дилда соринч, меҳр жам.
Сухбатдан сўнг тебратаман күёш беланчагида,
Беармонман десин бир кун болалик дамларидан.
Ширин, сунмас орзу солай ва жажжи юрагига.
Бир кун чакмок ҳиди келсин, кутлут қадамларидан,
Бахтиёрнинг қўлларини ўзим илдам ечаман.

СЕНИ ИСТАЙМАН

Чирманда овози рақсга чорласа,
Дўстлар даврасида айласам хиром,
Кувончдан кўзларим шодон порласа.
Асов кўнгилларни этганимда ром —
Сени истайман!

Синов-имтиҳондан аъло олган чор,
Орзулар, режалар бўлганида соз.
Яшил либос кийса ҳар битта бутоқ,
Булбуллар чаманда айтганида роз —
Сени истайман!

Кимлардир тушунмай бокса кўзимга
Мен вафо ҳакида сўзлаган махал.
Сен ҳам қаттиқ турғил йигит сўзингда,
Жаҳонда нодирим, килма кўп махтал —
Сени истайман!

ДУГОНАЖОН

Бир дийдор ғамида энтиқдим бу кун,
Куйдириб кулмокни унутдим бутун,
Кимнидир излайман шошиб кун-бакун,
Келгил, дугонажон, куттирмай келгин.

Зимдан нигоҳ ташлаб бўйи бастига,
Қаролмадим йўлнинг баланд-пастига,
Хеч киз олмаганим кўзин остига,
Келгил, дугонажон куттирмай келгин.

Менга бўйсунмасдан қалбдаги түғён,
Сочилиб бормокда шодлигим ҳар ён,

Кундалик ишлардан топиб бир имкон,
Келгил, дугонажон, куттирмай келгин.

Тиниклаштан тиник сувнинг аксида
Тиниклашар эмиш ўйлар аслида.
Куйланмаган қушик ишқнинг баҳсида,
Ширин, қатъий сўзлар сўзлаш аҳдида.
Келгил, дугонажон, куттирмай келгин.
Кел...

* * *

Нега тушларимда яйрадим десам,
Гўзал Наманганда кўриб ўзимни,
Нега қизлар ичра сайрадим десам,
Норин дарёсида ювиб юзимни.
Сиз келар эмишсиз.

Бугун тонг шунчалар ёруғ, нурафшон,
Шамол ҳам ўзгача ҳар сафаргидан
Осмон зар тўкибди пойингизга шан,
Шахар оппоқ либос кийди янгидан —
Сиз келар эмишсиз.

Интизор термилиб, чарчаган ким деб,
Жавоби келмаган хатлар ортидан.
Нега бунча шовқин, дўстларим, жим, деб,
Бизга салом олиб ўзбек юртидан —
Сиз келар эмишсиз...

* * *

Ҳали вактли, дея юмдим кўзимни,
Тонглар гулдурашиб ўтди от чопиб.
Қанча гўзалликни қўйдим йўқотиб,
Ҳали вактли, дея юмиб кўзимни.

Ҳали вактли, дея мен тураман жим,
Кимдир чала гапин айтиб ўтмоқда.
Бутун борлигимни куйдай тутмоқда
Ҳали айттолмасдан юрган сўзларим,
Энди вактли, дея юммасман кўзни...

ЭШИККА

Мен энди кутмайман, кутмайман ортик,
Күлөгимга кирмас ҳеч қандайин сас.
Мен сени очаман, очаман қаттик.
Бардошга сириниб ўтирумайман, бас!

Билсанг менинг учун у тараф баҳор.
Ишонмайман агар кимдир киши деса.
Ахир у тарафда кутаяпти зор.
Мени кутаяпти азиз бир кимса.

* * *

Елризим, мен сизни ўйлаган дамда
Зим-зиә кеча ҳам ёришиб кетар.
Интизор бир кулги ўйнар чехрамда.
Күз ёшим кулгига коришиб кетар.

Эртаклар қулокқа кирмас бу нафас,
Мен айтаб бораман сиз — эртагимни,
Сехрланган баҳор шошиб бир нафис.
Лолага тўлдирадар тоф этагини.

Эртак-кўширимни илиб кетар сой,
Бағри кенг дарёга сочиб ташлайди.
Мен суйган чаманлар кўшикларга бой.
Улар ҳам кўшиғим айта бошлайди.

Оlamни тутади кушлар чуғури.
Саболар учмокка сўрайди изн.
Фақат сиз эртакдан чикмас югуриб,
Мени ёлризлатиб кўйган ёлризим...

ЗУЛФИЯ ОПАГА

Хайратдан зиникиб қизаради кун.
Япроқлар кўшиклар ўргана бошлар.
Оқ тонгга айланиб кетар қора тун.
Жилғалар ўзандан нақ тоша бошлар —
Сиз сўзлассангиз.

Сийнаси ойнадай денгиз чайқалар.
Бағри кенг кўчалар тўлиб кетади.

Қовоқ уйған булут шу зум таркалар,
Дунёни күлгүлар тутиб кетади —
Сиз сұзласангиз.

Борликқа түшалиб анвойи чечак,
Табиат узайтар гуллар умрини.
Кирлардан йўл олар сиз деб бойчечак.
Куйлатиб бўлмайди сайрок кумрини —
Сиз сўзласангиз.

Тўйғулар сўз бўлиб аста оқсалар,
Бу борлик муаттар, ҳаво бўлмас дим.
Мўъжизага лойик шундай лаҳзалар.
Кулокқа айланниб кетар вужудим —
Сиз сўзласангиз..

ТУШ

Тўлрониб хижрондан қочасан,
Үйқунинг оромли мулкига.
Тушингда кўзингни очасан,
Суяниб тоғларнинг илкига.

Осмоннинг бағрида камалак,
Оlamга сочади сийму зар.
Булокнинг бўйида бир малак,
Энтикиб кўзасин тўлғизар.

Жилғалар хаёлдай оқмоқда,
Осмонда турналар ўтади.
Кўзлари поёнсиз сўкмоқда,
Оқ отнинг дупурин кутади.

Оқ отнинг жилови измингда,
Бир зумда етасан истасанг.
Истак ҳам ўзингдай вазмидир.
Кишинайди тулпоринг кисталанг.

Кишинайди тоғ-тошлар ларзада,
Ҳавода ўйнайди қамчининг.
Малагинг яширас лакзада,
Киприкда титраган томчини.

Сен кизга етасан энтикиб,
Бошигдан айланар халоват.
Ул сулув кафтида сув тутиб.
Борликка тўқади малоҳат.

Гоҳ замин, гоҳ кўкка қарайсан,
Тингланг деб севгининг талқинин.
Гўзалнинг кокилин тарайсан,
Севгининг бағрига талпиниб.

Кўзингда севгининг шодаси,
Элчиси ҳажрли кунларнинг.
Гўёки юлдузлар подаси,
Тентирар тополмай тунларни.

Толенинг чиройли кулгиси,
Лабингта беозор кўнади.
Чаманинг муаттар гул иси.
Бахтиёр бағриннга сингади.

Сулувнинг сочини тарорлаб,
Кўзингга тушади кун нури.
Бағрингда севгининг сурори.
Излайсан тушингни сўрорлаб.

Кўксингга санчилар ҳажрлар,
Эҳ, ташлаб кетдими хушрўйинг.
Осмонда қушчалар вижирлар,
Таралар баҳорнинг хуш бўйи.

ОТАМГА

Мен сизни йигига жойладим қайта,
Колмади сиз учун айтилмаган сўз.
Келар деб йўлингиз пойладим қайта,
Сизсиз кўчаларда хира торти бўя.

Мен сизни излайман ўнгу туш аро,
Хатто тушларимда ташлаб кетасиз.
Мендек кўнгли ярим ва мотамсаро,
Сўйган борингизда сарсон кезар куз.

* * *

Ақлым кирған кунгача, ақлингиз олган ўзим,
Ўзим шайдо бұлгунча, бепарво қолған ўзим.

Сизнинг тилякларингиз йўлларимга сочар нур,
Толмас билакларингиз ҳамон беради хузур.

Хозирча интиқ-интиқ, чакнаб-чакнаб боряпман,
Кимларнингдир кўнглига орез-армон соляпман.

Орез қилган ўғлим ҳам отасидай мард бўлар.
Ўшандай мард бўлмаса, давоси йўқ дард бўлар.

Унга вирот шайлайди, отаси меҳри жўшиб,
Бекасамдан тўн тикиб, лабимдан учар қўшик.

“Катта бўлгин, болажон, улгая қолгин тезрок,
Изларингда чакнасин фазодаги шўх чақмок”.

ШАҲАР ОРЗУСИ

Мавжланиб ётгувчи пахтазорларда
Онамнинг ҳаворанг дуррасин кўриб,
Ўсма қўйганимда эрта баҳорда
Ва онам қўйгандаги сочимни ўриб.

Кўчага югуриб соchlарим майда,
Келдим ялангоёқ бўз болага дуч.
Аташарди мени қишлоқда ойдай,
Ойдай қиалар каби ўйинларга ўч.

Чайқаларди Норин дарёйи азим,
Жажжи юрагимга солиб қўшиклар,
Мен ундей куйлашга килғанман жазм,
Кўклаб кетганида яланг бўшликлар.

...Шахарлар мен учун эртак эдилар.
Тушимда юрадим шахарни истаб,
Онам ҳам шахардан сўзланг, дердилар,
Қишлоқ оқшомлари отамни қистаб.

Эртакнинг давомин кўрадим тушда,
Йўлга отланардим шахарни танлаб.

Ва учиб борардим осмонда күшдай,
Күшигим кетарди яна жаранглаб.

Хар қандай эртакнинг бор ниҳояси,
Бўз бола тутади қўлларимга гул.
Ортда колар мактаб пиллапояси.
Онам нон ёпади, отам берар пул.

...Шаҳарга энтикиб кириб келаман,
Кўшиклар забтидан калқийди юрак.
Мен дехкон кизиман, шўх кўшиқ билан.
Бошқача, бошқача куйлашим керак.

ВАҚТ ВА ҲАВАС

У вактларда ичкина қизча эдим мен,
Кунларим ўтарди кенг пахтазорда.
Кўп пахта тердим, деб югурадим мен,
Совға келтирганда отам бозордан.
Бозор куни бўлса йўлнинг четида
Пахта терар эдим тез-тез аланглаб.
Автобуслар ўтар
Улар ичидан,
Топардим ўзимнинг отамни англаб.
Автобусдагилар қандай баҳтли·а. —
Дер эдим ўзимча хаёлга ботиб.
Айланиб қизчалар учун баҳтлига,
Йўловчи бўлдим мен кўп тонглар отиб.
Бугун автобусда ўтиб бораман,
Ойнадан уради дала ҳавоси.
Кизчалар қўл силтар
Менинг бу замон,
Теримчи қизларга келар ҳавасим!..

"КҮКЛАМ КИЗИ"

тәпламидан

(1983)

Адашиб қолғанға әртаклар айтсаны,
“Ұ бор әди, мен бор әдим, адашолік”.
Әртакни тұратиб түрхтаған пайт сан,
Күзи ёшли үрмөн қолса адашиб.



ПОКЛИК

Хаёлимга ҳамиша ҳоким
Корга монанд барча оқликлар.
Юрагимни забт этар сокин,
Оламдаги барча покликлар.
Шу поклик-ла бокиб дунёга,
Гўзалликнинг сеҳрин туюман.
Эркаланиб софлик, рӯёга,
Яхшиликни ўпид, суюман.
Поклик билан ўйим, шуурим,
Орзўйимнинг котар суюги.
Шу поклик-ла турилар шеърим
Ва шу поклик бўлар йўргаги.

* * *

Кулишимни истайсан, суйишимни истайсан,
Ҳовуч-ҳовуч сув олиб менга сочган болакай,
Хаёллардан айириб, шўхликларга қистайсан,
Нозик-нозик хисларни менга сочган болакай.
Кўк ўпар чўнг товларнинг шиддатими кафтингда.
Ё тинимсиз чорлаган атирли төғ ҳавоси?
Ҳали лаблар етмаган сув тотими кафтингда,
Ё тинимсиз чорлаган атирли төғ ҳавоси?
Ҳовучингдаги сувни оқ нурларга ўхшатдим,
Шаффофф нурга чайдинг-ку оқ кўнгилни шу чокда
Ҳовучингдаги сувни оқ гулларга ўхшатдим,
Такдим этган гулларнинг сингиб кетар кучокда.
Энтикириб кўйдинг-ку эрка, шошқин болакай...

БОЙЧЕЧАК ҚЎШИҒИ

Бойчечак қўшиғин келтирас насим,
Куртаклар ёмғирга юзин чаяди.
Сен ҳақда ўйлайман, ўйлайман, босим,
Номсиз ҳаяжонлар бир кучаяди!

Мехримни нур каби тўкиб пойингга,
Сенсан деб юраман жону жаҳоним.
Чаманлар чайқалар турган жойингда,
Сен менинг кувончим, менинг баҳорим.

Сойнинг кечувлари, ялпизнинг бўйи,
Айланиб боради сенинг мулкингга.
Ўрикнинг гуллаши, кишлоқнинг тўйи,
Сабабчи бўлади тез-тез кулкингга.

Сочларинг ўримга кириб боради,
Соч ўриб айтади бувинг эртаклар.
Сенинг ўз эртагинг ҳали бориди.
Янгангга гўралар тердинг этаклаб.

Кўйгани жой толмай мурғак жонингни,
Осмонни кучасан аргимчоқ учиб.
Ухлайсан — тушингда она заминни,
Юлдузларни, ойни, қуёшни кучиб.

Шунда жонланаман ширин тушингда,
Бағримга сингийсан йиглаб баралла.
Факат сен, фактат сен аклу хушимда,
Борликни унутиб айтаман алла.

Бойчечак қўширин келтирас насим...

ОНА

Она, деб кўзидан сачраб кетди ёш,
Ногох бир ўлимни бошдан ўткарди.
Нозик юратига митти жон туташ,
"Инга" деб хонани бошга кўтарди.

Шу зумда шошилинч унутилар "оҳ",
Бир дунё бойликни бергандай Ҳизр.
Энтикиб гўдакка ташлайди нигох,
Вужудин яйратиб бир жонбахш хузур.

ОТАЖОНИМ

I

Отажон, шу қошингизда ўсаётган қизингиз
Мактөр суяр бўлмаса ҳам суюнишни билади.
Телбаларча югурмас у, топтаб кетмас изингиз,
Хеч бир ишга локайд эмас, куюнишни билади.
Кўлингиздан кетмон олиб чопа кетар ер бийлаб,
Кўл кабарса парвоси йўқ, кетмон уради чапдаст.
Ота, шунда балли, қизим, деган сўзингиз сийлов.
Шопириғлик бурдойни ҳам елкасига олар даст.
Онажонин ҳузурида пайдо бўлиб ўша дам,
Оппок сутга ҳамир қорар ҳамма ишини қўйиб.
Куч томгувчи билагида сизнинг меҳрингиз ҳам жам,
Болакайин кучганича, алла айтади тўйиб.
Сўнгра чала каштасини кайта олади кўлга,
Каштасига бир-бир тушар олам ранго-ранглиги.
Каштасининг суви ўхшар худди қуёшли йўлга,
Ул йўлларда кўринмагай одамларнинг танглиги.
Унда зорлик деган гап йўқ, меҳрларнинг бари жам,
Тиним билмас шаршаралар, дириллайди майсалар.
Унда сулув қизнинг туши, сокин бедорликлар ҳам,
Одамларга олкиш, ёддан чиккан эзгу нарсалар...

II

Ота, Сизга бағишлиланган қўшиқларим кўп,
Кафтиңгизда котган қадоқ — менинг қўшиғим.
Улар дилда рўзангиздек бесанок, тўп-тўп,
Рўза гули бўлса бодрок — менинг қўшиғим.

Куйга солгум рўзангизнинг авж олишларин.
Саратоннинг оловига чидаган зотсиз.
Якка томга ирратганча тушган тишларни,
Ивитилган бурдой нонни тишлаган зотсиз.

Орзингиздан тўкилгувчи ҳар бир кулгингиз,
Шодлик-икбол бўлар менинг ўнгу сўлимда.
Меҳрингизга қўшиб тутган ҳар бир туйғунгиз.
Заволи йўқ қўшиқ бўлар ҳар тонг йўлимда.
Ота, Сизга бағишлиланган қўшиқларим кўп.

III

Икбол тилар отажоним юракдан,
Бахт тилайди соддагинна сўз билан.
Ортиқидир у хар қандайин тилакдан,
Ўлчаб бўлмас бир караш-ла кўз билан,
Унга интилгум.

Бошим силар гоҳ сертомир қўллари,
Шу кўл ўзи менинг учун Бахт қуши.
Юмуш билан йирок кетган кунларим
Йўлга бошлар уларга соғинч кучи,
Чексиз соғингум.

Кўзларимда кўрса ўкинч чидолмас,
Раво кўрмас ғамгинликнинг соясин.
Деккон отам меҳнат килиб ҳеч толмас.
Бизни эса кўймас ҳамон аяшин,
Ўйлаб, лол қолгум.

Отагинам доим шодлик, бахт тилар,
Мухр бўлар юрагимга ҳар сўзи.
Одамларга мени ҳамроҳ этдилар,
Кузатади мени ул тийрак кўзи —
Ҳеч адашмагум!

IV

Тақдирга ёлвордим кетса деб ийиб,
Юбормай тургил деб менга мотамни.
Пойига йиқилдим ўқ еган кийик.
Асраб қололмадим жоним отамни.

Кунпаякун килар эдим душманни,
Ғамлар юкин отиб ташлар эдим даст.
Қанотлари синган мажрух қушман мен,
Ахир мен ажалта келолмадим бас.

V

Кўчада кўринса чолларнинг тўпи,
Кўнглимдан бир армон тошиб кетади.
Чолларга ярашган оқ яктак, дўппи,
Кўзларимга соғинч сочиб кетади.

Юрагимда армон ва соринч билан
Кабрингиз бошида тўкаман кўз ёш.
Гўёки мен каби бир илинж билан
Кабрингиз устида тўхтайди куёш.

ҚИЗ ЎЙЛАЙДИ

Қиз ўйлайди соғинчдан —
Шу топ боши айланиб,
Фарғона водийсида
Яйраётган баҳорни.
Тотли-тотли сас келар
Шўх шамолга беланиб,
У ҳакла кўшик айтар
Узокдаги баҳодир.
Баҳодирнинг кўшири.
Кизнинг ўзидаи дилбар:
Гўзалим, худди сендай
Боғлар гул либос кийди.
Наманган кутар сени
Йўлларингга гул тўшаб.
Киз кулади, кафтида —
Сўнгги корлар эрийди...

ТОҒ ОРҚАСИДА

Тоғнинг орқасида ястаниб ётар
Этаги чаманли яшил Фарғона.
Кўёш энтикканча кўксига ботар,
Ховлига сирмайди шу топда онам.

Дуркун кизча кириб келар кўчадан,
Болаликда айтган кўширим айтиб.
Онам пичирлайди шодумон шу дам,
“Дилбарнинг ёшлиги келдими қайтиб?”

Онам ва қизимнинг соғинчларини
Кўтариб келганман тоғ орқасидан.
Кўксимга босганча сенинчларимни,
Онамнинг изидан соринч излайман.

Хаёлларим баланд тоғ орқасида...

УКРАИНА ДИЁРИДА

Украин диёрин мовий осмони,
Сенга салом бўлсин кавкабистондан.
Олқишиларга ўраб бу хур замонни,
Кўшиклар келтирдим Узбекистондан.

Мен пахтакор юртнинг пахтакор кизи,
Пахтаси етгулик юлдузга, ойга.
Юртим сўзламоюқса бергандা иэн
Энтикиб турибман, ахир бу — пойга.

Навоий бобомнинг қаломин оклаб,
Сипқориб келганман ғазал жомини.
Шоира Зулфия саломин оклаб,
Шеъримга солай мен хаяжонимни.

Давраларда кўшик, бетакрор ғазал,
Кон эрур бу ўлка кўшиққа азал.
Украинка шеърин кетмасдан тоти,
Бошланар Пушкиннинг гўзал баёти.

Бу кўм-кўк осмоннинг зангор теграси
Ашъорга, кўшиққа тўлар басма-бас.
Чайкалиб ётгувчи бурдойлар саси
Кўшиксиз яшашдан юз бурган абас!

Кўшиклараст злга ишқлараст элдан
Дўстона бир минбар сўраб келдим ман.
Дўстлигу вафони куйлай дилимдан,
Хали айтилмаган кўшиклар билан.

МАШРАБ ОСИЛГАН КУН

Гуноҳлардан фориғ этмай дунёни,
Гуноҳларга ботиб қолди бугун дор.
Ажратолмай бугун ўнгу рӯёни,
Халойик бағрини тиғлайди зор-зор.

Дорда Машраб эмас, дорда ишқлараст,
Бўғзида кўшири — шоир девона,
У гуноҳкор эмас, у кўшиклараст,
Дордаги кўшиқдан кўркар замона.

ҮЕЛИНИ СУЯДИ АЁЛ

Жангари ўрлини суюди аёл,
Хуморин ёзади гүдаги кулиб.
Бу олам кетади кулгуга тўлиб.
Жангари ўрлини суюди аёл.

Гулдайин босар у гул сийнасига,
Болакайга тутар ширин насиба.
Нигоҳида балкир севинч, нашида,
Гулдайин босади гул сийнасига.

Аллага жпойлайди дилбар дунёни,
Борликни элитар унданги тафтлар,
Мехру саховатни ичирап кафтлаб,
Аллага жойлаб у дилбар дунёни.

ВАЗН

Музларда сирғаниш яхши-да,
Ўзингнинг вазнингни сезмайсан.
Қорларда сирғаниш яхши-да,
Оёғинг хеч ундан узмасанг.

Вазнисиз учганда ногахон,
Кўзингни тўссами эҳ, туман,
Тор эрур сенинг-чун бу жаҳон,
Ўзингни кўрганда юз тубан.

Вазнимиз унутиб қўймайлик...

БОЛА

Бола мол боқади, қўшиқ айтади,
Санаб ўтирмайди юмушлар канча.
Кунни, молни уйга олиб кайтади,
Сўнг хаёл суради ётиб чалқанча.

Менинг учун тенгсиз бир диёр,
Жўш уради Норин дарёси.
Соринчим ҳам, меҳрим ҳам бисёр,

Күйлай бўлиб булбулгўёси —
Гуллар юрти Наманганимни.

Яйраб, жўшиб келганда баҳор,
Гул хидига тўлса чаманлар.
Ёдга олса бизни ҳар наҳор,
Ул чаманда коши камонлар, —
Күйлай юртим Наманганимни.

Күйларимга тўлар тоғ-тош,
Балқиб кетар яна далалар.
Эркалайди кўклам куёши,
Сойлар эса тўкиб яллалар —
Күйлаб окар Наманганимни.

Онам каби сўйиб қучганда,
Гўдак мисол кетаман яйраб.
Хаёлларим унга учганда,
Таърифлайман кумридек сайраб
Бағри баҳор Наманганимни!

ЧОПАР ЙИГИТ ТЎЙГА АЙТСА

Чопар йигит тўйга айтар от солиб,
Силкиниб қўйишар йўлдаги толлар.
Кекса юракларга қайта ўт солиб,
Жийдазор кўчада сўзлашар чоллар.

Чопар йигит тўйга айтар от солиб,
Тўй завқига тўлиб кетар ҳаволар.
Тўйга отланишар тилдан бол томиб,
Ок рўмолин бошга ёлиб момолар.

Чопар йигит тўйга айтар от солиб,
Бешикдан ўлонини ечар ёш келин.
Болалар оғзига қанд, новвот солиб,
Тўй томон шошишар югуриб-елиб.

Чопар йигит тўйга айтар от солиб,
Кизлар кўйлак танлар шошиб бу чорлар.
Йигитлар чўнтакка сирли хат солиб,
Қаттикрок, боғланар белга белбоғлар.

Чопар йигит түйга айттар от солиб,
Күнгил шундай лаҳза гурунг гадоси,
Мен бунда юрибман түйдан кеч қолиб,
Кишлокни тутгандир карнай садоси.

Кўчада бораман, кўлимда китоб.
Турфаранг чеҳралар ўтар лентадек,
Ажнабий қаршимда кутади жавоб,
— Яхши киз, хиндмисиз, арабми ё ўзбек?

У жавоб кутади, термилиб маҳтал,
Кезмокликтан тўхтаб гўё жаҳонни.
Ўзбекман дейману, худди шу маҳал,
Софиниб кетаман Ўзбекистонни.

ЖАВОБ ХАТ

“Бахти бекам қизим”, деб ёзасиз хат,
Айлантириб мактуб парвонасига.
Кизингизга ҳамроҳ меҳру мухаббат,
Қадрдон уйимиз остонасидан.

Онажон, ёдимда Сиз айтган алла,
Отамнинг меҳрга тўлиқ нигоҳи.
Болалигим ўтган кўча, маҳалла,
Шифобаҳш аталган дала гиёҳи.

Ёдимга тушади Нориним ҳар он,
Лимиллаб окканча қўширин айтиб.
Бор умрин далага баришлаган жон,
Бир чанок пахта деб этилган пайти.

Ёдимда — келини ионин узган пайт,
Кўзларига суртган оқ сочли момо,
Гўдак юрагимда энг ёрқин сурат,
Фарронга устида ёп-ёруғ само.

Бахти бекамлигим Сиз ҳамда улар,
Изингиздан топдим ўнгу рўёни,
Сизлар бор — соғинч бор, рангин туйғу бор,
Онажон, севаман, рангин дунёни.

КАМАШИБ КЕТАДИ ДУНЁ КЎЗЛАРИ...

I

Сизни шу осмон бағрига,
Ой каби яшириб бўлмади.
Тоғларнинг сокин қаърига,
Сой каби яшириб бўлмади.

Юлдуз сочиб изларимга,
Ой бошимда айланар.
Сой сириниб изларимга,
Йўлдошимга айланар.

Истаклар илашиб баримга,
Сизни шод яширгач бағримга.

II

Кўшик бўлиб юрагимга киргандинг,
Кўшикларга тўлиб кетди бу дунё,
Ҳамма мендан куйламоқни ўрганди,
Куй оғушлаб, тўлиб оқди сой, дарё.

Қуюқ, қуюқ киприкларда калқиди,
Софинчларга қоришиғлик юлдузлар.
Ой осмоннинг кучоғида балқиди,
Ва заминга сачраб кетди, зар излар.

Замин шошиб, қиздай кулиб юборди.
Кулги зарби куртакларни уйғотди.
Қаерларда эдинг, келди баҳор деб,
Сабо келиб ўзин бағримга отди.

Кўшик бўлиб юрагимга киргандинг...

III

Орамизда баланд тоғнинг викори,
Пимиллаган кумуш сой қахкахаси.
Орамизда салом хатнинг шикори,
Ҳайратдан саргардон сабонинг саси.

Орамизда кизик эртак бошланган,
Бу эртакнинг йўқка ўшар поёни,

Хайраттедек осмоннинг кўзи ёшланган,
Осмоннинг бағрида эртак сурони.

Орамизда юрар ҳамон бу эртак,
Охири не бўлар хеч ким билмайди.
Агар учрашмасак тўзийди тилак,
Учрашмасак эртак эртак бўлмайди.

IV

Кутишга токати колмаган қуёш,
Уфқка бош қўиди тийиб сасини.
Осмоннинг кўзидан юлдузлар сачраб,
Ой кўтариб қўиди зарпардасини.

Гуллар беркиндилар тун оғушига,
Дунёда бетакрор соринчлар билан.
Булбуллар негадир келмас ҳушига,
Дарё оқиб борар сенинг изингдан.

Дайди шаббода ҳам сени топмагач,
Пойимга йиқилиб аста бўзлади.
Ҳатто, биз тушунмас соқов дараҳтлар,
Сенинг соринчингни узоқ сўзлади.

Сен кирибсан бу кеч гуллар тушига,
Мен қайдан келайин ахир ҳушимга.

V

Сехргар товушнинг сехрига сингиб,
Сирлар тўқилади юракнинг қаъридан.
Ўзни унутаман симларга сириниб.
Ва сезмай тутаман истаклар баридан.
Соринчга айланган хаёлчан вужудни,
Титроклар бағрига яшириб жимгина.
Оловга айланган хаёлчан вужудни,
Севинчлар бағрига яшириб жимгина
Жимгина тураман, жилмаяр камалак.

Сориниб юрганим лолалар кўксимда,
Мен қизалоқ шу дам, соchlари жамалак.
Жилгалар пойимда боладай чопади.
Симларга илашар одам, ҳаловатим,

Жонимга жойлайман бетакрор сўзларни.
Кўзларимда кўриб севгининг сувратин,
Қамашиб кетади Дунёнинг кўзлари.

V

Ўзим ёлган эшикни ўзим очарман қайта,
Кўзларимни тўлдирган ҳижрон расмин дув тўкиб,
Аввал тан олмаганим ишқка дучорман қайта,
Тоғлардаги охудай тураман титраб, хуркиб.

Бу эшикнинг ортида, кўпллик Қўширин айтиб,
Гуллар кучогида энтикиб турар баҳор.
Осмону-фалакда ҳам муҳаббатнинг илк байти,
Болакайдай энтиккан дунёнинг ҳайрати бор.

Мени кутиб сарғайган чамалларга ранг кирап,
Кўпдан қуёш мўралар чақинларни тўхтатиб.

Дарё ўзанга сирмай тўлиб-тошиб ҳайқирап.
Эҳтиросу ишқ билан ўзин водийга отиб.
Мени кутган бу фасл сенга ўхшайди жуда,
Бағрида тўла меҳр, интилар интилтириб.
Ногоҳ йўқотган эдим ҳижроннинг кучогида,
Бугун ўзим топарман, соғиниб, соғинтириб.

VII

Шукухингга тўлган бу хона,
Остонада қўйди тўхтатиб.
Жим турибман ўзни мардана,
Ҳаяжоннинг кўксига отиб.
Ҳаяжондан ёнаман шу пайт,
Кўзларингнинг ёлқини каби.
Шу тоб айтар гапларингни айт,
Сўниб борар ҳижроннинг зарби.
Лабларимда эрир шўртак там,
Кўзим тушгач ишқ сийратига.
Висол бугун бўлибди хотам,
Биз сифинган ишқ қисматига.

VIII

Қисқариб боради масофа отлик,
Иккимизни тўсиб турувчи нарса.

Вужуди — борлигим хаяжондан лик,
Ниҳоят тугади ҳижроннинг дарси.
Рўпарангда туриб каролмайман тик,
Биламан шу нафас кўзларинг ёнар.
Рўпарангда ўзим, бошим-чи эгик,
Ахир кўзларимнинг боши айланар.

IX

Бу ишқ — азобга айланган лаҳзалар,
Унутиб юборган ўз хаяжоним.
Бу ишқ — ҳижобга бойланган лаҳзалар,
Бўғзимда тиқилиб яшаган жоним.
Бу ишқ — ўтиб бўлмас масофа ҳатлаб,
Орамизга тушган төғ, дарё, денгиз.
Хонада турганда бежавоб ҳаётлар,
Қор оралаб кетган бир жуфт таниш из.
Бу ишқ — бизни доғлаб адаштирган йўл,
Боғлардаги гулнинг йўқотган ранги.
Кечалар ёстигим кўз ёшимдан хўл,
Кундузлар даврада кулгим жаранги.
Бу ишқ — мен интилган тараф белгисиз,
Ва титраб айтганим: келмайди тамом.
Сиз ёниб изладим, деганларингиз,
Мен Сизни топганим, топганим омон.

* * *

Боғларни олманинг ислари тутар,
Олмаларнинг ранги қуюқ кирмизи,
Боғлар тепасидан қиялаб ўтар,
Осмоннинг чиройли ёруғ юлдузи.

Дарё титраб борар ойини кучиб,
Шивирлашиб қолар йўлда майсалар.
Сеҳрга ғарқ дунё сехрига тушиб,
Хаёлинг мен томон шошиб йўл олар.

Мехр ва соғинчни пойингга тўкиб,
Замин кузатади сени кафтма-кафт.
Сенинг кўзларингдан муҳаббат ўкиб,
Юлдузлар учади бир деб тўрт тараф.

Боғларни олманинг ислари тутар...

* * *

Киноларда йўксан, эртакларда ҳам,
Сени топиб бўлмас китоб ичидан.
Мен ўтган кўчадан сира ўтмайсан,
Олдинги жойларда мени кутмайсан

Мен китоб ўқийман кўраман фильм,
Рангларга бокаман, тинглайман оханг.
Сени унутмокка етмайди билим.
Сени соғинарлар менга ҳамоҳанг.

* * *

Эртани ўйлашга қўркиб яшардим,
Қўркардим колишдан сендан айрилиб.
Эртаклар сўйлашга қўркиб яшаудим,
Қўркардим коласан унга айланаб

Бугун кечаги хис мени аллалар,
Кечани ўйлайман сориниб бот-бот.
Бугун эртанги хис бошда айланар,
Дуч этармиш бизни эртага хаёт

* * *

Мен ишқ билан хайрлашмадим,
Факат сенга айтилди видо.
Кўшиқ билан хайрлашмадим,
Овозимдан бўлсам-да жудо.

Мен овосиз куйладайвераман,
Бунга юрак чидар экан то.
Мен ишкимни сийлайвераман,
Хотамни лол қолдириб ҳатто.

Мен ишқ билан хайрлашмадим...

КУМУШНИНГ СЎЗИ

Бир ўткинчи хаёл бўлиб,
Яшамокни истамам.
Ё ўткинчи аёл бўлиб,
Яшамокни истамам.

Бахоримга ёди деб кор,
Адо бўлиб кетмадим.
Ишкка ташна меҳрға зор,
Гадо бўлиб кетмадим.

Иккимизга бу жаҳон тенг,
Иккимизга хаяжон.
Сизсиз дунё бўлмагай кенг,
Сизсиз ортиқ менга жон.

Мехрингизга мен гарқ әдим,
Рашк оляпти бу жонни.
Баришладим сизага бегим,
Гўзал ёруғ жаҳонни.

* * *

Чайқала-чайқала самолёт,
Ўрмонлар бағрига сингади.
Хайрият, етдик деб саломат,
Ҳамроҳим рўмолин танғиди.

Кўрсатиб шимолнинг ҳавосин,
Ёмғир ҳам заптида қуяди.
Келтириб ҳамманинг ҳавасин,
Ҳамроҳим набира сужди.

Ҳайронман энтикиб тургайман,
Асли шу томошо қизиқ-да.
Гўдакнинг соғинчин кўргайман,
Бувисин манглайнин чизирида.

* * *

Мен бугун ташнаман, ҳалал бермангиз,
Ташналик нелигин билмас зарифга.
Жавоб айтолмайман савол бермангиз,
Тилларим келишмас ҳозир таърифга.

Ранглар жилвасидан қамашган каби,
У ўтган томонга каролмас кўзим.
Жилғалар ўзандан тошгани каби,
Жой тополмай қолдим кўйгали ўзим.

У ўз дарди билан ўтди сезмайин,
Нур бўлиб тўкилди ҳислар пойига.
Сабо бўлиб ўпдим изларин майнин,
Келтира олмадим ҳеч парвойига.

Ошно этиб уни ою фалакка,
Соринчла термулдим рашким аралаш.
Пинҳона жойладим эзгу тилакка.
Тилакларим эмиш кимларга талаш.

Мен бугун излайман жонимдан тўйиб,
Ошкор этардурман ул ниҳонимни.
Исмини ёзганим бағримни ўйиб.
Кўйдириб юбормай жон-жахонимни.

* * *

Ягона кизини Сизга топшириб.
Қишлоқда бемалол яшайди онам.
Келасиз ҳайратим кўздан тошириб,
Сиз менинг, бир менинг сирли афсонам.

Юрган йўлларимда, хонамда қўшик.
Қўшик айланади ҳамма ёғимда.
Сизнинг севгингиздан яшайман жўшиб.
Гуллар акси ёнар гул ёноримда.

Сизнинг ортингиздан кутлай деб ёниб.
Гул-чечак кўтариб баҳорлар келди.
Мен бешик устида гоҳ, ухлаб колиб,
Сумалак қайнаган наҳорлар келди.

Майсалардай майин ухлайди бола,
Юлдузлар чараклар ой тўнар кумуш.
Иккимизга мунча ўхшайди бола,
Севгидай сеҳрли сиз билан турмуш...

ГУЛЗОРАНИНГ СЎЗИ

Совчилар келади, сени деб кизиб.
Менинг кўзларимда хижроннинг изи.
Юрагимда соринч, истироб сизиб,
Кутиб яшамокдан тўйдим-эй, синглим.

Сенга совчи келар, мактублар келар,
Үн еттинчи бахор изингдан елар.
Билмайсан, қалбимни тирнайди нелар,
Кутиб яшамоқдан түйдим-эй, синглим.

Сенинг борлирингда улгаяди ишк,
Сенинг юришингу, туришинг қўшик.
Меининг юрагимда саргаяди қиши,
Кутб яшамоқдан түйдим-эй, синглим.

Изларимдан юрма, ўртама шитоб,
Юрагимда бордир пўртана шу тоб,
Айтаверсам хеч ким беролмайди тоб.
Кутиб яшамоқдан түйдим, мен синглим.

ПУШКИН ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

Московнинг минг битта шовкини ичра,
Сиз сокин турасиз хаёлга ботиб.
Тверь бульварига хаёли сачраб,
Пугачёв келади узун йўл тортиб.

Сиз битган севги, рашк изтиробидан,
Татьяна келолмас ҳамон ҳушига.
Сиз бирга ичасиз вақт шаробидан,
Биз учун айланиб ҳумо қушига.

Пойингизга келган қаҳрамонингиз,
Юрагини тўкиб солади охир.
Ахир улар сизнинг жон-жахонингиз,
Улар изтироби сиз учун оғир.

Улар изтироби сиз учун оғир
Сиз сокин турасиз мағрур кўз ташлаб.
Чала шеърдан шу тоб лабингиз оғрир,
Айтар шеърингизни кетгансиз ташлаб.

Шеър тинглагим келар ўз оғзингиздан,
Сизга турмуламан келмай ҳушимга.
Бу жаҳонда ёлиз сиз бандсиз шу дам,
Ахир шеър ёзяпсиз гуллар тушига.

СЕВИБ ТУРИБ

Мұхаббатнинг күшик сирли сўқмоқлари бор,
Кўзимни тўлдирған чақмоқлари бор,
Бошимга тушгувчи тўқмоқлари бор,
Ишқнинг оловида ёндим, Самарқанд.

Дийдорлардан воқиф Афросиёб ҳам,
Гувоҳлик беради маиса, гиёҳ ҳам,
Қуёшни беркиттан булат сиёҳ ҳам,
Севиб туриб мендан тонди Самарқанд.

Охимдан айрилик бузилиб кетсин,
Телефон симлари узилиб кетсин,
Ҳатто, тош юраклар эзилиб кетсин,
Ишқнинг оловида ёндим Самарқанд.

Висол сўзин наҳот шунча нози бор,
Мұхаббатнинг шунча кишу ёзи бор,
Дилбар ёзаверар гул корози бор,
«Севиб туриб, мендан тонди Самарқанд».

СИЗ ОДИЛ ҲАКАМСИЗ

Фақат айришга эмас ҳакамлик,
Фақат айрилиқдан не топар дунё.
Сизнинг ҳукмингиизда висолда камлик,
Кечирим сўзини унутдингиз ё?

Одил сўзингизни кутади махтал,
Бахт қалитин топмай турған бу зотлар.
Битта ҳукм билан тақдирлари ҳал,
Умр бўйи қарғаб бу дамни ёдлар.

Бир-бирларин сўксин аlam устида,
Майли отсингилар ҳам таъна тошини.
Бир-бирларин осон енгиш қастида,
Майли тўқсингилар ҳам алам ёшини.

Сизнинг қўлингиизда турар тарози,
Ён босмоқлик зарур кимнинг холи танг.
Кошингиздан кетсин тақдирдан рози,
Бирорида кўрманг аламу, аттанг.

Сиз одил ҳакамсиз, ҳамма билади,
Оддий мақтөв сизга килади озлик.
Қылдай ёмонлик хам дилни тилади,
Сизга түри келмас оддий бazziзлик.

Каршингизда доим оқ билан кора,
Яхши-ёмонликнинг курашлари бор.
Сиз ҳакикат излаб доим овора,
Бошингизда сочлар гүё оппоқ қор.

БИЛМАЙСИЗ

Кулиб турдим кўз ёшимни яшириб,
Қаранг, канча эсли бўлиб колганман.
Тилимни тишладим, берма деб фириб.
Лоқайдларга ошно бўлиб олганман.

Хол-аҳволим яхши, ҳаммаёк тинчлик,
Ёшликни унудим, ўзни унудим.
Яшаган уйимни қилмадим чанглик,
Аммо Сизни ҳар кун, ҳар лаҳза кутдим.

Балки, келмасингиз билардим ҳар вакт.
Висол орзулари бўлдилар барбод.
Сизнинг кошингизга келдиму, хушбахт,
Соринч дафтаримни қиласердим ёд...

Мен яна куламан, Сиз борингизга,
Ичимда минг бора шукрлар айтиб:
Зор бўлиб ўтдиму, дийдорингизга,
Хижронки тилимга олмадим қайтиб.

Ҳеч қачон билмайсиз, дардларим бисёр,
Ғамларимни айтмай кулиб тураман.
Сизни кўрганимда кетса ихтиёр,
Шошилиб, кетдим деб юзим бураман.

Билмайсиз хаёлан Сиз билан бирга,
Бирга-бир юриб умр ўтганин.
Ҳеч ким суюнматан мендек сайдга,
Келмасингиз билиб туриб кутганим...

"ИШК СҰҚМОҒИ"

тұпламидан

(1990)

Хаёл, вұрқуд, юғарқ сүркірашидан,
Осмоннинг бағы ҳам силқиниб кепди.
Күзимдан, осмондан негадиғ шу дам,
Митти жолдузғалар түжиліб кепди.

Шығарниңі бағы ҳам соғынды, Ватан?..



ТАШРИФ

Ташрифнинг сехридан ярадор бир күш,
Учди қайта ёзиб жуфт қанотини.
Қирларда оқ корлар зиркан бехуш,
Майсаларга берар оқ хаётини.

Булокларнинг кўзи очилиб кетиб,
Тўлиб-тосхган жилга шўхчан куйлади.
Уйғониб кетди-да бօғ, девор чети,
Шовуллаб дарахтлар бирдан гуллади.

Чаманга айланди яна тўрт тараф
Булбуллар ҳайрати оламни тутди.
Осмоннинг кўзидан севинч тиркираб,
Гуллар япроғига шабнамлар тушди.

Яна ҳам талтайр ёлқинли қуёш,
Уйғонишга шошар кишлоғу, шахар.
Митти ялпизларнинг кўзларида ёш,
Томларга лолалар чикади саҳар.

Парилардай ташриф этади баҳор,
Гўзалликни ташвик этади баҳор.

КУТИШ

Файратдан тош котган оқ корлар гувоҳ,
Төвларга тўш урган олқорлар гувоҳ,
Кечикиб келгувчи баҳорлар гувоҳ,
Келар йўлларингни пойладим минг йил.

Шаҳризода айтсин зартакларида,
Атиргулга байтсан куртакларида,
Мухаббатнинг маъюс этакларида,
Келар йўлларингни пойладим минг йил.

Сочимдан кавш тўкиб оёкларингга,
Райхонлар ўстириб дудоқларингга,

Шеърлар айтар бўлиб кулокларингга,
Келар йўлларингни пойладим минг йил.

Манинг бу ҳолимни тушунган айтсин.
Севги борлигига ишонган айтсин.
Ёлриз Тошкент эмас. Наманган айтсин,
Келар йўлларингни пойладим минг йил.

* * *

Бу қандай ривоят, бу қандай эртак,
Наҳоткин, эртакдан чиқиб келдингиз.
Ҳайрон ой шошилиб ёзганда этак,
Юлдуздай мен томон учиб елдингиз.
Остонадан ўтмоқ осонми шунча,
Қўлингиздан тутиб қолмасми ҳеч ким?
Мен-ку, кузак пайти музлаган ғунча,
Хидлаган чорингиз эрийдурман жим.
Бу лаҳза эртакдан чиколмас ғаним,
Оққизлар соchlарини юла бошлайди.
Сизнинг кўзингизда сувратим маним,
Деразани ёмғир юва бошлайди.

* * *

Қадах тутган бу қўл ишқпарварники,
Чалиб юбориши мумкин шу топ най.
Қадах тутган бу қўл ул сарварники,
Титрамай келавер қўлларимта май.

Қадах эгасидан яшириб кўзим.
Мен сени сипкоргум ёниб мастрона.
Тилингга эрк берма, пинҳон тут сўзим,
Биласан, ул йигит қўшик, достоним.

Бу шоҳбазм учун келмадим асти,
Бу базм шунчаки холис баҳона.
Кетсам кайтаролмас ҳеч кимнинг дасти,
Базм давом этар яна шоҳона.

Кетсам, ул йигитга дунё қоронғу,
Кетмасам, кўзларим сиримни айтар.
Кел, ичай, йигитнинг кўзида қайғу,
Кел, майим, сен мени шодликка кайтар.

БИР СЕНМАС...

Негадир уйнингга сиғмайсан,
Юрагинг кисилиб боради.
Кўчада бағрингни тиялайсан,
Бағрингда соринчнинг фарёди.

Чироклар бирма-бир ўчади,
Борлиқни юлдузга топшириб.
Кўзларинг осмонни қучади,
Вужудинг кимгадир талпиниб.

Биласан, боргани йўллар берк,
Такиқнинг бағрини ўясан.
Эшиклар узалган, қўллар берк,
Шу нафас баридан тўясан.

Аслида бир сенмас жаҳонда,
Тонгларни кутгувчи уйқусиз.
Сен учун сирили бир маконда,
Сен ҳақда ўйлайди ёлриз қиз.

* * *

Ёриб ўтди, ўткинчи ёмғир,
Дайди шамол эсади майнин.
Бошига кўк рўмолин танибиб,
Кўширини бошлар оқ қайин:

“Ўрмон ватан — бағрингдир гул-гул,
Гул тергани бир қиз келадир.
Ортда йигит — тагида дулдул,
Қиз ишқида бўзлаб еладир.

Мухаббатдан қудратли куч йўқ,
Такдираша учрашувлар мўл.
Бировига тегиб кетмай ўқ,
Йўлиқтириб тилагил “оқ йўл”.

ЭРТАКЛАРГА АЙЛАНДИММИ...

Шарифага

Эртакларга айландимми, малагим,
Бемехр деб сайландимми, малагим,
Мактубларга жойландимми, малагим,
Соринчларга бойландимми, малагим —
Бир бор бўлиб, бир йўқ бўлиб Сиз учун.

Орзуладан шартта кечиб бўлмаса,
Күшлар мисол Сизга учиб бўлмаса,
Софинганда Сизни кучиб бўлмаса,
Бу хижронни майдай ичиб бўлмаса —
Бир зор бўлиб, бир зўр бўлиб Сиз учун.

Қорлар босди йўлимиэни фасли киш,
Бойчекақдай бўйлаб ётар если ишқ,
Қанотларин ёзган мисол бир оқкуш,
Юрагимда туйгуларим ҳур кўшиқ —
Бахор ўзим, наҳор ўзим Сиз учун.

Эртаклардан чиқиб ўзим оҳиста,
Эртак ёзган қўлни ўпай моҳитоб.
Йўлларнда довдиратар оҳ, истак,
Соринчларни Сизга тўкай моҳитоб —
Муродларга-максадларга етган кун!

Адашиб колгунча кезсанг ўрмонда,
Факат ўзинг севган хаёл бўлса бас.
Унутиб юборсанг жануб томонда,
Адашган бир юрак сеники эмас.

Адашиб колгунча қўшиклар айтсанг,
Тушуна бошласа ўрмон тилингни.
Дарахтлар юзига юзингни боссанг,
Соринчларин тўксанг шунга дилингни.

Адашиб колгунча эртаклар айтсанг,
“У бор эди, мен бор эдим... адашдик...”
Эртагинг тўхтатиб, тўхтаган пайт сан,
Кўзи ёшли ўрмон колса адашиб...

БАРМОКЛАР СЕХРИ

Бармоклар ракс этар клавишларда,
Бармоклар изидан таралар оҳанг.
Дунёнинг минг битта ташвишларидан,
Озод тебранаман куйга ҳамоҳанг.

Табиат товусдай товлангай шунда,
Шитобла учади торда охулар.
Тўлин ой осмонни тўлдиргай тунда,
Тоғларнинг бағридан сиркирар сувлар.

Куйнинг қуршовида тинди чархпалак,
Унинг юзларида тўлқиннинг зарби.
Юлдузларик сочиб осмону фалак,
Сирларин айтгани сирдош ахтарди.

Бармоклар ракс этар клавишларда,
Оҳанглардан эрир менинг юрагим.
Беркиниб шаҳарнинг ташвишларидан,
Ёлриз оҳанг билан қолганимда жим.

Толбаргак кўйида уйғонган қизча,
Аста тушларимдан чикиб келади.
Софинмоқ нелигин англағанича,
Ёшли кўзин менга тикиб келади.

Қакроқ лабларимни юзига босиб,
Беркитишга шошгум ҳаяжонимни.
Ҳижрон зарби эрта кўксига ботиб,
Софиндим, деб олар менинг жонимни.

Шу топ қишлоқ томон учар ҳисларим,
Онам нон ёпмоқда мени кутмоққа.
Тандирнинг ёнида қизчам излари,
Мен ерга эгилдим, уни ўпмоққа.
Бармоклар югурап клавишларда...

ГЎДАК СОФИНЧИ

Мени кечир, қизим, узоққа кетдим,
Сени, гўдагимни қишлоққа ташлаб,
Кўксимни ёндириган орзумга етдим,
Кулгуларга тўла кўзингни ёшлаб.

Хонамнинг тўрида сёнинг суратинг,
Унга сифинаман хар тонгу, хар кеч,
Мехрга ёарқ балки, унда ҳаётинг,
Мен ўзимни-ўзим кечирмайман ҳеч.

Димогимга келса боланинг иси,
Мени таъкиб этар оналик хисси.

* * *

Пойингга тиэ чўккум, азиэ фариштам,
Бир "ая" сўзингга берай деб дунё.
Ёки жим турасан, мёнинг жон риштам,
Менингчалик қаттиқ соғинмайсан ё?

Ё жажжи қўллар-ла, юзимни силаб,
"Сориндим, аяжон", дейсанми секин.
Хозир овораман мен бардош тилаб,
Кувончлардан эриб кетмай деб у кун...

* * *

Кишлоқни изладим картадан,
Кўзимга мактабинг кўринди.
Хув, ўша мен кўрган партада,
Кўлингда мактубинг кўринди.

Кизим, сен олиссан худди шу,
Ёзмаган соғинчли хатингдай.
Кизим, сен якинсан худди шу,
Кўксимни ёндирган отингдай..

* * *

Хуэурингга келдим, қизалорим кел,
Сени дея бўлди кўз ёшларим сел.

Сенинг соғинчингга тўла дафтарлар,
Жанубга учди-ку, бўлиб каптарлар.

Тушларимдан чикиб кетганингда жим,
Манглайимга тушди сездирмай ажин.

Жавдираб колганим йўлларда менсиз,
Яшай олмаслигим билдим-эй, сенсиз.

Шұхратларнинг иси маст қилолмайды,
Бошка изтироблар мен учун майда.

Факат сен ҳақингда құшиқлар айтиб,
Кишлоғимга баҳтли онадай кайтдим.

Қизалорым, кел...

* * *

“Сориндим, аяжон!!!”
Күксимга сирмайды жон,
Портлайди ҳаяжон,
Айтилар омон, омон.

Соринч рүё әкан,
Кулар күлча юзлигим.
Мехримга меҳр түкар,
Жажжи нусхам — қиэлигим.

* * *

Рельсларнинг юзига әгилиб осмосн,
Сочиб юборади кумушларини.
Кувончлар исидан жуда ҳам мастман,
Онам ташлаб келар юмушларини.

Кумуш рельсни босиб келади поезд,
Босиб кетолмайды ҳаяжонимни.
Очиқ ойналарга күз ташлайман тез,
Соринчларим излар онажонимни

Соринчимга уриб олғач үзини,
Үзига келолмай поезд тұхтайди.
Онам кучар мени, эрка қизини,
Бошим айланғанга үхшайди.

ХИЖРОН МАКТУБЛАРИ

Сен қайлардан билдинг менинг дардимни,
Құлларимда титрар сен юборған хат.
Тунда түшларингга кириб бордимми,
Сенга сүйладимми хижрондан фактат.

Олис, олисларда сориниб, бўзлаб,
Юрганим она юрт мажбур этдими?
Кимдир шеърларимни сенга кўз-кўзлаб,
Рашкинг оловига ташлаб кетдими?

Тошкент оқшомлари фараҳи билан,
Кўзингга чиздими, сен суйган ойни.
Хиёбонда кезсанг, йўлдан чиқиб ман,
Шодликка кўмдимми сен турган жойни.

Сен қайлардан билдинг менинг дардимни,
Ахволу, зорингни сўйлар менга хат.
Сенинг тушларингга кириб бордимми,
Тунги чирокларин ёкканда Тошкент.

* * *

Тошкентга билет йўқ, дейсизми опа?
Йўқ, қайта текширинг, бўлиши керак!
Бир хафта билет йўқ, дейсиами опа?
Мен учун даҳшатдан бермангиз дарак!

Мен учишим керак, тезроқ, ха, тезроқ.
Опажон, шу лаҳза учмасам бўлмас.
Куйдириб ташлайди мени бу фирок,
Ёлизим, қизимни кўрмасам бўлмас!

Хижрондан соchlари оқарган онам,
Оҳ, бетоб қизимнинг қошида бетоб.
Менинг бор бисотим сизга кетса ҳам,
Учириб юборинг, опажон, шитоб!

Рахмат! Раҳмат, опа бу билет эмас,
Висолга йўлланма бердингиз, ахир!
Тошкентга учишим ҳакикатдир, бас,
Кипригимда севинч ёшлари зохир...

* * *

Мен излаган фароғат шудир,
Ўзгасининг менга кадри йўқ.
Умримдаги ибодат шудир,
Ўзгасининг менга фарзи йўқ.

Тотдим турфа ерлар нон-тузин,
Тушда уни кўриб, уйғондим.
Усиз ғарид бўламан ўзим,
Ғариблиқдан асрар Тошкентим.

Мен излаган фароғат — шудир...

* * *

Онажон, ташқари жуда ҳам совук,
Ташқариди ёпар ёмғир билан қор.
Мен турган хонанинг эшиги ёпик,
Бу уйда энг азиз овозингиз бор.

Кипригимда шодлик, товушим бўрик,
Телефонда сизни тинглаяпман жим.
Иссикрок кийин деб киласиз ўгит.
“Вакт тугади”, эълон қиласиз аллаким.

Сиз шошиб айтасиз, қизим, тез хат ёз,
Хайр, дейман, зўрға симдан ажралиб.
Демак, хали иссик, биз тарафда ёз,
Мен билан ташқари чиқади жануб.

* * *

Дарахтлар пойида далалар мудраг,
Япроқлар лабида титрайди видо.
Сурмаранг булутлар қанотин судрагар,
Самонинг бағрида чақмоқли нидо.

Ой юзин беркитар сўнг бор мўралаб,
Юлдузлар беркиниб, олишади тин.
Шамол шовқин солар боғлар оралаб,
Гулларга айтолмай колди бор гапин.

Жанубга кечикиб учайётган қуш,
Қўзларида соғинч, хижрондан муҳр.
Оплок этакларин ёзмок учун қиши.
Куздан узр сўрар, озод, гўзал, хур.

* * *

Жажжи бола қадам босар,
Алпон-талпон энтикиб.

Катталарни кўркув босар,
Оёғига кўз тикиб.

Бола эса кетаверар.
Кулоч ёзиб худди куш.
Гўё денгизда чарх урар.
Кенжа, эрка бир оккүш.

Йўлда шамол силаб юзин,
Оёғини ўпади.
Она замин суйиб изин,
Изига гул тўқади.

ТИЛАК

Кута, кута топган подшоҳим, болам,
Тикан кирдими·я, киприкли олай,
Йўлингда йикилсанг, гуноҳим, болам,
Куёшдай йўлингга пояндоз бўлай.

Отингни айтганда оғзим тўлади.
Оти улув, ўзи улугим, болам.
Бўйнимга осилсанг бағрим тўлади,
Оллоҳдан сўраган буйруғим, болам.

Минган тойчокларинг ою, йил ўтиб,
Ё бойчибор бўлсин, ё бўлсин Фирот,
Болам, она тилинг минг, минг йил ўтиб,
Навоийни билсин, каерда Хирот.

Сен юрган боғларнинг гули сўлмасин,
Умринг узун бўлсин, шум бўлма факат,
Полвон авлодимнинг рухи кўлласин,
Таки итоатли қул бўлма факат.

Бу дунё бозордир, олди·сотди кўп.
Доним эҳтиёт бўл, тилингни сотма,
Йўлингда ғаюрлар қиласар тало·тўп,
Киёмат·қойим ҳам элингни сотма!

* * *

Кичик амакимнинг кўллари қийшиқ,
Баривар, чалаверар, эзиб дуторни.

Мирзакамол ака, құллари майишиб,
Құлтиқтаёқ билан кезар бозорни.

Одамлар зеслашар уларни кам-кам,
Хамманинг бошидан ортади юмуш.
Кайси бирларини күриб қолсам хам,
Едимга тушади биз билмас уруш.

* * *

Яшашиңғиз керак, амаки, энди,
Кирғиңдай қийилтган уч оға учун.
Үқнинг ёмғирлари қирқ йилки тинди,
Үлимини ўйлайсиз, тинчликда нечун?

Сиз дуттор чертганды күмрилар тиниб,
Гуллар тебрангани ўнгдир, туш эмас.
Отам Навоидан, Машрабдан ўқиб,
Фазаллар битгани күнгил хушимас.

От чоптириб ўтган Қамбар амаким,
Урушга хам кирған отин чоптириб.
Полвон кепти деса, қайда аллаким,
Кимлар түй бошлаган нонлар ёптириб.

Рахмон амакимни сал чапанирок,
Сүзидан кайтмас деб тасвиrlашади.
Бувимни күр килған, қаддини сүрок,
Бедарак учинчи ўғлининг дарди..

Эрта-кеч чиқмайсиз, токлар оралаб,
Фойдаланмай тайёр имтиёзлардан.
Күмир сұрамасдан, ўтин арралаб,
Куз, кишга ўтасиз, сезмай ёзлардан.

Яшашиңғиз керак, амаки, энди,
Кирчиллама кетған оғалар учун.
Күзингизга яна нега ёш инди,
Юракда турған ўқ күрсатар кучин?..

* * *

Юрагим санчиди, санчар ғалати.
Отамни сориниб эслаганим чок.

Отамнинг тўшакда ётган ҳолати,
Юзларида қон йўқ, сўдан ҳам бир оқ...

Юзларида қон йўқ, кўзларичи, ох,
Дунёнинг дардларин сўзлаётирлар,
Бу кўзлар нишонни тўғри олган гоҳ,
Бу кўздан чўчиган қанча ботирлар.

Бу кўзлар дунёга қарамаган оч,
Каровида суйган азим дунёни.
Жаҳаннам ўтлари ёзганда кулоч,
У ўтни қайтарган минг бора ёниб.

Келин тушган чоғи, қиз узатган чоғ,
Бола чуғурига тўлганида бор,
Дўст-ёр даврасида кўнгли бўлиб тоғ,
Отамнинг кўзида ёнар эди ўт.

Кўчани тўлдириб кишинаганда от,
Улокқа чорласа Қамбар амаким.
Оқшомлар тингласа гоҳ "Чўли ирок",
"Шоҳ Машраб"дан тушиб колса аллаким,
Отамнинг кўзида ёнар эди ўт.

Отамнинг кўзида ёнар эди ўт,
Олисдан энтикиб қайтган пайтларим,
Гоҳо ёқиб тушса ҷала байтларим,
Шоир қизим, яна гайт-э, айтлари...

Отамнинг кўзлари, чидолмам шу топ,
Дунёнинг дардларин сўзлаётирлар
Бу кўзлар биз учун туганмас китоб,
Шу нафас биз учун бўзлаётирлар...

* * *

Оқ тонг.

Бедапоя.

Сайрап бедана.

Пахтазорни тутган қизлар кулгиси.

Тушларимга босиб киради яна,

Ковунпояларнинг тонгдаги иси.

Қуёш сийму-зарлар тўкмаган бир пайт,
Отам даласига кетар от миниб.

Күшлар бир-бирига айтмай туриб байт,
Онам нон ёпади елиб-югуриб.

Мен каттиқ ухлайман. Тушимга кирар.
Сочларим жамалак нон ёлган пайтим.
Кўзларим ўзимдан олдин югурап,
Болалик қўшигин адашиб айтдим.

Оқ тонг,
бедапоя,
Сайрар бедана.
Далаларни тутган кизлар кулгиси.
Тушларимга босиб киради яна,
Қовунпояларнинг тонгдаги иси.

МОСКВА ДАФТАРИДАН

Саргилананинг шеъри

Сен яна сўйлайсан юртинг Богододни,
Қадим кўчаларин айтиб номма-ном
Мафтун этишини ҳар бир сайёдни,
Ва мен колишимни унда бегумон.

Дунёнинг энг иссиқ томони дейсан,
Менга ўхшар эмиш, араб қизлари.
Эркин яшамоқлик замони дейсан,
Бир овлоқ жой эмиш Олтой бизларнинг.

Сен учун дунёда Богододу факат,
Кўзларим керакдир, айтдинг барагла.
Сен ишқ девонини очдинг қатма-кат,
Менинг кулогимда юрт айтган алла.

* * *

Қадаҳингда тураг ичилмаган май,
Куйган шаробингни мен хам ичмадим.
Сенга дуч келдиму, мен ўзим билмай,
Севиб қолмайин деб қасам ичмадим.

Бу ишқ кимларгадир беради базм,
Кимнингдир борини олади тортиб.
Новча паканага қиласи таъзим,
Бу дунёда кўпдир бу каби тартиб.

Сенинг кўзларингда мухаббат дардлар,
Сенинг дардларингни куйлайди Феруз.
Дераза ортида тўкилур барглар,
Эшик тиркишидан мўралайди куз.

* * *

Орамизни тўсиб туради парта,
Кўриша олади кўзлар бемалол.
Доскада илирлик дунёвий карта,
Бизни айиради, бу бизга малол.

Чегаралар турар, турар ранг-баранг.
Бизни айнрмокқа қасдлари бордек.
Бўялган ер, сувлар, тоялар ранг-баранг.
Турар мухаббатга карта карздор деб.

* * *

“Севгилим, энди сен менга хотира”,
Феруз кўшиқ айтар шу топда ёниб.
Адаштириб бўлмас гапингдан сира,
“Сенсиз яшамоққа бўлмас ўрганиб”.

Кечалар уйғотиб кетгувчи тушдай,
Эшикка суюниб турибман карахт.
Дардли термуласан ўқ еган қушдай.
Ташлаб кетолмайман хайр, деб мен шахд.

Видо айтай десам жонимдан тўйиб.
Сендай ёлворади мухаббат факир.
Сени унда билмай яратиб қўйиб,
Уэр сўрар мендан, беилож такдир.

АЙРИЛИК

Афевондан қайтмаган ўзбек йигитларига

Туннинг бағри қоп-корадир.
Шамол эсар елавгай.
Кимдир излаб оворадир.
Қайда мунгли чалар най.

Жайрон хомуш турар нега,
Кўз ёшлари бир булоқ.

Тор-тош охлар урар нега,
Охи етмайди бироқ.

Ойсиз оққан дарёларда
Айрилиқнинг қамчиси
Гулу майса лабларила,
Ох-фарёднинг томчиси.

Мажнунтоллар йирлар зор-зор
Дарё тўлар ёшига.
Бир қиз сочин ёзиб борар,
Икки кўли бошида.

Бугун тупроқ билан тўлди,
Мард йигитнинг кўзлари.
Очилимасдан гунча сўлди,
Бўғзиададир сўзлари.

Кўзларини беркитар тун,
Очай деса йўқ журъат.
Мард вафоли йигит учун,
Кора кийган табиат.

* * *

Камолиддин Раҳимовга

Наманганинг булбулисиз сиз.
Чаманларни куйга тўлдирган.
Ортингизда қолган қўшиқ — из,
Кечда сайнинг тушига кирган.

Овозингиз кай рангда сизни,
Гул чечаклар ранги етарми?
Кўшиғингиз жарангда сизни,
Шу жарангдан тонглар отарми?

Ул қўшиқдан ол қуёш ийиб.
Баланд тоғнинг эрирми кори?
Оҳанг ичра учгандаги кийик,
Бошланарми юртим баҳори.

Баҳор шунда излаб колса ранг,
Қўшиклардан ранглар ясад ман —

Гул-күртаклар лабига таранг,
Овозингиз рангин чизаман.

Кўлингизда сайрайверар тор,
Хайратларим борар улғайиб.
Бу дунёнинг кенгайиши бор.
Куйдан юрак кетса кенгайиб.

* * *

Фалаба тутсин — эй, йигит баридан,
Дунёнинг кўзлари бизда бўлган пайт,
Сара йигитларнинг энг сарваридан.
Ўзим ўргилайнин кўнгил тўлган пайт.

Полвон йигит майдонда борар экан,
Кокилимнинг мушки сачрар изига.
Олға дея давра чорлар экан,
Караб кўйсин интиқ турган кизига.

Йигит, карашингдан ғаним чилларчин,
Менинг юрагимда гурлаб турар ўт.
Сенга омад тилай, бўлиб Ойбарчин,
Қани, синовлардаи ғолиб бўлиб ўт.

Фалаба тутсин-эй сенинг барингдан...

* * *

Махфиратга

Сиз тутган олманинг рангига қараб,
Олма гуллагани ёдимга тушди.
Дарёйи азим бу — Норин шаркираб,
Баҳорнинг элчиси турналар учди.

Накш олмангизда яркирар қуёш,
Ўи етти ёш қизнинг табассуми бор.
Юзида шабнами, булбулдаги ёш,
Ёки бевафодан колган бир ғубор?

Ўазга олмаларга ўхшамас сира,
Ё гулларнинг атри қўйилган қўшиб.
Ё боябон йигит ҳам бияга биргина,
Боябонлик сехридан яратган қўшик.

Наманган олмасин тоти ўзгача,
Юртимнинг нафасин келтирас ҳолис.
Болалик даврининг ёди ўзгача,
Шунча ширин бўлар, қанчалик олис.

Сиз тутган олманинг рангига қараб,
Олма оқизишлар ёдимга тушди...

ТАЙЁРАГОХ

Тайёрагоҳ. Шовқинлар дунёси,
Учишга шай турар самолёт,
Кулокларинг битган ё сени,
Ё укмайсан кўзларимдан дод.

Якинлашар учиш соати,
Якинлашиб келар айрилик.
Телба қилас мени тоқатинг,
Ё кетмайсан шартта қайрилиб.

Сен кувончим, сен менинг додим,
Билмасликка оласан сезиб.
Оромингни ўғирлар ёдим,
Айриликдан кетгансан безиб.

Кузатасан ҳар сафар ҳам жим.
Жим турасан тоқатни ушлаб.
Тайёрада учгувчи менким,
Булутларинг бағрини ёшлаб.

Тайёрагоҳ... Айрилик бекати.

* * *

Қайтаяпман, қариди сафар,
Сен олгансан телеграммани.
Байрамсифат юлдузли шахар,
Нурга чўмиб кутар хаммани.

Тайёрага оқади гуллар.
Мажнунтоллар ёзар зулфини.
Одамларнинг кўзлари кулар,
Висол очар кўнгил қулфини.

Тайёранинг оёғи ерга,
Тегар-тегмас шошиламан мен.
Юрак бу пайт титрайди нега,
Кўзларимда ёш, куламан мен.

Кискаради масофалар хам,
Сина бошлар айрилик тоши.
Гул тутасан, офтобим, эркам,
Сени топгач айланар бошим.

Тайёрагоҳ — Висолнинг бекати...

ХАБИБИМ

I

Куйлашайлик, кел, ҳабибим,
Бор ғамларни куйга сол.
Булбул ҳайрон тингласин жим,
Шул дамларни куйга сол.

Турналарнинг аргимчори,
Унга келиб улансан.
Бахор бўлиб умрим бори,
Совинган кўз қувонсин.

Ҳажр сўзи унга сирмас,
Висол сўзи яқиндир.
Висол дея келса бир сас,
Юракларда чакиндир.

Куйлашайлик, кел, ҳабибим,
Севиб торинг қўлга ол.
Ёдинг билан яшайдир ким,
Ўшал зоринг тилга ол.

Бу жаҳоним сенга тортиқ,
Кўзларингга индирай.
Куйлолмаса буни ортиқ,
Торингни бер, синдирай.

II

Тинмай ёқкан ёмғир тинди,
Сен кечикиб келдинг сирдош,

Кута, кута кўнгил синди,
Эритолмас энди куёш.

Ой, куёшни тўсган булут,
Кўзларимдан бўлди ройиб.
Энди гўзал хислар унут,
Турарман мен гул сарғайиб.

Васлинг деса учмас хушим,
Локайд бўлгум ўшал замон.
Энди излаб топмас тушим,
Яшамайдур бўлиб омон.

Сирдош, энди сендан тортиқ,
Дардлар менга дард эмас.
Ишқ китоби қолди очик.
Хисоб-китоб шарт эмас.

III

Мен сени қайтадан кўрмаслик учун,
Ватан килиб кетдим тору тошларни.
Не учун, сен тақрор излайсан нечун,
Синдириб ташлай деб бор бардошларни.

Мен сени ҳеч қачон эшиитмас учун,
Қулогим беркитдим, бўлсамда адо.
Мен учун куйламок. шунча сас нечун,
Тоғлардан келади сендан акс-садо.

Мен сени ўзгага бермаслик учун,
Ўзгалардан олиб кетдим вафони.
Ярадор юракка бургутлик нечун,
Кайтадан олмасман жабру жафони.

IV

Бу қадим дунёнинг кенг саҳнасида,
Кимлар бўзламади, кимлар ўтди шод.
Тарих деб аталган юрт саҳнасида,
Машхур одамларнинг номи бўлди ёд.

Тарихнинг измида айланур дунё,
Шукрат ҳам келади навбатма-навбат.

Кўзларинг қамашиб сезмайсан гўё,
Сахна ва олқишлиар абалул-абад.

Ҳабибим, бу саҳна шунча ўткинчи,
Шунча тез унутар сени одамлар.
Фалакда сайраган күшча ўткинчи,
Сен ёниб севмасант, севмас одамлар.

Ёниб сайрамаса, илк саҳар булбул,
Табиатга йилни беради хирож.
Чаманда яшнайди гуллар ичра гул.
Ҳабибим, тегмагил йўқса эҳтиёж.

Ҳабибим, кўзларинг қамашган гўё...

СУЛТОН САОДАТ

*Термиз яқинидаги "Султон саодат"
харобаларида ёзилган шеър*

Беэга саодат шунчалик аянч,
Фарид аҳволига тушгани ростми?
Пештоқида ёнган тиллолару, ганж,
Ғанимлар юртига кетгани ростми?

Хатто, Аму кетиб қолибди узоқ,
Бу ёқдан пахтазор келар бостириб.
Ахир яқингача, бордайин тузоқ,
Хеч ким келолмасди Сизга ботиниб.

Болалар жонини олганда "свирлик".
Саодат дегани қоғозга дўнди.
Хиноли кўллари ёриқ, қабарик,
Шаркнинг аёллари меҳнатга кўнди.

Раҳбарлар алмашди, султон алмашди.
Аёл юмушлари абадий илло.
Дунёнинг ишлари бари чалкашди,
Ботқоқларга ботди қадимий тилло...

Худога шукрким, сина бошлади.
Келгинди зотларнинг аробалари.
Мен сизга сигиниб кўзим ёшладим,
Султон саодатнинг харобалари.

САМАРҚАНД ДАФТАРИДАН

I

Зарафшоннинг кумуш ирмоқларида.
Сехрланиб ётар бу куркам диёр.
Самарқанднинг қадим сўқмоқларида,
Буюк Алишернинг азиз изи бор.

Оёк кўймай туриб тупроғини ўп,
Буюкларнинг хоки ҳар заррасида.
Гулларин кўзга сурт, тупроғини ўп,
Дуоларга кўл чўз халқ орасида.

Шу нафас дуолар бўлиб ижобат,
Еп-енгил сезасан вужуд-танингни.
Аждодларнинг рухи бериб ижозат,
Улардай сева бил сен ватанингни.

Шу нафас соғинчдан оғрийди кўксинг.
Хайратга суялиб боккинг келади.
Самарқанд пойида гўёки кўк сим,
Зарафшондай тўлиб оқкинг келади.

II

Марди отанинг дегани

Жаҳонгир Темурни куйга солмаса,
Созанда созини чалмаёқ қўйсин.
У ҳакда эшитиб, ўйга толмаса,
Шоиринг шеърини ёзмаёқ қўйсин.

Асл ботирлари уйқуга кетган,
Оналари ҳамон пахта билан банд.
Ювуқсизлар ҳакда қасида битган,
Шоири бор элга ҳамма берар панд.

Қайта Улурбеклар келмас дунёга,
Ёддан чиқар экан унинг хотири.
Оналар айланиб булбулгўёга,
Алласида айтсан элнинг ботирин.

Майсаларга тегсин она алласи,
Шудринг гул лабида айласин фарёд.
Шунда улгаяди кулликдан озод,
Ватанига эга ўзбек боласи.

III

Софинчинг шунчалар эзиб ташлади,
Сенга дуч келганда гўё котдим тош.
Нигоҳинг севинчни тизиб ташлади,
Кўзларим қийналиб беркитдилар ёш.

Саволлар бермагил, берма шу маҳал,
Кониктирмас ахир сени жавобим.
Қўлимдан шу топда тутса ҳам ажал
Кетавераман жим, сен деб офтобим.

IV

Афросиёб йўлига

Минг-минг йиллаб, пинхон ётар йўл сири,
Бу кўчадан гадо ўтган, гоҳи шоҳ.
Гоҳ гадо тўркаси, шоҳнинг шамшири,
Йўл бетига тушган чизиклар гувоҳ.

Озодлик ҳақида қўшиклар айтиб,
Оғинни зўрға судраб ўтган кул.
Жангга кетган ёри келмагач кайтиб,
Сочин юлган бахти каро қайси тул.

Бу йўлдан бошланган илк бора сафар,
Шу йўлдан бошланган айрилик, висол.
Шум хабар келтиргач, ногаҳон чопар,
"Во, дариг", деб йўлга йикилгандир чол.

Минг-минг йиллаб пинхон ётар йўл сири,
Ёрилган товонга беролмай таъриф.
Гадонинг тўрваси, шоҳнинг шамшири,
Йўл бетида инграб ётади тарих.

ХАМЗАОБОДДАГИ ЙҮЛБОШЛОВЧИГА

Шоир шеър ўқиган жойни кўрсатинг,
Кўрсатинг тошлардан гуллар унганин.
Шоирни соринган ойни кўрсатинг,
Ва тагин сойларни куйлаб турганин.

Шоирни унуган сўқмоқлар кани,
Унутиб сўзласин у хам гунглигин.
Шоир изидаги чақмоклар кани,
Сўйлаб турмайдими, усиз мунглигин.

Кани, сўзламасми кўхна дарахтлар,
Неча йиллар йивлаб баргин тўkkанин.
Кўклам элчилари — майса бараҳдлар,
Шоир изларига мангу чўкканин...

Шошиб етаклайсиз хоналараро,
Кискартиб сўзлайсиз, кисинади жон.
Чала нуткингиздан хўп мотамсаро,
Тошларга айланиб борар Ҳамзахон.

АДАБИЁТ МУАЛЛИМИМГА

Сизга қийин экан, энди ўйласам,
Сизга оғир экан бизни алдамок.
Унинг кундай юзи кора бўлса хам,
Бизга керак эди ҳақикат бирок.

Халк душмани эди Фитрат, Чўлпонлар,
Номлари йўқ эди кўча-кентларда.
Шеърлари ёдланмас эди уларнинг,
Номлари йўқ эди конспектларда.

Нахот, севмасдингиз Усмон Носирни,
Тилга олмадингиз ўн йил лоақал.
Ахир ўрмонида Усмон хотирин,
Музлатиб ётаркан совук Магадан.

Сизга қийин экан, энди ўйласам,
Хушёр яшамоқлик ҳамма-ҳаммадан.
Уч-тўрт шоир шеъри камроқ бўлса хам,
Четга чиқмагансиз "программа"дан.

* * *

Яшил сўқмоск, бурдойзор изи,
Чарчокдан кўзлари қамашган замин.
Оқ қайин ўрмоннинг бокира кизи,
Хотирага барин расмин чизаман.

Расминни чизаман дарахт юзларин.
Менинг суратимни олаётган пайтин
Кўзларимга тикар ўрмон кўзларин,
Колгиси келади ненидир айтиб.

Бораман сокинлик бағрини йиртиб,
Ортимга сира ҳам келмайди қайтгим.
Тупроқнинг рангини юзинга суртиб,
Кўзикоринлар турар химоясиз, жим.

Сарвқад дарахтлар ташлар баргларин,
Қуёш парчаларин ташлар бош узра.
Қуёшнинг рангида товланар замин,
Худди шу лаҳзани топдим кўп излаб.

Кузак майсаларин иситмоск учун, -
Барглар оловланиб, тушар от салиб.
Шу лаҳза колсин деб кўзимда бутун,
Ранглар суратини чизаман тўйиб...



Абдураҳмон ал-Хамисий

ТЕРЕЗИН

Достондан парча

Терезин — Чехословакиядаги нацистлар томонидан концлагерга айлантирилган қалъа.
Унга гестапочи Юкль бошчилик килган.

I

Терезин устига рутубатли нам,
Күргөшин сингари сур осмон чўкди.
Тўзюқ булутлар нақ кадилодай жам,
Илоҳий тутунин осмонга тўкди.

Нега сув булаттга айлангач яна,
Ерга ёмғир бўлиб оқишига шошар?
Қатл этилганлар қайтмасми яна,
Гўё устарада кириб ташланган башар?

Газ камераларин тўлдирган охлар,
Бесас тун бағрида сувга ташланган,
Паноҳсиз асрлар ул бегуноҳлар,
Э, худо, наҳотки қайта келмаслар?!

Бу азоб, касофат айбдори Юкль,
Ёвузликларини сўзлаб берар ким?..

II

Терезин!
Мен музлаб турман, дўнгликлар музлар,
Тупропининг зарраси, асрлар кули.
Бомбалар парчаси — Гитлердан излар,
Қонли суюкларнинг бўлсайди тили...

Бурчакларда мудҳиш хотиралар жим,
Кайғу бўёғини юзига суртиб.

Ибодатхонада сиғинади ким,
“Бедарак кетган”лар хокини ўпид.

Тилга кирар ногоҳ қабр тошлари,
Сўмоклардан келар қадам товуши.
“Шаҳид кетгандарнинг кариндошлари,
Машъалалар ёкинг, рух ёришгуси”.

Қайноқ ёш сизади юзларга, лабга,
Дастрўмолчалар хам тўлар фарёдга.

III

Владик Полянский,
Дўстим ёдимга тушди.
Варшава. Учрашув. У қизгин сухбат.
Отангнинг сийрати хаёлинг кучди,
Нозик қон риштаси узилди шу пайт:
“Кучга тўлган пайти, Гитлерга қарши,
Фашизмга карши курашди тинмай.
Нацистлар бўғдилар ёқмай караши,
“Бедарак йўқолди” кадди букилмай.
Билмаймиз отамнинг ётар жойини,
Ғалаба кунни хам келмади қайтиб.
Билсайдим, мен бориб, хоки пойини,
Кўзимга суртардим, дардимни айтиб”.
Дўстимнинг отаси ётар эхтимол,
Шарқлик шаҳидлар-ла, шу ерда бежон.

IV

Терезин!

Бизни тўсиб турган эшикни кокдим,
Ўликлар тик турди худди шу нафас.
Дахшат, изтиробдан тош каби қотдим.
Юзлаб жонсиз кўзлар бокқанда бесас.
Улар итиробнинг туманларида,
Ўлим бўсағасидан учиб ўтарлар.
Мурда иси юрган томонларида,
Шаҳарга конларин кечиб ўтарлар.
Улар пайдо бўлар жимгина, аста,
Тупрок орасидан, дарё ичидан,
Эгилған аргувон баргидай хаста,
Самодан шамолдай тушурлар шу дам.
Нурларнинг чархидан туштанлари он,
Киёмат-қойимдир руҳлар оломон.

V

Терезин!

Денгизнинг исёнкор тўлқини каби,
Тошқиниб келишар, ўлмаган улар!
Фақат.. танларида жароҳат изи,
Кўзларида қийнок, тўмтот бармоклар.
Жасад суюгида мия чайқалар.
Бўлинган тана-ю, мажақланган қўл..
Шамол шивирлайди бўғзида фарёд.
Оғу еган лабдай куришгандир ул.
Шамол булутларга бориб дод солар,
Киёмат-қойимдан титра, Терезин!
Суяк, кўз чаноги, қонли нарсалар —
Оломондай келар, келар беизн.
Чиқиб келишади тарих измидан,
Ул шахидлар кони, булоқдир бу дам.

VI

Терезин!

Адрессиз асрлар турли давлатдан,
Азоблари бир хил, ўлими бир хил.
Кийнок машинаси сўрамас Ватан,
Конунсиз қатлнинг имзоси дардчил.

Варшава,

Москва,

ёки Будапешт,

Прага, Софиядан келган асрлар.
Машина майдалар, суриштирмас хеш.
Кай тил адолатга додлаб чакира.
Бир ипга тизилган умид билан ғам,
Юракларда қаҳр, инграш аралаш.
Турли хил тилларда, турли хил жаранг,
Сезги — хислар битта, битта йўл танлаш.
Қайларда кечса ҳам инсон хаёти,
Инсон бўлиб колар инсоннинг зоти.

ҮРМОН

Қадамлари ерга қолган михланиб.
Химоясиз одам бокар атрофга.
Олдда ҳам, ортда ҳам турар зичланиб,
Дараҳтлар терилган текис бир сафга.

Бу энди дараҳтмас, энди бу ёғоч,
Үйларнинг деворин зичлайди махкам.
Хатто, девор эмас, ёзганча қулоч
Тўпланиб тургувчи дараҳт юзи ҳам...

Биринчи қадамни ташлагил дадил,
Юзларнинг тўсма, қўл билан, уят.
Дараҳтлар туфайли кўриб бўлмайди,
Майлига чекинсин беватан зулмат!
Бу ўрмон!
Минг хил товуш келар ҳамма вакт,
Минг хил шовуллашдан қолмайди чарчаб.
Ўрмоннинг гунг, соков чангалзорлари...
Очилмасдан туриб ҳали сирлари.
Ўрмонда қайнаган эртаклар бари,
Йўқолди.
Ва мева тўкилган тепа шу куйи,
Оқшомнинг оқимтири нурлариаро,
Дараҳтлар ортида туғилган уйи.

Ольга Ипатова

ЁШ ТЎКМАС ЭРКАКЛАР

Ғамдан кўз ёш тўкмас эркаклар зоти,
Бепарво йўл олар хайрихон томон.
Аламу ғамларга тўлса хаёти,
Аёл елкасига ортар ўша он.

Ҳаммасин тутади нозик елкалар,
Кундузу кечалар садоқатда жим.
Унга енгил бўлсин дея эркалаб,
Топган сўзларнингни шивирлаб айтгил.

Гамдан кўз ёш тўкмас эркаклар зоти,
Аслида бизларга сабаби аниқ.
Ногаҳон келганда гамлар фурсати,
Бизни излайдилар мухтожу, ёниб.

Бахтиёр Ваҳобзода

БИРИ СЕНСАН, БИРИ МЕН

Бир булокнинг икки кўзи,
Бири сенсан, бири мен.
Бир олманинг икки юзи,
Бири сенсан, бири мен.

Кўша симнинг титрамаси,
Бири сенсан, бири мен.
Бир парданинг икки саси,
Бири сенсан, бири мен.

Очиқ само, куй қуршори,
Бири сенсан, бири мен.
Тонг юлдузи сахар чори,
Бири сенсан, бири мен.

Бу ҳётда икки рангdir.
Бири севинч, бири ғам.
Севинч кимdir, қаҳр кимdir —
У ҳам сенсан, ҳамда мен.

Бу дунёда ҳамроҳ экан,
Ҳам ғаму, ҳамда севинч.
Сен мендурсан,
мен — сендурман,
Гўзалдир ғаму севинч.

Нусрат Касамали

СУҲБАТ

Дедим: булутлар учар.
Дединг: кушдан ўрганган.
Дедим: мовийдир денгиз,
Дединг: кўқдан ўрганган.

Дедим: не куйлар машшок?
Дединг: найдан ўрганган.
Дедим: яшқ ёши неча?
Дединг: уни билмасман.
Дедим: сендатир қалбим,
Дединг: теран күл янглие...
Дедим: очилмиш гуллар,
Дединг: кенг күнгил янглие.
Дедим: ёмондир хижрон,
Дединг: шум ўллим янглие.
Дедим: не ёшда васл?
Дединг: уни билмасман.
Дедим: куёш узукдир,
Дединг: бармогимга так!
Дедим: нишонинг кўрсат?
Дединг: бармогимга бок!
Дедим: кулингман...
Дединг: ялинмагил бас!
Дедим: кўнглнингни қандай топай...
Дединг: уни билмасман...

Сиёвуш Сархонли

ГЎЗАЛЛИК КОНУНИ

Малика Аҳмедовага

Бир ари ғунчага парвона эди,
Оқ-ойдин, мусаффо май сахарида,
Уни азизлаган ғунча устида.
Күёшнинг қайгули шафакларийди.

Ғунчанинг кўзидан ёш тўкиларди,
Ари ботиб борар ўз кафанига.
Гуллар қувнар эди, гуллар куларди,
Арилар келарди унинг дафнига.

Ҳар кун бир афсона яратар хаёт,
Сахари бошқадир, бошқадир оқшом.

Гўзаллик дейищдан тўймаган қанот,
Томоша яратди, ғамли томоша.

Тупрокка ғарқ бўлар гулларнинг боши,
Кўрдим, чечакларнинг гул ранги сўлар.
Тушган барт эдими ёки кўз ёши.
Йиглаган ким эди, не эди мубҳам?..

Бари юрагимни босиб боради,
Яшаб ўлмокликнинг бирдир конуни.
Ғунчанинг устида ари ёнади,
Гўзаллик деб берар экан жонини!...





Համար գումար պայմանագիր տառապահ
միա-միա

Եղանակ անընդունակ գումարի գումարի գումար
Ալլոհօ՛ Կոչ սիրածան եղանակ գումարի գումար
Համար գումար պայմանագիր տառապահ

(1995)

ԽՈՐԱՎՈՐԻՒԹՅՈՒՆ

«ԽՈՐԱՎՈՐԻՒԹՅՈՒՆ»

ГУЛЛАР НАФАСИ

Наманганнинг кўчасида адашган йигит,
Тополмайсиз қошлиарида ўсмаси борни.
Наманганнинг боғларида хўп шошган йигит,
Гўзалларнинг тўзалига Сиз харидорми?

Наманганнинг кизларини кўп нозлари бор,
Подшоҳни кул қиладур, тадони подшоҳ,
Ул малаклар юрагида шўх созлари бор,
Бевафони хароб қилар бўлингиз огоҳ.

Наманганни гуллари кўп, гулзорлари кўп,
Тонгда Сизни уйғотади булбуллар саси,
Бошингизни айлантиради ўтишса тўп-тўп,
Наманганнинг кизларида гуллар нафаси.

КУРАШ МАЙДОНЛАРИ

Ҳалоллик дунёнинг зийнати, зеби,
Элимнинг ҳакталаб иймонлари бор,
Ўзбекнинг полвони — ўзбекнинг беги,
Кураш майдонлари Сизга интизор.

Хиёнат кўчаси Сиятамас рано,
Сизнинг изингизда қолар ифтихор,
Оллок яктаклигим, қўширим маъво.
Кураш майдонлари Сизга интизор.

Сара йигитларнинг энг сарварисиз,
Она дуолари Сизга бўлсин ёр.
Дўппи кийганларим, элпарварим Сиз,
Кураш майдонлари Сизга интизор.

Қаршингизда ғаним кулайди.
Дилбар бўлиб сизни изласа бақор.
Булбуллар қўшиқка-қўшиқ улайди:
“Кураш майдонлари Сизга интизор”.

КОЗОҚ БОВУРЛАРИМГА

Кизлари жаҳонда саналгувчи хур.
Гулларин таърифи оламга машхур.
Оппок пахтазорда яратгувчи дур.
Намангандан салом Сизга, қардошлар.

Абайни Сиз каби ўқувчи севиб,
Ям-яшил водийдан турфа гул териб.
Козорим деганда күйлаган эриб,
Намангандан салом Сизга, қардошлар.

Шунчалик кенг чўлнинг сардори қозоқ.
Яйлови кенг, жўлдос, журагинг кўп оқ.
Таърифингни сўйлаш кийин-эй, бирок,
Намангандан салом Сизга, қардошлар.

ИЛТИЖО

Бевақт ўлимлардан қандай асрасанг,
Бетахт кўнимлардан қандай асрасанг.
Бебаҳт ғанимлардан қандай асрасанг,
Тухмат тошларидан асра Худойим!

СУЛУВ КЕЛДИ

Жамшидбек ва Гулбаҳорга табриқ

Онасининг кўзин гавҳари,
Отасининг сўзи, сахари.
Наманганнинг гўзал баҳори,
Биз билан бир сулув келди.

Сандиқларни сим-сим очтириб,
Аробага парку ёлтириб.
Андижонни дилдан ёқтириб,
Биз билан бир сулув келди.

Олиб гулнинг нафасларини,
Очиб булбул қафасларини,
Ўкиб соғлик асосларини,
Биз билан бир судув келди.

Бу Жамшидбек турган "эшик"ми,
Остонаси тилло күшкми,
Гулбаҳорга тилло бешикми,
Биз билан бир сулув келди.

Йўлларида гул бўлсин доим,
Омад йўлдош бўлсин илойим,
Паноҳингда асра Худойим,
Кани, биз бахт тилайлик, омин!

АЙЁР БЕГИМ

Мени айрилиқка хукм килдингиз,
Ярадор калбимни яна тилдингиз,
Гуноҳсиз бошимни дорга илдингиз,
Менинг айёр бегим, вах маккор бегим.

Булокнинг кўзини беркитиб бўлмас,
Ошиқнинг сўзини беркитиб бўлмас,
Ҳажрнинг ўзини беркитиб бўлмас,
Менинг айёр бегим, вах маккор бегим.

Шубха дарёсига чўкаёздим-ей,
Куйиб, ёниб шамдай учайёздим-эй,
Канотсиз бургутдай учайёздим-эй,
Менинг айёр бегим, вах маккор бегим.

Зулмингиага киркта жоним чидайди,
Етмиш томиримда қоним чидайди,
Захрингизага асал — болим чидайди,
Менинг айёр бегим, вах маккор бегим.

Гулдан нозикману қаттиқликда тош,
Кўзларим ҳеч кимга кўрсатмагай ёш,
Истасам каршимда эрийди куёш,
Менинг айёр бегим, вах маккор бегим.

СЕНСИЗ БУ ДУНЁНИ

Жоним, деган сўзга жоним илинди,
Кўлларим тишлаган ноним илинди,
Севги деган сўзга шоним илинди,
Сенсиз бу дунёни нима қилойин?

Чорлашини кўймас узун йўлларим,
Айриликка банди бўлди ўйларим,
Нечун калта бўлди бугун кўлларим.
Энди кайси ўтлар ичра куёйин?

Сенинг каби мени севолмас ҳеч ким,
Ёндириб, шунчалик ёнолмас ҳеч ким,
Уволим бўйнига ололмас ҳеч ким,
Сенсиз айрилиқни қандай суёйин?

Кўз ёпдек беркитиб киприкларимда,
Сочимдан ясалган кўприкларимда,
Соринчинг қориштан ўтрукларимда,
Сени кўрмас эсам киёмат-қойим.

КУЛИБ ТУРИБСИЗ

У кун ёлғизлигим кутганим ёлғон,
Сиз ўтган кўчадан ўтганим ёлғон,
Изингизни кўзга суртганим ёлғон,
Қаршимда офтобдай кулиб турибсиз.

Бошимдаги булут карвони қани,
Кўнгилнинг тутганим армони қани,
Висолнинг энтиккан зорлари қани,
Қаршимда офтобдай кулиб турибсиз.

Соринчларим майса, майсадай ўсли.
Беркитдим, юрагим у кун қон қусди,
Айтинг, йўлингизни у кун ким тўсли.
Қаршимда офтобдай кулиб турибсиз.

* * *

Сизни соринмаган дунё — дунёми,
Сизни куйлаб оқмас дарё — дарёми,
Сизни кўрмай ўтган кунлар кунмиди,
Сиз деб очилмаган гул ҳам гулмиди.

Тушимда кўрмасам ўнгим йиглади,
Ўнгимда кўрмасам тушим дод солар,
Сизсиз юрагимга кил ҳам сирмайди,
Сизсиз бу бошимда минг хил ғавролар.

Мен сизни шунчалик согиндим бегим,
Қалб титрар чокидан сүкилмайн деб.
Тарин йўл кутяпман бошимни эгиб,
Пойингизга нурдай тўкилайин деб.

ҚОНУН

Асли сенинг сўзинг мен учун қонун,
Хоҳлаган сўзингни айтиб сусан,
Сенинг лабларингда титрайди жоним,
Жоним лабларингда саклан куясан.

Ахир сенинг сўзинг мен учун қонун,
Хоҳлаган пайтингда бағрим ўясан,
Гоҳо кулиб туриб ичасан қоним,
Ва у куни мени сўзла сўясан...

ҚАЙГА БОРАСАН?

Сени севиб қолган дараҳтлар, гуллар,
Сени севиб қилур фарёд булбуллар,
Сени севиб қолган сочи сумбуллар,
Барин ташлаб қайга кетиб борасан?

Ёнган кўзларингни ёрдуси шунда,
Севган юрагингни чолғуси шунда,
Армонли дунёнинг орзуси шунда,
Барин ташлаб қайга кетиб борасан?

Дарёлар изингдан кетиб бородур,
Сен ташлаган чўрдан бағрим ёнодур,
Сенсиз бу дунёнинг баҳти қародур,
Барин ташлаб қайга кетиб борасан?

КЕЛАСАН

Кел десам келасан, қуюндек учиб,
Телба мухаббатни бағрингда қучиб,
Менга баҳтдан минг хил лиbosлар бичиб,
Аммо берқдир ишқнинг дарвозалари.

Бу ишқнинг энг ёруғ куни энди йўк.
Ойнинг ўн бешидир айриликдан дўк,
Олов юрагимга санчилгандир ўқ,
Сен-чун хиёнатдир — сарбозалари.

Ишқ қасрида факат сенинг хотиранг,
Юрагим конидай борлик кизил ранг,
Сен-чун кора кийган мемман — бокиранг,
Ташқариди ишқнинг оввозалари.

ГУЛИНГ БЎЛАЙМИ

Куйдириб, ёндириб кул қилган чоринг,
Юракни аямай минг тилган чоринг,
Ўзга ифорларга интилган чоринг,
Борингда очилган гулинг бўлайми?

Қахрингни шавқатга алмалиб олиб,
Алдов кўчасидан чиқариб олиб,
Хамма азоблардан бўлганча болиб,
Лабингга ярашган кулгинг бўлайми?

Васлу висолларга ишонмасанг сен,
Сўзи осмонларга ишонмасанг сен,
Гўзал аёлларга ишонмасанг сен,
Занжилардай содик кулинг бўлайми?

ИКРОР

Биламан, шу кўзлар мени алдайди.
Алдайверар сенинг ширин забонинг.
Алдов кўчасида соринчим дайди,
Сен яна алдайсан меҳру вафони.

Биламан, ваъдалар бари ўткинчи,
Хиёнат килади йўлдошларига.
Йўлингда гадодай колар ўтинчим,
Сен парво килмайсан кўз ёшларимга.

Биламан, сени деб яшашим зарур,
Кунда куйса ҳамки жону жаҳоним.

Сен туфайли менинг орзуларим хур.
Сенинг борлигингдир менинг имконим.

ЁМФИР

Ёмғир нени билар ёғишидан бўлак,
Менинг дугонам йўқ шу кишидан бўлак.
Орзу йўқ мактубинг ўқишидан бўлак,
Юракнинг дарди йўқ шу ишқдан бўлак.

СЕВГИ

Сизни шу осмон бағрига,
Ой каби яшириб бўлмади.
Тоғларнинг сокин қаърига,
Сой каби яшириб бўлмади.

Юлдуз сочиб кўзларимга,
Ой бошимда айланар.
Сой сифиниб изларимга,
Йўлдошимга айланар.

Истаклар илашиб бағримга,
Севги деб бокаман дунёга.
Сизни шод яшириб бағримга,
Айланаман булбулгўёга.

БЕГЛАР БЕГИ, МЕНИ ҚАРҒАМАНГ

Мен Сиз суйган кизил лоламан,
Бўғзингизда қотган ноламан,
Кўзингиздан оқсан жоламан,
Беглар беги, мени қарғаманг.

Мен ёшлиман ўтиб бораман,
Ишқ бағридан кетиб бораман,
Кузларимга етиб бораман,
Беглар беги, мени қарғаманг.

Мен соринчман, бағри қон-а, ман,
Минг йил, юз йил бўлди ёнаман,

Ва ҳар куни Сиздан тонаман,
Беглар беги, мени карғаманг.

Мен сайраган булбул бўламан,
Хидласангиз бир гул бўламан,
Куйиб Дилбар кул-кул бўламан,
Беглар беги, мени карғаманг.

СОҒИНИБ ЎЛАМАН

Минг-минг чакирим йўл бўлди,
Кўрганим сап-сарик чўл бўлди,
Кўз ёшим сахрова кўл бўлди,
Олисдан Сизни деб келаман,
Мен ўлсам, соғиниб ўламан.

Оккизлар сочини юлади.
Ох, кора ботирлар кулади,
Бу куни паймонам тўлади,
Олисдан Сизни деб келаман,
Мен ўлсам, соғиниб ўламан.

Айрилик тугамас он бўлди,
Бу кўксим қоп-кора кон бўлди,
Кўрганлар бу холда лол бўлди,
Олисдан Сизни деб келаман,
Мен ўлсам, соғиниб ўламан.

Хижронинг дастидан минг ёна,
Дилбарнинг қонидан фарзона,
Лолазор бўладир Фарзона,
Олисдан Сизни деб келаман,
Мен ўлсам, соғиниб ўламан.

БИЛМАДИНГ

Ох, кўлимга қаламим ботди,
Юрагимга аламим ботди.
Йилларингда ҳилолим ботди,
Сен билмадинг сира билмадинг.

Остонангда вафодай ётдим,
Хиёнатнинг захрини тотдим,
Ишк ёйини ўзингга отдим,
Сен билмадинг сира билмадинг.

Юрагимни илонлар чакди,
Гулларимни ёмонлар такди,
Бизни хамон ёмонлар тақдир,
Сен билмадинг, сира билмадинг.

МУҲАББАТ

Кўзларим кўр экан очилди, кетди,
Орзулар дурдайин сочилди, кетди,
Алдоқчи қасамлар ичилди, кетди,
Бошимни силама, ёлғон муҳаббат.

Сенинг йўлларингда ойдай балқидим,
Кўзингнинг чашмида оқдим, қалқидим,
Дунёда бир сени, сени алқадим,
Холимни сўрама, ёлион муҳаббат.

Сойлар тубидаги тошга айландим,
Жафоларга дунган бошга айландим,
Кўксингга тўкилган ёшга айландим,
Борлигинг ёлрон, ёлғон муҳаббат.

СИЗНИНГ БОРИНГИЗ ЁЛГОН

Умр дарё каби ўтиб боради,
Чўккилар негадир чўкиб боради,
Бахор кўз ёшини тўкиб боради,
Сизни деб ҳаммадан кечса бир аёл.

Бу дунёда Сизни борингиз ёлрон,
Севаман деб айтган зорингиз ёлғон,
Сиз суюнган дўсту ёрингиз ёлғон,
Илоннинг захрини ичса бир аёл.

Муҳаббат гуллари сўладир охир,
Юраклар аламга тўладир охир,

Бу жаҳон жафога дўнадир охир,
Ўзига кафандар бичса бир аёл,

Бу дунёда Сизнинг борингиз ёлрон...

ДИЛБАРИНГ

Қани қонун бўлса, қонунни чиқар,
Кундага қўйгин-да, қонимни чиқар,
Керак бўлса майли жонимни чиқар,
Танҳо келиб, танҳо кетар дилбаринг.

Қани мухаббатнинг ота-онаси,
Юрагимда факат ишқнинг ноласи,
Боксанг кўзларимда бор нишонаси,
Танҳо келиб, танҳо кетар дилбаринг.

Қани бир лаҳзага бўл одил ҳакам,
Қоғоз титкилами, улар жуда кам,
Юрагингга боқ-эй, юракка акам,
Танҳо келиб, танҳо кетар дилбаринг.

Қани умримиэнинг ёшлик чоғлари,
Бизсиз кувуллайди ишқнинг боғлари,
Чўкиб бормоқда-ку, кўнгил торлари,
Танҳо келиб, танҳо кетар дилбаринг.

ТУШГА ЎХШАЙДИ

Тонглар ставерар, кун ботаверар,
Фийбат бозорлари — шум сотоверар,
Соринч дарди мени уйротаверар,
Сизнинг борлигингиз тушга ўхшайди.

Биз томонга гоҳи қиё бокиш йўқ,
Биз тортган азобдан зарра тотиш йўқ,
Биз қўйган ўтлардан ёниб, ёкиш йўқ.
Кўнглингиз доимо хушга ўхшайди.

Суйган бояларимда ҳижрон яшаркан,
Тоғлар этагида девлар ётаркан,

Күнглини дарёсида армон оқаркан,
Юрак кафасдаги күшга ўхшайды.

СОФИНМАЙ

Мактублар күш каби учмай қўйдилар.
Юракни меҳрингиз кучмай қўйдилар.
Кўчамдан шодликлар ўтмай қўйдилар.
Сиз мени соғинмай қўйдингизми, ё?

Фасллар ўтарлар бир-бирин қувиб,
Дарёлар оқарлар бошини уриб.
Айрилиқ чашмига юзимни ювиб.
Сиз мени соғинмай қўйдингизми, ё?

Сиз менинг суюнган торим эдингиз,
Дилни асир этган борим эдингиз,
Бу телба дунёда соғим эдингиз,
Сиз мени соғинмай қўйдингизми, ё?

Булут бағрин чакмок сўқавермайди,
Осмон ҳам ёшини тўқавермайди.
Дилбар Сизни демай ўтавермайди,
Сиз мени соғинмай қўйдингизми ё?

ОРЗУ

Бас, энди кутмокка асти тоқат йўқ.
Кутиб ўтирумайман чорловингизни.
Навбатда турмокка бирор соат йўқ.
Бир лаҳза тўхтатинг, дил овингизни.

Сизга ҳасратим йўқ, кўз ёшларим йўқ,
Сизнинг каршиңгизда ичмайман касам.
Лекин, нигоҳингиз менинг учун ўқ.
Улур иш бўларди бир зум чидасам.

Агар насиб этса шу бахтиёрлик,
Кўзингизда юриб чиқиб кетардим,
Тугарди шу билан бор интизорлик,
Устингиздан кулиб чиқиб кетардим.

«МҰХАББАТ ФАСЛИ»

тұламидан

(1999)

Болгарни олманиң ислари тұтағ,
Олмалағнині ғаның қуық, қырмизи.
Болгар тегасидан қиялаб ұтағ,
Осмоннинг інборлы, әфур жауды.



МУКАММАЛ

Сиз ишлайверасиз тинмай қишу ёз,
Изингизга ёниб гул түшар ҳамал.
Сизга даркор эмас ранглару пардоz,
Ойдан-да гўзалсиз, кундан мукаммал.

Кимдир сўз айттолмас Сизга ботиниб,
Кимдир гийбатлардан кутади амал.
Кўкка кўтардингиз аёл зотини,
Ойдан-да юксаксиз, кундан мукаммал.

Сиз юрган йўллардан борлиқ қувонар,
Ҳакиқат янада бўлар мухаррам.
Сиз сўзга чиксангиз минбарлар ёнар,
Ойдан-да баландсиз, кундан мукаммал.

Тенг кўтара олсак баҳт-саодатни,
Дунёнинг дарди-ю, ғамлари билан.
Сиздай саклар эдик мувозанатни,
Ва Сиздай бўларди ҳамма мукаммал.

БИЛЛУР ЮРАК

*Турғунпўлат акани эслаб
Ҳабиб ақага*

Нега хуноб бўлаверасиз,
Дўстингизни эслаган ҳар дам.
Ўзин асрой олмадик эсиз,
Асраш керак хотирасин ҳам.

Эх, бу дунё бағрин тирлади,
Ғамин тутиб елкаларида.
Қанча қора кўзлар йиглади,
Наманганинг кўчаларида.

У юрган йўл шодлик, қахкаха,
Оҳ, кимнинг ҳам акли ётибди.
Кул силтаган куни илк дафъа,
Бу дунёдан шартта кетибди.

Юз хил гийбат, нолишдан кура.
Биллур юрак асралмас экан.
Кўлни ювиб яна бир йўла,
Турғунпўлат бўлмоқлик осон...

МАРСИЯ

Эркин Эргашев хотирасига

Эркин оғамизни кўрганлар айтсин,
Дилкаш сухбатида бўлганлар айтсин,
Холин сўрамаган-у, сўрганлар айтсин,
«Бир дараҳт қулади Тўракўрғонда».

Бир юртга ярашган ўғлон шу бўлса,
Бир аёлга ошик ўғлон шу бўлса,
Дастурхони очик ўғлон шу бўлса,
«Бир дараҳт қулади Тўракўрғонда».

Дўстлар йиғлаб душман кулдими оғам,
Кўзингизга тупрок тўлдими оғам,
Очилган гулингиз сўлдими оғам,
«Тоғдай қуладингиз Тўракўрғонда».

Каккудай суюнган жуфтингиз ташлаб,
Бир этак болани кўзини ёшлаб,
Бу дардли дунёни кўнглини ғашлаб,
«Тоғдай қуладингиз Тўракўрғонда».

Барги ҳазон фасли қилдими ҳазон,
Элликдан ўтмаган умрингиз сарсон,
Бизлардан кетмоқлик шунчалик осон,
«Тоғдай қуладингиз Тўракўрғонда».

Жалолиддин акамга

Суяңч торим синди сүянарим йўқ.
Йўлимда синглим деб кувонарим йўқ.
Бу ғарив бошимда соябоним йўқ.
Дийдор қиёматга қолдими ака?

Дўстлар йирлаб, бари душман кулди-ей,
Отам эккан ёлғиз дараҳт сўлди-ей.
Юрак бағрим бугун қонга тўлди-ей,
Дийдор қиёматга қолдими ака?

Мусоғирлик Сизни синдиридимиқан,
Чакнок кўзингизни тиндиридимиқан,
Айрилиқ жонимга уради тикан,
Дийдор қиёматга қолдими ака?

Ота-бувам сиккан мозорга сиғмай,
Яхши-ёмон юрган бозорга сиғмай,
Қай дилсиазлар берган озорга сиғмай,
Мени ёлғизлатган ёлғизим акам...
Дийдор қиёматга қолдими ака?

ЧИНГИЗ ОҒА

Туроннинг «ўҳ» деган ултонларини,
Салга ўзгарувчи мўлтонларини,
Халқини ўйлаган султонларини,
Оlamга ёйгувчи Чингиз оғамсиз.

Кирғизнинг зўри деб, шўҳ эллар келар,
Дарёлардек оқиб кўп гуллар келар.
Кирғиз юрти томон Нобеллар келар,
Камтарин, камсуқум Чингиз оғамсиз.

Етти иқлимда йўқ, Жамиласи бор.
Яйловда юрганда чўнг наъраси бор.
Оғзи тўла илм калимаси бор,
Оламда тенги йўқ Чингиз оғамсиз.

Асли сиз бормаган ерлар ермиди,
Китоб ёзмасангиз бўри ермиди.

Аёлин асрамас эллар элмиди,
Аёлини суйган Чингиз орамсиз.

Туроннинг «ўх» деган ултонларини,
Салга ўзгарувчи мўлтонларини,
Халқини ўйлаган султонларини,
Оламга ёйгувчи Чингиз орамсиз.

ЎЗИНГ АСРА

Фарзанди бўлмаса бойлиги бир пул,
Бола бокаман деб югуради кул.
Ёдгорни суйиб яшайверар тул,
Ўзинг асра факат, фарзанд догидан.

Тарози палласи асли бу дунё,
Бирида ҳакқиат, бирида рӯё,
Нафратдан залворли ҳакқиат гўё,
Телбани паст қўйма элнинг соридан.

Ота-бобом, ўтди кайвони энам,
Акам ўтган кундан бошим бўлди хам,
Қаддимни қанда-я кўтарай эгам.
Синдим айриликтинг оғир тогидан.

Оға-нним дедим ўзни унутдим,
Ўғлим-қизим дея тилда бол тутдим,
Бир ишқ олови деб дунёдан ўтдим,
Ўзинг кувма мени беҳишт боридан.

БОЛА

Соринчли кунларга чидаган бола,
Китобга термулган кўзлари кора,
Онасиз тунларга чидаган бола,
Қалбим соринчингдан бўлди минг пора.

Сенга термулганча сўй тўлар бола,
Сени соринганча жазирайди ёз.
Бўйнимни тўлдирган бўйтумор бола,
Мунча эрта килдинг, соринчга парвоз.

Сенинг йўлларингда онанг зор бола...

УЛУФБЕККА

Неча йил бўзлаб топган,
Тилаган тилагимсан.
Мен билан бахтга ботган,
Беозор юрагимсан.

Кўзингда гар ёш кўрсам,
Кўйиб адо бўламан.
Йўлнингда гар тош кўрсам,
Огоҳ-садо бўламан.

Мен сени авайлайман,
Кирчиллама қишилардан.
Хар тонг дуо айлайман,
Асрайман карғишлардан.

Сув бўлса симираман,
Тош бўлса кемираман.
Болам, сен улгайгунча,
Минг ўлиб-тириламан.

ХИЁНАТ

Ўғлим «Хиёнат нима дегани?» деб сўради.

Хиёнат сўзидан титрайди қалам,
О, бу сўз кимларни зор қақшатмаган.
О, бу сўз ичида ётади алам,
О, бу сўз захрини кимлар тотмаган.

Хиёнат дегани – соткинлик, демак.
Болаликда синфдош дўстини сотиш,
Улгайиб дўст кўзин ёрини емак.
Ва зимдан паналаб унга тош отиш.

Хиёнат – соткинлик дўсту ёрига,
Субутсилик или ичилган қасам,
Ишониб амалнинг курсиларига,
Онасидан кечган ғариб бир кас ҳам.

Хиёнат – Ватани севмай яшамок,
Окни кора килса чидаб маккорлар.
Хушёр яшамоқлик зарурдир хар чоқ,
Орамизда борки хиёнаткорлар.

БАХТ

Кездим, кездим дунё бозорларини,
Турфа рангда кўрдим озорларини.
Турфа тилда сўрдим оҳ-зорларини,
Бахт йўқлигин билдим бешикдан бўлак.

Бепуштилик дунёнинг энг оғир ранжи,
Бола деб йиглайди оқ танли, занжи,
Бир пул бўлиб турар дунёнинг ганжи.
Бахт йўқлигин билдим бешикдан бўлак.

Кўли бўш аёлга фарзанд тилайман,
Оиласа ширин бир қанд тилайман.
Узилган торларга пайванд тилайман,
Бахт йўқлигин билдим бешикдан бўлак.

СОДДАГИНА СИНГЛИМ

Соддагина синглим юзлари доғли,
Гулларни севса ҳам кўрмаган борни.
Каттикроқ қисиши билмас қўлборни,
Тонгларини кутар бешик кучоклаб.

Бўйнида кўринмас дурлар шодаси,
Кучогида ухлар жигарпораси,
Гўдак нафасида алплар наъраси,
Тонгларни кутади бешик кучоклаб.

Лабларида алла, қувончлар тотган,
Кўйлаклари сутнинг ҳидига ботган,
Соринчидан ийиб оқ тонглар отган,
Куёшни кутади бешик кучоклаб.

Соддагина синглим, кучогида ой,
Кумушланиб оқар ховлисида сой,
Оналик бахтига у ҳаммадан бой
Тонгларини кутар бешик кучоклаб.

ИЧИДА БУЛБУЛИ ЙИФЛАГАН ОЙИМ

Ўзбекистон халқ артисти
Ҳабиба Охунова хотирасига

Оллоҳ Сизни нурдан яратдимикин,
Оғзингизга элни қаратдимикин,
Оҳ, ҳиёнат Сизни қаритдимикин,
Ҳабибаҳон опа, Ҳабиба ойим,
Жойингиз жаннатдан бўлсин илойим!

Ичингизда булбул фарёд чекади,
Дунёнинг дардларин барин ичади,
У-да у Сиздайин биэдан кечади,
Ҳабибаҳон опа, Ҳабиба ойим,
Жойингиз жаннатдан бўлсин илойим!

Сизни англамади яхши, ёмонлар.
Сизга эмас эди «омон-омон»лар,
Зар қадрини билмас эминш замонлар,
Ҳабибаҳон опа, Ҳабиба ойим,
Жойингиз жаннатдан бўлсин илойим!

Сизни соринмаган кўшик йўқ, куй йўқ.
Сиз куйлаб кирмаган бирорта уй йўқ.
Сизни эсламаган аза йўқ, тўй йўқ.
Ҳабибаҳон опа, Ҳабиба ойим,
Жойингиз жаннатдан бўлсин илойим!

Юрак бағри пора бўлган фариштам,
Ишқдан дили яра бўлган фариштам,
Халқи учун наъра бўлган фариштам.
Ҳабибаҳон опа, Ҳабиба ойим,
Жойингиз жаннатдан бўлсин илойим!

ОЧИҚ ХАТ

Шоир Эрмамат Нурматовга

Довруви Олмосдан Шошгача етган,
Мухаббат боғидан мевалар тутган,
Соринчидан оппок гулдаста тутган.

Боқий бахт эгаси эл Эрмамати,
Шоира кизларнинг бу очик хати.

Сиз яшай олмайсиз ёзиб шунчаки,
Фанинга яхшилик бўлур тарсаки,
Олтмишинчи довон ҳайрон турсаки,
Кўнгил осмонининг чўнг Эрмамати.
Дўстман деганларнинг бу очик хати.

Турна кўз булоклар измингиждадир,
Тоғларнинг чўққиси тиэмингиздадир,
Ростгўйлик жонингиз, жисмингиждадир,
Дасти узун, иши ўнг Эрмамати,
Сизга муҳлисларнинг бу очик хати.

Бироннинг арпасин хом ўрмадингиз,
Чуст дўппи деб қалпок ҳам кўрмадингиз,
Чевардан ўзгадан ҳол сўрмадингиз,
Юртимиznинг содда гўл Эрмамати,
Бу туур шоира кизларнинг ноласи, хати.

Ота-она меҳри Сизга ёр бўлсин,
Душманлар етолмай йўлда хор бўлсин,
Дўстлар сиз-ла доим баҳтиёр бўлсин,
Шоирларнинг бағри кенг Эрмамати.
Бу туур шоира кизларнинг хати.

* * *

*Устоз журналист —
Рўзи Раҳмонга*

Саксонни оркаладаб тўқсонга шошган,
Кўнгилга якинлик, йиллар ораси.
Сирдарё бўйида дарёдай тошган,
Илҳомнинг меҳвари, умр дараси.

Кирк йилни эмас, кирк кунни айтинг,
Кирк жон ҳам бўлинар бўлак-бўлакка.
Попнинг тонгларидан хикоя айтинг,
Оғир кунларнинг олмай юракка.

Касбу корингиздан бошингиз кўкда,
Кўксингиз гулларнинг хидига тўйган.
Қайси қаламкашки учмас гир кўкда,
Унинг хаёллари ҳасаддан ўлган.

Кирк йилки, термулиб сахифаларга
Хақиқат йўлида бўлиб яққалам.
Ватан севгисини чизиб уларга,
Попнинг тонгларига бердингиз салом.

Ёнингизда тураг издошлар қатор,
Бугун тўлдирилур баҳтнинг жомлари,
Ватандошлар қилур Сиз-ла ифтихор,
Сиз-ла тўлиқ бўлсин Попнинг тонглари.

САИДА ОПАГА

Бу уйда аслида иймон яшайди,
Омон саклаб хатто хотираларни.
Бу уйда бир ахду паймон яшайди,
Лол этиб севгининг ботирларини.

Бу уйда яшайди биринчи севги,
Ва оппок қоғозда қолган риёзат.
Бунда униб-ўсар меҳр фарзанди,
Остона босолмас унга хиёнат.

Бу уйда шоира хотираси шод,
Хатто, суратларда туради балкиб.
Тошкентда шундайин уй борки обод,
Эҳтиромлар тураг оёқка қалқиб.

Ҳали диёнатли уйлар кўп экан,
Ортига чекинар бари ёмонлик.
Мухлислари ҳамон интизор экан,
Давом этаверар Саидахонлик.

ОЗОДА ҚАНИ?

*Кирғиз шоираси Озода Бегимқулова
хотирасига*

Ойдай яркираган, ойдай балқиган,
Наманганд олмаси сувда қалқиган.
Давраларда юрса ҳамма алқаган,
Кирчиллама кетган Озодим қани?

Кора сочларийди тунлардан кора,
Күзларин дардиде күнгил садпора,
Бир кулгуси учун неча оввора,
Кирчиллама кетган Озодим қани?

Соринчдан энг баланд тоғлар нуради,
Дарахтга суюлиб девор кулади,
Мулки Турон энди охлар уради,
Кирчиллама кетган Озодим қани?

Хиёнаткор дўстлар, улфатлар излар,
Хали дуч келмаган кулфатлар излар.
Кўрган-кўрмаганлар хилқатлар излар,
Кирчиллама кетган Озодим қани?

Шоир бўлмоқ оғир, шеър дарди оғир,
Чала шеърлар қолди дафтарда сагир.
Махфиратхон ох деб йиртади бағир,
Кирчиллама кетган Озодим қани?
Жалолободни тутган фарёдим қани?

Ахли мусулмондир унинг миллати,
Ё бошига етди у кун шухрати.
Қизини асролмай колган элати,
Кирчиллама кетган Озодим қани?
Жалолободни тутган фарёдим қани?

ИШОНЧ

Отимни олдилар ташаккур дедим,
Тўнимни олдилар кандинг ур дедим,
Сўзимни олдилар тафаккур дедим,
Лекин, ишончимни кўйдай сўйдилар.

Бугун ноним талаш, номим ҳам талаш,
Ҳатто ўйлаб турган оним ҳам талаш,
Баъзан шеърларим ҳам бўлса хомталаш,
Овозсиз ўқлардан бағрим ўйилди.

Дилбар бўлмоқ осон факат айтгани,
Энди ўлим керак ортга кайтгани.
Қани даврага чиқ йикар пайт қани.
Дўстим яшамоқлик бунда ўйиндир.

НОМАРДГА

Мехр тилаб келса бир кун қошингга,
Шерик бўлиб олар еган ошингга,
Сабабкор бўлади тўккан ёшингга,
Ишонмагин, дўстим, сира номардга.

У келса кулдайин эгилиб келар,
Тупроқдай пойингга тўкилиб келар.
Дил кулфи ечилиб, сўкилиб келар.
Ишонмагин, дўстим, сира номардга.

Имон нима билмас, йўқ эътиқоди,
Имкон топса кўзга чўпин тиқади,
Хар лаҳзада сени сотмокка ҳодир,
Ишонмагин, дўстим, сира номардга.

Манфаати учун кат-катланади,
Нариги дунёга ҳам отланади.
Сенга тухмат килиб роҳатланади,
Ишонмагин, дўстим, сира номардга.

Зарурат деб кечар амма-холадан,
Дор ясашни билар ҳатто толадан,
Эrimас тош кўнгли мунгли ноладан,
Ишонмагин, дўстим, сира номардга.

МУҲАББАТ СЕҲРИ

Дилбарим, дилбарим деган сас келди,
Киприкда титраган ёшга айландим.
Садокат хижронга бугун бас келди,
Муҳаббат сеҳрига яна бойландим.

ПОСБОНИМ

Сени осмон билиб паст бўлдим ўзим,
Ишқнинг қархисида маст бўлдим ўзим,
Душманингни кўрсам қасд бўлдим ўзим,
Ўла-ўлгунича севар посбоним.

Кўнгилни ўзингга бергум омонат,
Унга қасд килмасму, бир кун хиёнат.

Изимизда ҳасад бўлди тумонат,
Ўла-ўлтунича севар посбоним.

Осмонда ой десанг юлдуз якиним,
Бағри куйган куёш кундуз якиним,
Синик юрагимда чаккан чақиним,
Ўла-ўлтунича севар посбоним.

Кискариб боради узун тунларим,
Хузурингда яна узун тилларим,
Севгига айланиб борар хунларим,
Ўла-ўлтунича севар посбоним.

СЕНИНГ ТУФАЙЛИ

Девонавор юриб хаёлга ботма,
Севмасми деб минг хил хаёлга ботма,
Шунчаки бўлса ҳам аёлга бокма,
Хиромон юришим сенинг туфайли.

Ўлди десалар ҳам келсанг тирикман,
Сўлди десалар ҳам учар кийикман,
Мехринг оғушида даврон суриман,
Ал-омон юришим сенинг туфайли.

Ёзу кузларимни бирорга берма,
Узун қишлигаримни яловга берма,
Ҳатто хаёлимни бирорга берма,
Хар замон кулишим сенинг туфайли.

Ойларга алишма бир фурсатимни,
Кунларга алишма бир сухбатимни,
Ҳижронга алишма мухаббатимни,
Ойдайн тўлишим сенинг туфайли.

БИР ҚОШИҚ ҚОНИМДАН

Тиконидан бездим ўша озорни,
Кўрмакка тоқат йўқ эски бозорни,
Ҳукминг качон бекор қиласи дарни.
Бир кошиқ қонимдан қачон кечасан?

Ёвлар аралашса дўст ҳам айрилар,
Фийбат кўчасида соғ ҳам тайрилар,

Мухаббат пўлатмас, қанот қайрилар,
Бир кошиқ қонимдан қачон кечасан?

Йиллар аралашди, гувоҳ бўлди ой.
Менинг кўнглим бўлиб йиғлаб борар сой,
Покиза ишкимдан чаманда чирой,
Бир кошиқ қонимдан қачон кечасан?

Менинг сендан ўзга айтар розим йўқ,
Дилда сендан ўзга чалар соғим йўқ,
Дарёйимда ўзга учар ғозим йўқ,
Бир кошиқ қонимдан қачон кечасан?

Гуноҳим – севганим, ошик бўлганим,
Гуноҳим – қаршингда ойдай тўлганим,
Гуноҳим – бўлмасанг гулдай сўлганим,
Бир кошиқ қонимдан қачон кечасан?

ҚИШ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

Хайр энди кечиккан корлар,
Умримизнинг яна бир киши.
Остонада тураг ифорлар,
Остонада баҳор олқиши.

Хайр энди қаҳратонларим,
Мен дилдираб совқотиб бўлдим.
Соринчларим қаҳрамонларим,
Ҳижрон дардин ҳам тотиб бўлдим.

Хайр энди изғирин еллар,
Шу лахзада айтингиз видо.
Лабин тишлаб турибди гуллар,
Гўзалликка бўлингиз фидо.

Хайр энди кора қарғалар,
Биз кутяпмиз кўклам чорини.
Соринди-ку гўзал Фарғона,
Турналарнинг аргимчогини.

ТУҲМАТ ТОШИ

Менга отган тошларинг,
Бир кун сенга қайтади.
Беркитсанг кўз ёшлиаринг,
Қизинг йиғлаб айтади.



Ազգի արևմտական
սփյուռք ավագ ապահովացնելի
ազգություն անհաջող է
առաջնային առաջնային անհաջող

(661)

ԱՐՄԱՆԻԱ

“ՅԵՒԹ ԽԵԿՋՈ”

ОҚҚАН ДАРЁ

Менинг күнглим оққан дарё,
Сени минг бор кечирган.
Тоғларга ҳам ёккан дарё.
Гулларга сув ичирган.

Менинг күнглим синиб-синиб,
Алдовингга кўндилар.
Кўз ёшларим шимиб-шимиб,
Сен кулганда кулдилар.

Менинг күнглим дунёдаги,
Фарибларнинг фариби.
Титрайвериб барг сингари,
Йўлларингда кариди.

Менинг күнглим адашган қул,
Йўлларингни супурган.
Кафас ичра саррайган гул.
Соринчингни уфурган.

Менинг күнглим оққан дарё,
Сени минг бор кечирган.
Тошлар бағрин ёккан дарё,
Ишқ майини ичирган.

СЎЗИНГИЗДА НЕГА ХАВОТИР?

Сўзингизда нега хавотир,
Кўзингизда қўркинч намоён.
Сизни енгди қайси бир ботир,
Ё елкангиз ерга берди ён.

Мунча забун, вариб ҳолингиз,
Сизни енгди қайси мухолиф.
Мусодара бўлди молингиз,
Сиздан ўтди қайси хатолиғ.

Бошингизни тутинг мардона,
Кўтарилиган қилич тиғига.
Душманлардан ўтинг мардона.
Зарба бериб суюнчиғига.

Ўзингизни тутинг бир йўла,
Кўркувлардан бўлингиз йироқ
Кўркув билан яшашдан кўра,
Уни енгиб ўлган яхширок.

ДЎСТ

Дўст дегани удир, дунёси расво,
Фийбату бўхтоннинг асли уяси.
Хоҳлаган пайтида кўради раво,
Дўстининг юзига қозон куясин.

Дўст дегани гар шу бўлсами наҳот,
Тўлдирап йўлдошин паймонасини,
Мактаниш бобида шердай шижоат,
Ёмонлашин қўймас дугонасини.

У дўст эмас расво, радди-маърака.
Ўзга жон, жон эмас унинг жонидан.
У билан юрганлар топмас барака,
Ёвузлик оқади унинг конидан.

ХИЁНАТ ҚИЛМАГАН

Хиёнат қилмаган ким қолди ўзи,
Ким болта кўтариб турар билдиrmай.
Қайсиdir нишонга урганда сўзим,
Ким чидаб туради мени синдиrmай.

Аммо синмок сўзи мен учун ордир.
Худо деган қулга омад бўлган ёр.
Ҳар кора тунимнинг эртаси бордир.
Бу узун қишимнинг этаги баҳор.

Умри ҳазонлиқда юрибман омон,
Отилган тошлардан каттирок бошим.

Бир замон келади, келар бир замон,
Булутларни кесиб порлар қуёшим.

КИЙДИМ

Кийдим фасл лиbosларини,
Кувончларни кучиб ҳар нахор.
Күёш тўқди сийму зарини,
Кўнгил берди менга гул баҳор.

Ки йўкотиб, ҳаловатимни,
Олов қалбга бўлдим ишкибоз.
Бошдан сочиб ҳароратини,
Юрагимда оловланди ёз.

Дастурхонин ёзди бекам куз,
Гутди шарбат меваларини.
Унга боқиб тўймас эди кўз,
Тинглаб ишкий шеваларини.

Учта фасл жуда тез ўтди,
Улгурмади барин айтгани.
Узун киш жим ўзини тутди,
Айтмас менга қачон қайтганин.

ЎҒЛОНИМ

*Онанинг кўнгли болада,
Боланинг кўнгли далада.*

Битта ўйинингга галим олмассан,
Ўзинг билганингдан сира қолмайсан.
Ўру кирда юриб яна толмайсан,
Кўнгли даладаги ботир ўғлоним.

Килифинг курсин-ей, қиз бўл демайман,
Душманинг кошида тиз бўл демайман.
Нодонлик йўлида тиз бўл демайман,
Кўнгли даладаги ботир ўғлоним.

Бу кўхна дунёда минг хил ирим бор,
Сен ҳали билмаган айттар сирим бор.

И мом ста деган улур пирам бор,
Күнгли даладаги ботир ўғлоним.

Эл бўлган одамга эл бўлгин дейман.
Кўзи ёшли бўлса сел бўлгин дейман.
Феъли торларга кенгфөъл бўлгин дейман,
Күнгли даладаги ботир ўғлоним.

Сийму зарлар ўзинг, унга хушим йўқ.
Осмонимда учгин, бошка қушим йўқ.
Сендан ўзга ғамим, ўзга тушим йўқ.
Кўнгли даладаги ботир ўғлоним.

Тонгда дуо килай, тирагим бўлгин,
Сен ўтсам ургувчи юрагим бўлгин.
Эрта-кеч Ватанга керагим бўлгин,
Кўнгли даладаги ботир ўғлоним.

БАРЧИН ТИЛАГИ

Урҳо, деса отлар кишинааб,
Қиз туради лабин тишлиб.
Йигит турма жилов ушлаб,
Оқ йўл сенга шоҳсуворим.

Туёридан ўт чақнаган,
Кўзларидан ел чатнаган.
Остонадан ёв хатлаган,
Оқ йўл сенга шоҳсуворим.

Толесиз деб менга бокма,
Бўлар-бўлмас йўлга чопма.
Худ-бехудга ёйинг отма,
Оқ йўл сенга шоҳсуворим.

Карвон ўтса изи қолар.
Ё ўрилдир, кизи қолар.
Шоҳ синса илдизи қолар,
Оқ йўл сенга шоҳсуворим.

Бўйнимдаги бўйтуморим,
Ўрлинг ёзар бор хуморим.

Адашмасин бойчиборинг,
Оқ йўл сенга шоҳсуворим.

Худо менга тўзим берсин.
Кайтиб яна ўзинг берсин.
Элга ошу тузинг берсин,
Оқ йўл сенга шоҳсуворим.

МАЙРАЖОН

Куйла жоним, куйла Майра,
Буюк Турон додини.
Бўэтурғайдай бўзлаб сайра,
Озоданинг ёдини.

Кўбизингнинг попуклари,
Кун нурига белансин.
Оқинлар ҳам ошиқ бўлиб,
Ойлар сенга элансин.

Сен қозоқка эрка кизсан,
Кирғизларнинг келини.
Иссиккўлда сен юлдузсан,
Сингли ўзбек элининг.

Ҳай, Майражон кўйлакларинг,
Мунча гўзал қирмизи.
Давраларга бўйлашларинг,
Маст килади — қимизми?

Кўбизингнинг попуклари,
Кун нурига белансин.
Оқинлар ҳам ошиқ бўлиб,
Ойлар сенга элансин.

Белни бойла бўй-бўйласанг,
Бўйингга шеър битаман.
Айтишувда сен енгмасанг,
Мағлуб бўлиб кетаман.

ХОРАЗМГА МАКТУБЛАР

(Туркумдан)

Миноралар осмон узра санчилиб,
Туришинда сирли-сирли хикмат бор.
Гўрўлибек олиб келинг синчими,
Бу гўшанинг отларинда қанот бор.

Гиламида баҳор саклаб қолар жон,
Бунинг сирин айтинг, Уллибибижон.

Шоҳ Ферузнинг саройида гангидим,
Бунда ерни боссанг ер ҳам викорли.
Кизлар чечан, дёллари нега “дим”,
Йигитлари қўрсрок, лекин кўп орли.

Кўнгил йивлар қўшик айтса Комилжон,
Бунинг сирин айтинг, Уллибибижон.

Буюкликини қиласкеради хикоя,
Қадим Хива кўчасинда гужумлар.
Ватанини килиб туради химоя,
Ичон қалъа ичиндаги устунлар.

Бунда ҳар бир тош ҳам сўраб турар жон.
Бунинг сирин айтинг, Уллибибижон.

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ЗИЁРАТГОХИДА

Ташқарида қолган фисқу фужурлар,
Дуолар ўқилур бунда ботиниб.
Ёнларида бўшаб қолган хуржунлар,
Сигинганда кўринг аёл зотини.

Кўзларида тўла армонлари бор,
Ерни ўпаётган гўзал аёлнинг.
Давоси йўқ дарди, ох-зорлари бор.
Ялангоёқ юрган ўшал аёлнинг.

Бунда баробардир хохи кекса, ёш,
Ҳамманинг дилида дарду фирори.

Ҳатто тұхтаб қолар күкдаги қуёш,
Тирнокка зор аёл берса сүрорин.

Умрлик хатога охлар уради,
Шу бугун сұралиб гунохи азим.
Хамма учун шифо излаб туради,
Пешонаси шўрга ботган Хоразм.

МУАЛЛИМА ҚАСИДАСИ

Сиз сўзлаган лаҳза ўттиз жуфт кўз ром.
Илму толибларга берасиз ором.
Сизга таъзим, Сизга яна эҳтиром,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

Тиник туйруларга тиниклик солган,
Ёза-ёза баъзан қўллари толган,
Болалар кўнглига йўл топа олган,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

Кирк беш дақиқа сирин ким билар,
Сочингиз окию ажинлар улар,
Болалар бағрига тушган туйғулар,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

Шодликлар кўп, кўпки санори йўқдир.
Сиз берган меҳрнинг адоги йўқдир.
Сиз каби илмнинг фидоси йўқдир,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

Синфхоналар тўлиб, тўлиб боради,
Унда гўё сузиб, сузиб боради,
Сўзларидан гуллар тузиб боради,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

Сизга ярашади ўша соддалиқ,
Айтган сўаларингиз хўп ифодалиқ,
Сизга мерос эзур вафозодалиқ,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

Юраги кенг, кўнгли зиёга тўла,
Мактаб саодати унинг бир йўла,

Умри ўтаётир шогирдин қўллаб,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

Ҳасил бераверсин эккан донингиз,
Лукман ҳалолдир еган ҳонингиз,
Бут бўлсин доимо, бут имонингиз,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

Сиз сўзлаган човда Сизга ҳамма ром,
Илму толибларга берасиз ором,
Сизга таъзим, Сизга яна эҳтиром,
Ўзбегимнинг доно муаллимаси.

ТАДБИРКОР АЁЛ ҚАСИДАСИ

(Ҳазил)

Тадбириңиз қилни кирқ ёрмаган кун,
Қошингизда бир бек дил ёрмаган кун.
Ҳотам омад тиляб бир бормаган кун,
Кун-кун бўлмас асли, юртим бекачи.

Тадбиркорлик асли эркакнинг иши,
Савдода сарбонлик сергакнинг иши,
Ўтмас бўлиб колди ё эрнинг тиши,
Тадбир чопонини кийган бекачим.

Жаҳон бозорлари Сиз билан тўла,
Бозори касодлик билманг бир йўла,
Оллоҳ ҳам безовта аёлни қўллар.
Бозорлардан эрта қайтманг, бекачим.

Қумурска тинади, қуш ҳам тинади,
Сиз тинмайсиз буни ҳамма билади.
Қачон кўзингизга уйқу инади,
Лабингизда ишқий байтми, бекачим.

Эркаклар койил бўлиб изн беради,
Минган аргумонин тизин беради.
Белида куввати, кўзин беради,
Мисқол пари кувват берсин бекачим.

Аёл макрин дерлар қирқ эшакка юк,
Юкеиз карвон қачон бўлибди буюк,

Сизнинг ортингиздан юрарлар сўйиб,
Сал бепарво бўлинг, айёр бекачим.

Тошдан тошга сакраб туради жайрон,
Беклар ип эшолмай ўтишар ҳайрон,
Булбулни лол этиб бўласиз бийрон,
Биронга сирингиз айтманг, бекачим.

Тошибакада келса Алломиши келбат.
Сизга раво Фирот, Бойчибор албат,
Жиловни ушламай туришлик ғалат,
Карвонингдан қолма эрка бекачим.

Машина рулини берган акалар,
Сиз ўттан йўлларда айттар аттанглар,
Дупга кўл очар ёшу катталар,
Бу тақдири азал асли бекачим.

Тўмарисдек шиддат ёр бўлар энди,
Курбонжон додхолар бор бўлар энди,
Барчиним деб кимлар зор бўлар энди,
Хийласи кирқ эшак, доно бекачим!

ШИФОКОРЛАРГА

Шифокор кўп бу кенг дунёи дунда,
Дунёнинг дардига шифо ахтарган.
Сизга омад тилаб шу ёруғ кунда,
Сизнинг дўст-ёрингиз элга мақтаган.

Етмиш икки томир ичра юрган кон,
Гупирмаса сизга келамиз нолиб.
Агар нафратлардан юракда вулқон,
Сизга югурамиз дардимиз олиб.

Бойми, бадавлатми, шухратли, шонли,
Ё бечора турар соғлигин тилаб.
Беморларнинг бўлмас яхши-ёмони,
Сиз турасиз соғлик хирожин тўлаб.

Дунё бешиклари тебраниб турсин,
Кам бўлишдан асранг бола қонини.

Қаршингизда бемор ишониб турсин,
Сизга тутганича ширин жонини.

Сизга даво излаб келиши тайин,
Қўйнида асррагач бор морларини.
Даволаш оғирдир, тузатиш кийин,
Йигирманчи аср bemорларини.

Сиз ҳамиша бирдай соғломлик тараф,
Айланасиз Ватан ифтихорига.
Доим ҳамроҳ бўлсин, Буюк бир шараф,
Эли сарлом юртнинг шифокорига!

НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Баҳорларни шошириб кўйган,
Сумалакни хидига тўйган.
Ялпизларга бошини кўйган,
Ёшлиқ байрам муборак бўлсин.

Давраларнинг жўшқинлиги Сиз,
Доноларнинг топқирлиги Сиз,
Дарёларнинг шошқинлиги Сиз,
Ёшлиқ байрам муборак бўлсин.

Ҳар юракнинг туганмас охи.
Тушимиизга киргувчи гохи.
Муҳаббатнинг армон паноҳи,
Севгим байрам муборак бўлсин.

Дунё сирли сандик бўлса гар,
Кирқ калити Сизга бўлгай ёр.
Сизни ташлаб кетмагай баҳор.
Ёшлар байрам муборак бўлсин.

БИЗНИНГ ВАТАНДА

Кафtingизда ичинг сувлари тоза,
Нориннинг авжидан кетган овоза,
У ўтган ховлилар гулзор озода,
Дарёлар оқади бизнинг Ватанда.

Ҳатто кишилори ҳам шаҳарга ўхшар,
Буғдой көнин таъми асалга ўхшар,
Келгувчи меҳмонга маҳталга ўхшар,
Меҳмоннавозликлар бизнинг Ватанда.

Гулларин таърифин айтсам тонг отар,
Булбул овозлари элни уйғотар,
Баланд тоғларида ой, күёш ботар,
Жаннатнинг макони бизнинг Ватанда.

Бу юртнинг қызлари моҳтоб бўлади,
Аёлининг юзи офтоб бўлади.
Момосининг сўзи китоб бўлади,
Зукколар яшайди бизнинг Ватанда.

Хунармандлар ҳар кун атлас тўқийди,
Бола ой нурида китоб ўқийди.
Ҳабиб Саъдуллалар шеърлар тўқийди,
Машраблар туғилган бизнинг Ватанда.

ОЛИС-ОЛИСЛАРДАН

Олис-олислардан килдим қўнғирок,
Олис йиллар ичра Сизни соғиниб.
Гулдай нозиклигим англадим бирок,
Елжамда кўтардим соғинч тоғини.

Англадим бегона менинг руҳимга,
Ҳатто Сиздан ўзга хаёл ҳам ҳаргиз.
Ҳар кун ўқ отилар, оҳ фуруримга,
Мени асраб турар Сизнинг ёдингиз.

Минг бир китоб эзур ишқу сехрингиз,
Уларнинг ўлчови асли илкимдир.
Сизнинг соғинчингиз, Сизнинг меҳрингиз,
Дилимда асрраган тенгсиз мулкимдир.

ЭЪТИРОФ

Менким ҳасадгўймас, ҳавасманд бир зот,
Гўзаллик қошига солмагайман от.
Тушимда талашар ҳар кун паризод.
Парилардан колган кўхна тарорин.

Тұлқинлар авжини қиласан ялла,
Дунёни күчоклад айтаман алла.
Юракда борини тұқиб баралла,
Дарёси бор элнинг ўзим кароги.

Улкан шаҳарлардан учиб келғанман,
Илхом дарёсими кечиб келғанман,
Тилла ковушларни ечиб келғанман,
Аслздоларнинг ялангоёри.

Хисобдонлар дүстим, хисобсиз ўзим,
Хижобдонлар дүстим, хижобсиз ўзим.
Хитобдонлар дүстим, хитобсиз ўзим.
Наманган кизларин девонарори.

Оёғим бошласа бошим кетади.
Тошкентни соринсам лошим кетади.
Гар етмаса кўзим ёши етади.
Менким—мухаббатнинг шўх қўнғирори.

КОТИБА ТАНЛАШ

(Ҳаваскор раҳбарлар ўқисин)

Агар тегса амал курсиси.
Ясатишдан бошламоқ керак.
Мўлтонироқ, айёр кулгувчи,
Котибани танламоқ керак.

“Иссик совук”, “дам”лар урдириб,
Сизга тутар еяр нонини.
“Дом” ўрнида уйлар курдириб,
Ҳар кун тутар Сизга жонини.

Кўримсизроқ бўлгани яхши,
Тушавермас ҳамма нигоҳлар.
Эри йўғи ҳаётнинг нақши,
Гувоҳсизроқ бўлар гуноҳлар.

Камаяди қўнғироқлар ҳам,
Хотинингиз қолади тинчиб.
Қаймослашар ўтувчи ҳар дам,
Сиз борасиз ҳаммадан кечиб.

Бола белда, хотин йўлда-ку,
Котибангиз бўлса киройи.
Муҳр, имзо икки қўлда-ку,
Ҳаёт кандай гўзал, чиройли.

Рахмат дейсиза одамларга ҳам,
Тўхтаб қолди хозир “миш-миш” и.
Худоёрхон келиб қолса ҳам,
“Йўқотасиз” бўлса “қилмиши”.

УЧҚЎРҒОНДАН КЎРАСАН

*Қадим замонда Норин соҳилида бир кампир
ўели билан эшакда саир қилиб кетаётуб, дарёга
тушиб кетибди. Бола энамни бер, деб дарёга бўзлаб
турганида, бир доно ўткимчи тўхтаб, шундай деб
турган экан:*

Кел, кулок тут жоним болам,
Тўхта, бир зум йиғлама,
Тоғ-тошларни тутди ноланг,
Юрак-багрим тирлама.

Турган жойинг баланд тордир,
Осмон сенга кўп яқин.
Дарё тушган жойлар боғдир,
Боғ тарафлар кўп салкин.

Ўзанига сирмай дарё,
Пастга кетиб боради.
Бош-кетини йиғмай дарё,
Боғлар кечиб боради.

Шул дарёнинг соҳилида,
Гўзал Боғи Эрам бор.
Норин бўйлаб яшнаб ётар,
Учқўрёндай бир диёр.

Ёйилади ул дарё азим,
Учқўрёнга етганда.
Ўша ёқда айтасан арзинг,
Энанг оқиб кетгандир.



Отам – Мулла Ҳайдар
Мұхаммадали ўғли



Онам – Эътиборхон
Нишонбой қизи



Она жоним қариндошлар билан дам олишда.
«Ниҳол» санаторийиси. Учқурғон. 2001 йил.



Лермонтов қабри ёнида.
Пятигорск. 1982 йил.



Навоий ҳайкали ёнида шоира Баҳор
Холбекова билан. 1981 йил.



Талабалик олтин даврим. Наманган. 1975 йил.



Наманганда ижодкорлар даврасида. 1997 йил.



Укам Маҳмуджон ҳардам
суюнчим. Москва. 1980 йил.



Рица кўлида. Сочи. 1982 йил.



Турмуш йұтқым Ғуломжон ақа,
Улугбек ва Диором.



Үстозим Анатолий Сафонов билан ижодкорлар анжуманида.
Москва. 1979 йил.



Дилафрӯзим доим хаёлим.



Болаларим Дилором, Улугбек, Азиза, Дилафрӯз ва Шоҳруҳ.



Покистонлик дугоналар даврасида
Наманган 2003 йил.



Ҳассос олим, устозим Азиз Қаюмов билан Чустда. 2005 йил



Устозларим Ойдин Ҳожиева ва Олмос опа билан.



Чортокдаги учрашувда.

Бунда йиглаб турмагин сен,
Күйи томон юрасан.
Энди болам, энангни сен,
Учкүрөндөн күрасан!

НАМАНГАН БУ – ГУЛНИНГ КОНИДИР

Наманган бу —гулнинг конидир.
Хар тонг гулга либос бичади.
Булбулларнинг қайнок қонидир.
Бунда гул ҳам меҳр ичади.

Наманган бу—келинчак гўзал,
Кўрганлар ҳам келаверади.
Шоирлари ташлаб кетса ҳам,
Шонир туғиб бераверади.

НАМАНГАНИМНИ

Менинг учун тенгсиз бир диёр,
Жўш уради Норин дарёси.
Согинчим ҳам, меҳрим ҳам бисёр,
Куйлай бўлиб булбулигўёси
Гуллар юртим Наманганимни.

Яйраб жўшиб келганда баҳор,
Гул хидига тўлса чаманлар.
Ёдга олса бизни ҳар нахор,
Ул чаманда коши камонлар,
Севиб яшай Наманганимни.

Куйларимга тўлар тор-тоши,
Балқиб кетар яна далалар.
Эркалайди кўклам қуёши,
Сойлар эса тўқиб яллалар —
Куйлаб окар Наманганимни,
Бағри баҳор Наманганимни!

ЕР ҲАСРАТИ

Мамлакат опанинг айтганлари

Узукларим бармогимни
Кисаяпти дадаси.
Қайси мушук қаймогимни
Ичаялти дадаси?

Тоқатим йўқ биласиз-ку,
Унча шивир-шивирга.
Сизга айтсан куласиз-ку,
Юрак чалар сибизга.

Болалар деб югурибман,
Гапларим қолиб чала.
Пахта деб оҳлар урибман,
Индамабсиз ҳар гал-а.

Мана тўлиб кетди ахир,
Пахтанинг планлари.
Кўнгилларни тўлдирадир,
Ғолиблик ўланлари.

Йўлдошим деб қувонганман,
Яхшингизни ошириб.
Паноҳим деб суюнганман,
Умр ўтар шошириб.

Энди билсан иккимишга,
“Дом” ҳам бўлиб қолди тор.
Тошбулоқнинг бўйларида,
Чалиб берасиз дутор.

Бола меҳри бир тарафда,
Бир тарафда ишқ ва хат.
Сиз деб куймоқ зўр шарафдир,
Барндан зўр муҳаббат.

Эллик ёш ҳам асли ёшлик,
Десам кулманг ҳолимга.
Оллоҳ шунча ёшлик берсин,
Сиз ҳаваскор чолимга!

"ВАТАН СҮЗИ"

тұлғамидан

(2002)

Ватан сүзи бисмилохим,
Ұнинісіз бір ишім бітмас.
Ұсіз дылда тұтуп охим,
Ұнинісіз бір құнім үтмас.



* * *

Үзгани тарбият айламок учун,
Үзингни саркарда сайламок учун,
Хар ерда булбулдай сайрамок учун,
Отанг тиригида дуосини ол.

Ора деб ўтинма баланд-пастларга,
Йўлдош деб ўкинма хар хил касларга,
Чўкаётган одам зордир ҳасларга,
Осилишни тўхтат ўтганга алҳол.

Суянган төвларинг нурайдир бир кун,
Ўлтирган курсинг ҳам кулайдир бир кун.
Яратган гуноҳинг сўрайдир бир кун,
Келажакни ўйлаб сен сургин хаёл.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил,
Одамлар сен ҳақда не дейди бир бил,
Қаркуноқ куйига зор эмас булбул,
Номард эркаклардан аълодир аёл.

* * *

Отамнинг ёлризи, ягона қизман,
Онамга эрта-кеч, мен кўтар кўзман,
Момоларим айтган ялама тузман,
Ёвдан ёд киладур яхшиликларим.

Менинг синглим дилни яйратган баҳор,
Булбулларни шодон сайратган наҳор,
Билсанг суянчим зўр, суянчим қахҳор,
Унга дол киладур яхшиликларим.

Субхи саболарга саломларим бор,
Одамларга ёқкан каломларим бор.
Билмам менда кимнинг аламлари бор,
Барин ёд киладур яхшиликларим.

Гар осмон ҳам сенинг кўлингда бўлса,
Қалб ҳам пиёладай кўлингда бўлса,
Гардун салобати сўлингда бўлса,
Ташла, бут киладур яхшиликларим.

Сийму зарлар менга шунчаки ўйин,
Бой бўлсанг бокавер далада кўйинг,
Барибир етмайди бўйямга-бўйинг,
Сени мот киладур яхшиликларим.

* * *

Мен бошимни эгсам осмон йиғлади,
Ерни боссам ер ҳам ҳайрон йиғлади,
Дарёлар тўлғониб бийрон йиғлади,
Тухмат тошларини отган чоғингда.

Суяксиз тилингни тошга менгзадим,
Ҳам хиссиз дилингни тошга менгзадим,
Бу лоқайд элимни лошга менгзадим,
Тухмат тошларини отган чоғингда.

Бу ўт — вулқонданмас додимдан чикди,
Бу ўч — аёл деган зотимдан чикди,
Ёлғизгина қизинг ёдиндан чикди,
Тухмат тошларини отган чоғингда.

* * *

Отган тошларингдан бағрим конади,
Бу холга ишонган дўст ҳам тонади,
Ўчган чирокларим қачон ёнади,
Сени қарғамасдан худога солдим.

Паст эркакка тенглатисам бўлмас,
Нодон курашисан беллашсам бўлмас,
Сенинг пастлигинг бор, бўйлашсам бўлмас.
Сени қарғамасдан худога солдим.

Үйқусизлик тотган кечалар ҳакки,
Кўз ёшимга ботган кўчалар ҳакки,
Кон бўлиб силқиган ўчларим ҳакки,
Мен сени ёп-ёлғиз худога солдим.

БИЛМАМ

Билмам качон келар баҳорим, ёзим,
 Қиши фасли унудинг, кутдим хатингни.
 Мен бугун дилимни қишлиарга ёздим,
 Музлаган дарахтга айтдим гапимни.

Бу қиши ҳамма сунъий яшайверади,
 Бир-бирини алдаб кимлар хотиржам.
 Учраган ошини ошайверади,
 Мен баридан безиб, безиб кетаман.

Кўм-кўк майсаларим бошингни кўтар,
 Ўзга юртга кетган күшларим қайтинг,
 Бу дунёдан мендай бўзлаб ким ўтар,
 Менинг ахволимни дўстларга айтинг...

МЕНИНГ ЮРАГИМДА

Менинг юрагимда конлар изи бор,
 Изғиринда колган корлар изи бор,
 Узилиб кетган ул торлар изи бор,
 Сен қайларда қолдинг бевафо баҳор?

Менинг юрагимда кунлар изи бор,
 Айтсам адo бўлмас кунлар изи бор,
 Мени зада қилган тунлар изи бор,
 Сен қайларда қолдинг бевафо баҳор?

Менинг юрагимда сўзлар изи бор,
 Босган тупроримда кўзлар изи бор,
 Баҳорлар ўрнида кузлар изи бор,
 Сен качон келасан бевафо баҳор?

МУҲАББАТ ЭРТАГИН

Муҳаббат эртагин айтади ўтмиш,
 Китоблар ёзилган, қўшиқ битилган.
 Неча даҳолар ҳам шу дард-ла кетмиш,
 Ишқ кўйида минг хил оғу ичилган.

Муҳаббат дардига даво тополмай,
 Олиму фозиллар ушлар бошини.

Яна ишк дардина ичиб гүё май,
Кимдир түкаяпти күзин ёшини.

ҚҰЙЯЙ ДЕСАМ

Құйяй десам жонимда жой йўқ,
Күкка боксам осмонда ой йўқ,
Тўлиб оккан бирорта сой йўқ.
Мендайларга кун қолмадими?

Бош қўйгани останаси йўқ.
Келарингнинг нишонаси йўқ,
Ё Диљбарнинг пешонаси йўқ,
Куйганларга кун қолмадими?

Киркта жоним бирма-бир чикди,
Юрагимдан оловлар чикди,
Бу дард мени барибир йиқди,
Беморларга кун қолмадими?

Кўнгилсизлик кўчаси сагир.
Мени адо қиласи бағир,
Борар йўлим нахот ёнбагир,
Хайронларга кун қолмадими?

Кирк кунда кирк пичоқ санчилди,
Майсаларни бўйи янчилди,
Хиёнатнинг кўли ечилди,
Мухаббатга кун қолмадими?

ХИЖРОНЗАДА КЎНГЛИМ

Хижронзада кўнглим, хижронга тўиди,
Айриликини тиги бағримни ўиди,
Энди мен хеч кимни соғинмай қўйдим,
Юрагим энди мен сени асрایман.

Кайдан олиб берай тушнинг тинчини,
Кушнинг уйкусини, қуш илинжини,
Жонини асрамай баттол элчини,
Фолиблик давронин бир дам сўргайман.

Синди күнглим, унинг сингани аник,
Кўчасидан қайта ўтмасман ёниб,
Сўрасалар ундан кетгайман тониб,
Юрагим қаршиңда баргдай титрайман.

Софинчимдан айри жони омоним,
Энди бегонадир яхши ёмоним,
Юзимни бургайман кўрган замоним,
Ўзимнинг холимни ўзим билгайман.

Қаркиш айланадир тилим учинда,
Соринчлар сизмайдир дилим ичинда,
Ерийлар турадир қалам учинда,
Ўзимнинг холимга ўзим кулгайман.

МЕНИНГ ЖОНИМ

Менинг жоним, кўрап кўэим шу,
Яширинча таккан зарларим.
Сал шивирлаб айттар сўзим шу,
Жонимдан жон ясар заргарим.

Ишк кўйида телбавор здим,
У аклимини киргизиб кўйди.
Юрагимни қўлига бердим,
У барини бирма-бир ўйди.

Менинг жоним киркта десам,
У қўлига олар пичорин.
Тирикликини ғамини есам,
Майли очсин ўлим кучорин.

ЙЎЛНИНГ

Йўлнинг баланд-пастидан тўйдим,
Гумонларнинг дастидан тўйдим,
Оҳ, биронвинг хастидан тўйдим,
Кўнглингида нима бор, айтинг.

Бу умрнинг баҳори ғамнок,
Оппок тонгли наҳори камрок.

Оккушларим бўлганда ҳалок,
Дафтарларда йиглайди байтим.

Адо килди ўтида фирок,
Хеч ичимда ёнмайди чирок,
Бағрим бўлиб кетди қизғалдок,
Қайтинг, менинг ёнимга қайтинг...

ОХ, СЕНДАН АЙРИЛИШ

Ох, сендан айрилиш шунчалар кийин,
Юрагимни қўркув, ҳадик қучади.
Мен томон кайрилиш шунчалар кийин,
Кол-кора сочимга оқлар тушади.

Менинг холим хароб, дил кўзим сўкир,
Кетиблар бораман ортимга қайтмай.
Кимдир мухаббатдан сағсата ўкир,
Кулорим беркитдим хеч кимга айтмай.

Бир ховуч сувчалик қадри йўқ бўлдим,
Тенгизлар ичиде сени топмагач.
Сагинчнинг кўксига теккан ўқ бўлдим,
Айру эшикларин кайта ёпмагач.

ДЕМАК, МЕНИ УНУТИШ ОСОН

Демак, мени унутиш осон,
Унутилдинг деганлари ҳак.
Демак, менга кўп йироқ осмон,
Мени хеч ким кутмайди илҳак.

Келмас бўлиб кетишим мумкин,
Изларимдан хеч ким тўқмас ёш.
Тонгда илк бор кўрмоклик учун,
Зарларини тўқмайди куёш.

Йўлларимда очилмас гуллар,
Юрагимда оқмайди дарё.
Менсиз ўтар ой, туну кунлар,
Мулзам турар кўнгилсиз дунё.

ХОТИРАМ ЧАРЧАДИ

Хотирам чарчади сени эслашдан,
Унутмокнинг борми сира имкони?
Нега чарчамайман сени излашдан,
Кўксимга санчилиб ҳажр тикони?

Музылик диёрида ухлайсан торим,
Айриликини маҳкам бағрингта босиб.
Сенсиз яшнамайди чаманим-богим,
Тун качон чекинар оппок тонг отиб.

Совук туман ичра йўлдан адашдим,
Хавотирга кўйиб хар қадамимни.
“Шоҳ” дединг, “Мот” дедим ўйин чалкашди,
Ўйинда ютқаздим сен, ҳамдамимни,

Курашда йиқилган ўйинга тўймас,
Йиқилган курашчи менинг ҳолатим.
Сени унутишга юрагим кўймас,
Аммо эсламоқнинг йўқдир ҳожати.

* * *

Қанотлари қайрилганлар биз бўлсак,
Тирик туриб айрилганлар биз бўлсак,
Йўлларида тайрилганлар биз бўлсак,
Биздан бахтсиз одам борми дунёда?

Бу дунёдан ҳамма бир-бир ўтгайдир,
Кимлар кимнинг ёқасидан тутгайдир,
Кимнинг номи юраклардан ўчгайдир,
Менинг дардим бўлиб борар зиёда.

Ёлғизликнинг азоблари кўп бисёр,
Бахтлиман деб кулса аёл хўп бекор.
Дил кулфини очолмассиз энди ёр,
Етолмайсиз хохи оту пиёда.

МЕН БИР ГУЛМАН

Мен бир гулман, соғинчнинг гули,
Саратонда бўлгувчи хазон.
Юрган йўлни айрилик йўли,
Учрашмасмиз энди ҳеч качон.

Бизсиз турар кўчалар ҳайрон,
Дарё оқар бўлиб сарпора.
Бир ишқ ўйи бугундир вайрон,
Хиёнат шод чалар ногора.

Уфқим турар бўлиб бағри кон.
Куёш ёнар булат ортида.
Орзуларим эди бир жаҳон,
Колиб кетди душман юртида.

Ёлоннингни кўравер баҳам,
Кўр килмайди сени қарғишим.
Кўчамизда бўлганда байрам,
Йўл солмагин бизга дарвишим.

САБР ДЕДИНГ

Сабр дединг, сабрим тугади,
Фирорингни кўзим этар фош.
Баҳор кетди сабрим тугади,
Билсанг агар кўксим тўла ёш.

Ҳабарчи күш қаерга учган,
Келтирмасми, саломномани.
Дўст-ёрлар қаерга кўчган,
Ким тинглайди арзу нолани.

Иzzатинни билмайди хижрон,
Висол умрин килиб яримта.
Мұхаббат бу — покиза виждон.
Холим кўриб бўлади нимта.

Хиёнатнинг тўнин бичдингми.
Бир умрга кутганим учун,
Қайтмасликка қасам ичдингми,
Бугун кимга ишониш мумкин.

БУ ИЛТИФОТ

Бу илтифот меники эмас,
 Йүлингизда ўани осмадим,
 Бугун юрак хам Сизни демас,
 Сиз томонга киё бокмадим.

Яшанг энди бўлиб эхтиёт,
 Душман менинг томонимдадир
 Дайди ўқдан ўлмок энди ёт,
 Юраккинам товонимдадир.

У ЎТГАН ЙЎЛЛАРГА

У ўтган йўлларга тупрок бўлгим бор,
 У кирап боғларда гулман интизор,
 Кўнглимда яшовчи гўзал ифтихор.
 У — сиз хаёт рангиз натай Хосият?

У — сиз осмон ногоҳ паст бўлиб кетар,
 Сайроқи кушлар хам бош олиб кетар,
 У келмас кўчага қачон гул битар.
 Кайси томонларга кетай Хосият?

Дарёдан сув иссам акси кўринар.
 Олма узай десам нақши кўринар.
 У хамма-хаммадан яхши кўринар.
 Кандай ишқномани битай Хосият?

Минг бора осилдим ишқ дорларига,
 Суяндим бедаво беморларига,
 Ишонмайман сира икрорларига,
 Жонни кимга нисор этай Хосият?

ОСМОНДАГИ ОЙНИ

Осмондаги ойнинг доғи бор эди.
 Ишқнинг бегард яшил бори бор эди.
 Бу телба дунёда соғим бор эди,
 Факат Сиз биласиз буни дугона.

Бозорларга бориб ҳаридсиз қайтдим,
 Бойликларга учмай, бойман деб айтдим,

Ўзимни ҳаммадан бахтли деб айтдим,
Факат Сиз биласиз буни дугона.

Биз суйган бовларнинг тиконлари кўп,
Бу ишқ йўлин сирли ситамлари кўп,
Ҳасаднинг минг кўэли тиканлари кўп,
Факат Сиз биласиз буни дугона.

Ёлғончи дунёга беравериб жон,
Бўйнига таққани энг соҳта маржон,
Кўзидағи ёшга чўкар Дилбаржон,
Факат Сиз биласиз буни дугона.

ЎТТИЗ КУНКИ

Ўттиз кунки сабр-бардошим,
Сиасиз нафас ола бошладим,
Ортиқ чидам бермас бардошим,
Сел-сел бўлди яна ёшларим.

Ўттиз кунки сабр раҳбарим.
Ёлризликни кўлкаси бўлдим.
Яна сизни унутган сарим,
Айрилиқнинг ўлкаси бўлдим.

Ўттиз кунки сабр йўлдошим.
Орзу мендан узокда эди.
Қарамади менга элдошим,
Юрагимни бўрилар еди.

Ўттиз кунки сабр қуёшим,
Унугандим ишқ оятини.
Кўксингизга қўйганда бошим,
Сездим ҳайит ҳидоятини...

ХИЁНАТНИНГ ДАРЧАСИ

Хиёнатнинг дарчаси очик.
У барчага туради пешвоз,
Сен югурдинг унга ютосиб.
Дор устида ўйнайсан дорбоз.

Хиёнатнинг дорлари баланд,
Сен ўйнайсан унда балаңдим,
Юрагимга ишк ўтии килиб,
Ўзим куйиб кулга беландим.

ИТ ҚАВМИДА

Ит қавмида кетган хоиндан ёмон,
Севгининг юзига сөғин босмоқ,
Дўстлар изтироблар, ёнишлар тамом,
Ўзимни хиёнат дорига осмон.

Бўкун юрагимга кил сирмайди кил,
Томогимдан ҳатто сув ҳам ўтмайди,
Ишончларим синган, ишончим дардчили,
Юракдаги ярам сира битмайди.

НА ИССИК

На иссиқ, на совуқ менга бегона,
Энг совуқ кунларда ёлриз музладим,
Ҳарорат ёндириб юборар яна.
Оловлар ичиди ёзу кузларим.

Ҳароратим учун ўлчовлар етмас,
Тузатолмас табиб дори-дармони,
Олов-тошлар ичра асло гул битмас,
Факат унга чидар ишкнинг бемори.

АЛАМ САҲРОСИДА

Аlam сахросида қирқ кун бўзладим,
Тиканга лаб босдим тиркиради кон,
Жонимни гаровга кўйиб сўзладим,
Жонимга харидор қирқ бошли илон.

Ҳар қадамда келдим ёмонларга дуч,
Лек сени топмогим бўлмокда душвор,
Кечаги оразулар бугун бўлди пуч,
Менинг суянганим нураган девор.

КҮНГИЛСИЗЛИК

Күнгилсизлик бошланди қачон?
Қачон мени унутиб қўйдинг,
Сенинг учун тутганимда жон,
Айриликини тигида сўйдинг.

Оҳ, бу тирдан садоқат зада.
Мехр кетар кўзини ёшлаб.
Бош кўтарар ёлғончи ваъда,
Елкасида ёлғон ортмоклаб.

Тўйдим сенинг ёлғонларингдан,
Ҳакиқатнинг эшиги ёпик.
Куйдим севғи аффонларидан,
Кўрмай колди кўзларим очик.

Сен кетасан хиёнат юртин,
Бўлмоқ учун хони, хўжаси.
Мен коламан садоқат-юртим,
Мухаббатдир унинг кўчаси...

КУН ЧИКАРДАН ЎТДИНГ

Кун чикардан ўтдинг кунботар томон,
Кетарингни айтмай менга бир оғиз.
Кун-тун олкишлайман бўлсин деб омон,
Сени сеҳрлатан бугун ялмоғиз.

Чашмадай туюлар сен ботган ховуз,
Унутиб юбординг гулнинг исини,
Пиёда эканинг билмайсан ҳануз,
Минганча ялмоғиз супургисини.

Ёлғизлик закқумин ичдим қиёмат,
Барига чидадим дилим, гавхарим,
Мехрим қаршисида бари омонат,
Қайтариб оламан бир кун сарварим.

КАНИ ФОЛБИН

Кани фолбин оч, фолимни,
Сирларимни очиб ташла.
Үз-үзимга айт ҳолимни,
Гунохларим сочиб ташла.

Усиз дунё менга қафас.
Золимимдан хабар бергил,
Ололмайман усиз нафас,
Унга зору забар бергил.

Хиёнатнинг кўчасида,
Оёрига тош ботдими?
Кишининг узоқ кечасида,
Ўзга аёл уйротдими?

Кучогида қайси гул айт,
Кўлларида қандай олма?
Ҳар нафасин этсан қайд,
Эплолмасанг йўлдан қолма!

ХАЛКОНА

Даркор эрур пулни олинг,
Ўчокдаги қулни олинг,
Сўлган, арzon гулни олинг,
Ташлагани ўзим яхши.

Аскотади тилла олинг,
Атлас, шохи-пилла олинг,
Тарозига палла олинг,
Ташлагани ўзим яхши.

Керак эса тошни олинг,
Зўр бўлади ёшни олинг,
Яна қалам қошни олинг,
Ташлагани ўзим яхши.

Балиқчамас наҳанг олинг,
Эчки эмас, така олинг,
Паризод деб бақа олинг,
Ташлагани ўзим яхши.

НЕГА СИЗНИ

Нега сизни суюйин,
Ёр қўлида ёқангиаз,
Ишқингизда куяйин,
Уйда бола-чақангиаз.

Ҳар кун йўлда зоримсиз,
Ёлон қасам ичасиз.
Бошта ёққан коримсиз,
Сўймагани кучасиз.

Севги ўзи нимадир,
Бошдан ўтган биладир.
Адашган бир кемадир,
Тўфонга дуч келадир.

Бевафо ёр, бевафо,
Куйдирив ўлдирасиз.
Касби корингиз жафо,
Душманим кулдирасиз.

ДИЛИМ КУЙДИ

Дилим куйди, дилим куйди,
Бевафонинг дастидан.
Севдим деган тилим куйди,
Ағёрларнинг кастидан.

Мани соғинч ўлдиради,
Саклаб қолар мардим йўқ.
Ғамлар гулдай сўлдиради,
Үндан ўзга дардим йўқ.

Курир кўнгил оғочлари,
Ярам қачон битади.
Бевафонинг соғинчлари,
Суягимда кетади.

АЛВИДО ЁР

Алвидо ёр, менга барибир,
Бошингизда тошми, парк уми.
Бағрингизда балки ғайридин.
Балки шарқлик, энди фарки не?

Алвидо ёр, юрагим адо,
Бұлған күнлар энди күлгили.
Алдовлардан беради садо,
Деганингиз жоним, севгилим.

Алвидо ёр, тили бийроним,
Хаммадан ҳам үзинг яхши деб,
Құйнимдаги оппоқ илоним.
Ин излаган үзга беріб зеб.

Алвидо ёр, балиқчи чолим,
Олтин балиқ излаб овора.
Бир кун келиб тақдирі золим,
Тақдим килар тешик төгіра.

МУҲАББАТ КҮЧАСИДА

Кийдим фасл либосларини,
Кувончларни кучиб хар нахор.
Күёш түкди сийму зарини,
Күнгил берди менга гул баҳор.

Ки йўқотиб, ҳаловатимни,
Олов калбга бўлдим ишқибоз.
Бошдан сочиб ҳароратини,
Юрагимда оловланди ёз.

Дастурхонин ёзи бекам куз,
Тутди шарбат меваларини.
Унга боқиб тўймас эди кўз,
Тинглаб ишқий шеваларини.

Учта фасл жуда тез ўтди,
Улгурмади барин айтгани.
Узун киш жим үзини тутди,
Айтмас менга қачон қайтганин.

* * *

Раҳмат, гўзал ёлронлар учун,
Кўнглимдаги фиронлар учун,
Мени чақкан илонлар учун,
Куллук Сизга, минг бора раҳмат.

Раҳмат, шарбат таъми лабимда.
Ўлдиргувчи заҳри қотилим.
Ишқ чўғини солиб қалбимга,
Борса келмас йўлда ботирим.

Раҳмат, менинг баланд қўргоним,
Кўрган кўзга кеттгувчи кулаб.
Раҳмат, менинг ҳолим сўрганим,
Ўзгаларга баҳтини улаб.

Раҳмат, менинг содда, куйганим,
Ўзгаларга бағрин уйганим,
Шоҳи, атлас дея кийганим,
Чирик бўзим чиқдингиз раҳмат!

Раҳмат, кўм-кўк боғлар ўрнида
Кад кўтарган тоғлар ўрнида,
Доим кўнгли чорлар ўрнида
Куриб битган янтоқлар учун.

* * *

Узр, Сизни кутганим учун.
Сизга жоним тутганим учун.
Кўчангиздан ўтганим учун,
Бошим тошга тегди, кечиринг.

Узр, буздим оромингизни,
Ҳаётдаги маромингизни.
Олдим гоҳо карорингизни,
Бошим тошга тегди, кечиринг.

Узр, даҳо, олимим дедим,
Билмай гоҳо золимим дедим.
Бу дунёда одилим дедим,
Бошим тошга тегди, кечиринг.

Уэр, Сизга бораман дедим,
Дилни Сизга ёраман дедим.
Ишкка Сизни кораман дедим,
Бошим тошга тегди, кечириңг.

Уэр, Сизни күкка күтардим,
Лабларимда ишкни ўпардим,
Изингизда куйлаб ўтардим,
Бошим тошга тегди, кечириңг.

* * *

Хайриятким, күзим тұла ёш,
Бораяпман ҳеч кимни күрмай.
Хижолатда чекинар қуёш,
Нолалардан ёрилади най.

Хайриятким, Сиз шоду омон,
Равон йўлни топиб олдингиз.
Сизга бокди омади замон,
Фариблиқдир бизга дўст ёлғиз.

Хайриятким, дўстнинг сафо,
Товонингиз тешмайди тикон.
Сиздан ўзга ҳамма бевафо,
Вафо Сизга жонини тиккан.

Хайриятким, анча беорсиз,
Сизни севар ҳар каски йўлдош.
Сизни олиб кетар ҳар орсиз,
Биз юрган йўл факат чағир тош.

Хайриятким, Сизнинг борингиз,
Жафоларим Сиз учун хундир.
Ёруғ уйлар Сизнинг жонингиз,
Менинг уйим коп-кора тундир.

* * *

Қандоқ яхши, Сизни йўқотдим,
Яхши-ёмон юрган йўлларда.
Жайронларга билмай ўқ отдим,
Қоним оқар энди чўлларда.

Қандоқ яхши, беайбингизман,
Ҳакамларга хайрона боқкан.

Еддан чиккан бир сайдингизман,
Сиздан бошка ҳаммага ёқкан.

Кандок яхши, бағрим тиғлайман,
Товонимга ботар ўша тиғ.
Бу дунёга Сизсиз сиғмайман,
Осмон йирок, ер бўлса каттиқ.

Кандок яхши, тилда исмингиз,
Бораяпман шам каби тугаб.
Бегонадир жону жисмингиз,
Қизиб борар мен ҳақдати гап.

* * *

Зўр бўлди-ей, тез унут бўлди,
Ишқ бодасин тотганларингиз.
Дилингизга қайта ўт бўлди,
Ўзгалардан топганларингиз.

Зўр бўлди-ей, ёмрирлар ювди,
Юзингиздан кузлар изини.
Изингизда санғийман девдим,
Терс қилдингиз менинг юзимни.

Зўр бўлди-ей, синди қанотим,
Ортингиздан кетмайман учеб.
Бошимдаги бахмал банотим,
Офтоблардан турмайди тўсиб.

Зўр бўлди-ей, Сизга зўр бўлди,
Тенг келолмас хеч зот ушбу дам.
Сиз деганлар йиғлаб кўр бўлди,
Мехрингизни кўрмайсиз баҳам.

* * *

Койил, сизнинг топқирлигингиз,
Хар дилни ҳам олур нишонга.
Ишқ бобида чопқирлигингиз,
Етакламас Сизни знёнга.

Койил, ҳамма сиз деб пилдирад,
Сиз ҳаммадан ўткир чапани.
Эл·улусни ҳайрон колдирад,
Каркунокдан булбул чиккани.

Койил, күкда учгувчиси ҳам,
Гах десангиз, күлга құнади.
Яхши-яхши кунларин баҳам,
Ёмон куни Сизсиз үлади.

Койил, дейман, лолман баҳога,
Изингизда гуллар бераман.
Сигинганча Сиздек даҳога,
Күзни юмид шаҳар бераман.

ДЕВОНАВОР ЮРИБ

Девонавор юриб хаёлга ботма,
Севмасми деб минг хил хаёлга ботма,
Шунчаки бўлса ҳам аёлга бокма,
Хиромон юришим сенинг туфайли.

Ўлди десалар ҳам келсанг тирикман,
Сўлди десалар ҳам учар кийикман.
Мехринг оғушида даврон сурибман,
Ал-омон юришим сенинг туфайли.

Ёзу кузларимни кировга берма,
Узун кишиларимни яловга берма,
Хатто хаёлимни бировга берма,
Ҳар замон кулишим сенинг туфайли.

Ойларга алишма бир фурсатимни,
Кунларта алишма бир сухбатимни,
Ҳижронга алишма мухаббатимни,
Ойдайин тўлишим сенинг туфайли.

ОТИНГДАН АЙЛНАЙ

Оtingдан айланай мұхаббат,
Юрагимни макон этдинг.
Иаингта бойланай мұхаббат,
Күнгил боғим осмон этдинг.

Ки сендан ўзгани күрмасман,
Ўзгалар-а бўлдим басир.
Бирордан ҳол-аҳвол сўрмасман,
Ёлғиз сенга ўзим асир.

ЮРАГИМГА БОТДИ

Юрагимга ботди ханжар,
Оёғимда тилла занжир,
Билмаганлар мендан ранжир,
Севдинг дейди бахшилар.

Менинг билан күймаган ким,
Коворини уймаган ким,
Жон-жонидан суймаган ким,
Айтинг, айтинг яхшилар.

Билмам кимни күзи теккан,
Оёғимга кирди тикан,
Хижрон менга күзин тиккан,
Йирлама дер бахшилар.

Күз ёшимдан майса унсун,
Соринчларим гулга дунсин,
Бошимга бахт қуши құнсин,
Дуо айланг яхшилар.

* * *

Қаттиқ ерим, каттиқ останам,
Оддий уйим менинг кошонам.
Балки шүрдир яна пешонам,
Йүлларимга кон түкиб ўтдим.

Енгил-елпи ўтмади умрим,
Дилда сайраб турса-да, кумрим.
Кишлок томон тортганча томрим,
Бу дунёдан жон чекиб ўтдим.

Адоватдан дил бўлиб вайрон,
Дўст ишига бўлганча ҳайрон,
Қўлларимдан турса-да, камрон,
Баъзан қўнглим сал чўкиб ўтди.

Қайга борсам тоғлардан ошиб,
Дарё кечиб, дарёдай тошиб,
Юрагимга ўтлар туташиб,
Ишқ майнини боз ичиб ўтдим.

* * *

Бу оламда биз каби,
Куйиб кул бўлган борми?
Ишқ шарори матлаби,
Бўлган диллар баҳорми?

Еру осмон айланар,
Бу хижроннинг дардидан.
Куйган кўнгил бойланар,
Мухаббатнинг дардига.

Иэтиробнинг тотини,
Дилда дарди бор айтсин.
Айрилиқнинг отини.
Ёрдан кетган ёр айтсин.

Ёрдан кетган ёр айтди:
Аҳволи ночор экан.
Лабларида ишқ байти,
Бир кўрмакка зор экан.

Бир лаҳзага токат йўқ.
Кўрмакнинг йўқ иложи.
Хижронлардир сизга дўқ,
Тўлайверинг хирожин.

Ёрдан кетган ёр айтди:
Дилда бир ишкнинг исми.
Юрагим куйиб кетди,
Манту олов бу жисмим.



• սիրածան առաջ առաջ առաջ առաջ
• առաջ առաջ առաջ առաջ առաջ առաջ
• առաջ առաջ առաջ առաջ առաջ առաջ
• առաջ առաջ առաջ առաջ առաջ առաջ

(800)

առաջարկաց

“*ԱԿՏՈՒԱՐՆԻ*”

НАСТАРИН

Осмон бўлиб ўсиб борар дил тоги,
Гул тутгандада яшнаб хар бир буторинг.
Гулларингга тўлиб кетди кучорим.
Лабларингдан ўпай сени, настарин.

Бўй чўзади пойинг узра майсалар,
Ёмғир ёғиб, юзларингни чайсалар.
Фуркат ёниб айтган "абру-найсон"лар,
Кел, бағримга босай сени, настарин.

Сабо бўлиб, юзларингни силайми,
Хар ғунчангда кулгу бўлиб, унайми,
Ё нур бўлиб пойингга тўкилайми.
Кел, дилимни очай сенга, настарин.

Тиканлардан пора бўлган қалбим бор,
Айтиб-айтиб йиғлагим бор, кулгим бор,
Шоҳларингга суюнганча ўлгим бор,
Бор меҳримни сочай сенга, настарин.

Кел, бағримга босай сени, настарин.

ВАТАН

Ватан сўзи бисмиллоҳим,
Унингсиз бир ишим битмас.
Усиз дилга тўлур оҳим,
Унингсиз бир куним ўтмас.

Менинг жону дилим Ватан,
Воҳ-эй, узун тилим Ватан.
Севиб кучган гулим Ватан.
Мехр — ўнгу сўлим Ватан.

Ватан сўзи юрагимда,
Кизил гулдай ўсиб ётар.

Эртаю кеч тилагимда.
Тилагимда бахтга ботар.

Ватан улур ўтмишимдир,
Аждодларим — пок иймоним.
Кечаётган кечмишимдир,
Томиримда оккан қоним.

Мен Ватанин суёдирман.
Тилим кесинг ундан томсам.
Кўзимда ёш куёдирман.
Соринч бўлиб унга томсам.

Менинг жону дилим Ватан,
Воҳ-эй, узун тилим Ватан.
Севиб қучган гуллим Ватан,
Мехр — ўнгу сўлим Ватан.

ЎЗБЕКИСТОН

Озодликни суйган Ватан,
Фанимлари куйган Ватан,
Бахт шавкини туйган Ватан,
Менинг бахтим, эй онажон,
Бағри баҳор Ўзбекистон.

Нурдай балқар тогу тошинг,
Сени алкар ой қўёшинг,
Хоҳ Наманганд, хоҳи Шошинг,
Менинг тахтим, жон онажон
Бағри баҳор Ўзбекистон.

Сенда тарих кўзлари бор,
Амир Темур излари бор,
Нодирадай кизларинг бор,
Менинг бахтим, жон онажон
Бағри баҳор Ўзбекистон.

Амударё оқаверар,
Сирдарё ҳам шошаверар,
Менинг кўнглим тошаверар.
Қалби дарё, эй, онажон
Бағри баҳор Ўзбекистон.

Мангу бўлсин озодлигинг.
Темур руҳи-ла шодлигинг.
Куйлай яна ободлигинг,
Сенга бўлсин шараф ва шон,
Мустакил юрт Ўзбекистон.

СЕНИНГ БОҒЛАРИНГДА

Мен сенинг бошингмас, тизингман, Ватан,
Гуллар хиди тутган изингман, Ватан,
Ерга томган қонинг — қизингман, Ватан,
Сенинг осмонингда күш бўлиб учай.

Минорингга бокиб осмонни кўрдим,
Чинорингга бокиб буюклик сўрдим,
Дарёингда оқиб сочимни ўрдим,
Сенинг боғларингда гул бўлиб ўсай.

Отамнинг мозори шу ерда бўлса,
Оға-иниларим шу ерда турса,
Онамнинг кўзлари ёшларга тўлса,
Қайси юзим билан бу ердан кетай.

Улуғбек, Бобурим, Шоҳруҳим сўйгун,
Ойдай Дилафрўзим — умидим гулгун,
Шовуллаган борим — шукуҳим тўйрун,
Оlamнинг бор меҳрин шу ерда кучай.

Қизимнинг ёнида малҳам бўлмасдан,
Дўстлар даврасида ҳеч кам бўлмасдан,
Элимга ҳар нафас ҳамдам бўлмасдан,
Қайси юзим билан бу ердан кетай.

Мен сенинг бошингмас — тизингман, Ватан,
Гуллар хиди тутган изингман, Ватан,
Ерга томган қонинг — қизингман, Ватан,
Сенинг боғларингда гул бўлиб ўсай.

КУЙЛАБ ЎТАЙ

Қаерга кетсан ҳам қайтиб келаман,
Софинч кўшигини айтиб келаман.
Кўзимнинг ёшини артиб келаман,
Бағрингга оласан, Ватаним онам.

Боги Эрамларга алишмам чўлинг,
Денгизларга бермам дарё-ю кўлинг.
Сен томон элтади сўқмоғу йўлинг.
Тенггингни кўрмадим, Ватаним онам.

Ерга томган киндик қоним шундадир,
Отам деб бўзлаган оним шундадир.
Фариштадай онам — жоним шундадир.
Иймондай азизим, Ватаним онам.

Ёқаси йиртилган тарихинг қайтди,
Бутун жаҳон аро кимлигинг айтди.
Кунда бир яашинг, борлигинг байтдир.
Сени куйлаб ўтай Ватаним онам.

Отасиз, онасиз яшамоқ мумкин,
Очлик, ноchorликда кишламоқ мумкин.
Бироннинг уйида ишламоқ мумкин,
Мумкин эмас сенсиз — Ватаним онам.

БАЙРОФИНГДА...

Байрорингда сий юлдузинг,
Ёруғ бўлсин кечакундузинг,
Сени кутлар хур ўғил-қизинг,
Мустақиллик муборак, Ватан.

Битмас қўшиқ бўлсин "Мингбулоқ".
Қўйни-қўнжинг тўлдирсин хар чок,
Дўстлар учун очавер кучок.
Мустақиллик муборак, Ватан.

Гўзалликда неки каминг бор,
Водий ичра Наманганинг бор,
Суянчиғинг ҳам ҳамдаминг бор,
Мустақиллик муборак, Ватан.

Жаҳон ичра дурданасан сен,
Дўстлар ичра ягонасан сен.
Озодликка ишонасан сен,
Мустақиллик муборак, Ватан.

АССАЛОМ

Ассалом, дуога қўл очган онам,
Шаҳарда юрсам ҳам қишлоқда жоним.
Ассалом, кўзлари йўлда нигорим,
Фарзандларин кутган гул Намангоним.

Ассалом, осмонни қалбга кўчирган,
Минорлари гўзал шаҳарлараро.
Ассалом, қалбларга офтоб ичирган,
Афинадай гўзал, кўхна Бухоро.

Ассалом, дунёга ёғду таратган,
Кизларининг тили ширин-шакар қанд.
Ассалом, Темурнинг дилин яйратган.
Оlamda тенги йўқ шахри Самарқанд.

Ассалом, ишончим суюнч тоғларим,
Охуларин омон саклаган она.
Ассалом, кувончим, жаннат боғларим,
Бағрига сирдирган яшил Фарғона.

Ассалом, даҳолар китобин битган,
Бағри илмларга тўла нихоним.
Ассалом, кўксисда жавохир тутган,
Буюклардан буюк Ўзбекистоним.

ТИЛИМ

Менинг узун тилим, исёнкор тилим,
Ярадор қилдинг-ей, оппок тишимни.
Ўзунлигингдан-ку, кўиди бу дилим,
Кунда бир орттириб, бир ташвишимни.

Кунда шу кайсалик, шундай можаро,
Режалар тузгайман аклимин эзиб.
Мен банди қиласман тишларим аро.
Сен яна кетасан занжирни узиб.

Сунъий тишлар ясад курашдим яна,
Сени қиска килиш энди ниятим.
Сен уни емириб қилдинг тантана.
Куйлаб озодликнинг қонуниятим.

Қасдлар қасд бўлмайди, сенинг қасдингдан,
Оғриғинг кўзимни тиндираверар.
Уэун тилим тагин сенинг дастингдан,
Тишларим — тишимни синдираверар.

ҚЎЛИМГА

Тилло узукларинг ечиб ташладинг,
Озодликнинг хўкми шу бўлса керак.
Тирноринг қирмизга бўяб ташладинг,
Конга тўла ахир мендаги юрак.

Кўзим тушган гулни узма ҳей қайсар.
Гулмас улар бари, аълафлари бор.
Адашсам кўзимни беркитиб қайтар,
Вафосизлар менга бўлолмагай ёр.

Сен баланд жойларга қаттиқ тирманиб,
Забт этишга чорла юксак чўккини.
Дўстнинг қўлларига маҳкам чирманиб,
Қўллар-ла ўтказган юрак чўрини.

Менинг бор дардимни ошкора қилиб,
Ёзишдан оласан бор аламингни.
Шеър ишқида мени овора қилиб,
Тун-кун ташламайсан ҳеч қаламингни.

ЎЗБЕГИМНИНГ ОНАСИ

Оиласа кут берган,
Болага оқ сут берган,
Баҳт берса ҳам бут берган,
Покизалик кояси,
Ўзбегимнинг онаси.

Оқсуягим, фариштам.
Ҳовлилари сариштам,
Тенг келолмай, лол хотам,
Яхшиликни сояси,
Ўзбегимнинг онаси.

Тұмарислар зотидан,
Барчиннлар саботидан,
Зулфия баётидан,
Озодликдир ғояси,
Ўзбегимнинг онаси.

Тинчлик йўлин танлаган,
Белин маҳкам борлаган,
Ўалигини англаган,
Улув ҳалкнинг дояси,
Ўзбегимнинг онаси.

СОҒИНДИМ

Орамизда битта дарё бор, холос,
Минг хил юмушларим тугамас яна.
Юрагимдан чикиб келар бир овоз,
“Мен сизни соғиндим, соғиндим она”.

Берган баҳорингиз ортда қолдириб,
Кузакнинг бағрида хозир замона.
Соғинчлар бағримни қайта ёндириб,
Мен сизни соғиндим, соғиндим она.

Гина-кудуратлардан чикиб қолибман,
Хиёнатни кўриб тўлар паймонам.
Дунё ишларидан роса толибман,
Она деб отингиз ўпаман она.

Тухмат тошларини отса ҳамки ким,
Конларга бўялиб кетсан тамоман.
У кун бари дўстлар сотса ҳамки жим,
Хуазурингга бўзлаб чоламан она.

ОНАЖОНИМ

Гоҳо сору, гоҳо менинг беморим,
Юрагим куввати, дилим мадори,
Болам келар дея йўлимда зорим,
Куттириб кўйдимми жон онажоним.

Тошга бошим тегса она дейман ох,
Хиёнатдан ёнсам она дейман ох,
Фамли куним бўзлаб она дейман ох,
Кўйдириб қўйдимми жон онажоним.

Шукр, сиз айтгандай "тилларим узун",
Оғзим ошга етди, кўлларим узун,
Сиз мени қўллаган йўлларим узун.
Кўйдириб қўйдимми жон онажоним.

Онасиزلар ичра секин айтаман,
Оналилар ичра баҳри-байтиман,
Мехрибоним меҳр излаб кайтаман,
Кўйдириб қўйдимми жон онажоним.

БЕТОБМИСИЗ, ОНА

Ёнғоқзор ховлимиз туради хомуш,
Сиз ўстирган гуллар нега фаромуш.
Ёлризим келди деб бермайсиз товуш
Бетобмисиз она, онажонгинам!

Остонада Сизнинг кавушингиз йўқ,
Кадрдон ўчокда кўринмайди чўр,
Мен кела қолмабман, Сиздан кўнгил тўқ,
Бетобмисиз она, онажонгинам!

Кўйлар маърамайди, ит ҳам нега жим,
Йиғлоқи болалар қайда қолдийкин,
Жимлик нега шунча ҳукм сурдийкин,
Бетобмисиз она, онажонгинам!

Кайси укам Сизга дардини тўқди,
Чиройли қаддингиз шу кадар чўқди,
Сизнинг бу ҳолингиз кўксимга ўқдир,
Бетобмисиз она, онажонгинам!
Каердасиз она, онажонгинам!

Кучсумда кизил лолаларим бор,
Этагимда тўла болаларим бор,
Юрагимга ботган нолаларим бор,
Она, соғинганда бора олмадим.

Гоҳ вақтимнинг йўғи баҳона,
Гоҳ тақдирнинг ўки баҳона,
Гоҳ кўнгилнинг тўки баҳона.
Бир кеч бағрингизда кола олмадим.

Эркалаб ўстирган қизингизман-а,
Сиз босган тупрокда изингизман-а,
Хушрўйим, хушбўйим — исингизман-а,
Тобингиз қочганда кела қолмадим.

Сочлари оппоғим, дили оппоғим,
Кўксимга босади ҳажр пичорин.
Оҳ, оғир экан-эй, узокнинг доғи,
Онажон, онажон, бора олмадим.

НАМАНГАН АЁЛЛАРИГА

Кутган баҳорингиз келади қайтиб,
Сиз хақда соғинчли қўшиқлар айтиб,
Менинг лабларимда кўкламнинг байти,
Наманганинг гўзал аёлларига.

Юрган йўлингиздан тарқалур зиё,
Сизга ёт, бегона ёмонлик, риё,
Йигитлар меҳрини қилур тўтиё,
Наманганинг ойдай аёлларига.

Мингта сеҳргар ҳам кўрганда ҳайрон,
Соков эркаклар ҳам бўлади бийрон.
Энг нокас кўнгил ҳам тутаверар жон,
Наманганинг гўзал аёлларига.

Уттиз, кирк нимадир оддий бир рақам,
Киркта жонингизга ахир жуда кам.
Сиз ёшсиз дегувчи баҳорлар ҳакам,
Наманганинг ойдай гўзалларига.

Баҳорда туғилиб, баҳорга ташна,
Сал мақтаб қўйсангиз кетади яшнаб.
Дўстлар келинг, яна яхшилик бошлаб,
Наманганнинг гўзал аёлларига.

АЁЛ

Алпомиш келбатли, ботир сумбатли,
Тўрига ярашган обрў, хурматли.
Дунёда тенги йўқ оғам кимматли.
Сиз тилло бўлсангиз кўзи шул аёл.

Дунёда Сиздайин ўғилни берган,
Сизни деб ҳам доно, ҳаммадан мерган.
Сиз учун ўчокка ўтиналар терган,
Атлас, шоҳи эмас, бўзи шул аёл.

Мактовлардай суйиб гоҳ дўкингизни,
Ҳаммадан ўзсин деб гоҳ ўкингизни,
Елкасига олиб гоҳ юкингизни,
Сиз бўри бўлсангиз кўзи шул аёл.

Шоҳида юрсангиз барги уники,
Буғдой шопирсангиз гарди уники.
Муштингиз тугилса зарби уники,
Сизни бахтли қилган ўзи шул аёл.

МЕРОС

Менда ганж йўқ ўғил, қизимдан ўзга,
Дунё йўқдир унда босган изимдан ўзга,
Сизга айтган иссиқ сўзимдан ўзга,
Мехрибонга айтинг, меҳримдир мерос.

Отам-онам дедим, кули бўлдим мен,
Кизлар ичрарайхон, гули бўлдим мен,
Бироннинг ишқининг кули бўлдим мен,
Ишқсизларга айтинг, ишқимдир мерос.

Китоб варакладим умрим етмади,
Ҳаммасин ёзмокка куним етмади,

Тушларда кўрмокка туним етмади,
Коғозларда колган шеъримдир мерос.

Оға-иниларим сизга айтмадим,
Мехрингиз коришик канча байтларим,
Бир сингил йўқ, бордир қанча айтарим,
Сингилсизга айтинг, сингиллик мерос.

Кўнглингиз тўлдирган кўнгил яримман,
Кўнгилсизга дунё, дунё зарим на?
Ичимда булбулим йиғлайди найлай,
Ташналарга айтинг, ноламдир мерос.

Мен йикилсан кайта турмогим душвор,
Оташ юрак бўлиб, урмогим душвор,
Дўстлар даврасида кулмогим душвор,
Беморларга айтинг, соғлигим мерос.

Ялмогиз кузатди девор орада,
Ҳасад тикилади губор орада,
Саргардон ўтади бир ёр орада.
Саргардона айтинг, айрилик мерос.

Сандикларга тўла тилло, зарлармас,
Остонаси тупрок, уйим мармармас,
Бўйнимдаги карзим, сира гавхармас.
Фарзандларга айтинг Ватаним мерос.

СОҒЛОМ АВЛОДИМ

Осмони мусаффо эл фарзандисан,
Бахти хонадоним асал-қандисан,
Болажон миллатнинг дилбандисан,
Ортимда қолгувчи соғлом авлодим.

Сенсан орзуларнинг учкур дулдули,
Умидим чечаги, умидим гули,
Ватан боғларининг сайроқ булбули,
Ортимда қолгувчи соғлом авлодим.

Бағринг бутун бўлсин, нонинг ҳам бутун,
Ўзбекка ярашган шонинг ҳам бутун.

Эркин ўсавергин, имокинг бутун,
Ортимда колгувчи соглом авлодим.

Тилаган тилагинг бажо бўлажак,
Бу ёруғ иқболинг кундай бўлажак,
Озод юрт сенини, ёрқин келажак,
Ортимда колгувчи соглом авлодим.

УНИВЕРСИАДА ЭТАДИ ДАВОМ

Мушоира этади давом...
Зулфия

Гуллар диёрига байрамлар келди,
Саодатли дамлар Ҳайратлар келди,
Полвонлар, Алпомиш келбатлар келди,
Ёшлик, дўстлик бўлавер омон,
Универсиада этади давом.

Намангандида топган гулларим,
Фолиблик нашъасин тотган зўрларим,
Бахтга кучорин очган кунларим,
Ёшлик, дўстлик бўлавер омон,
Универсиада этади давом.

Жаҳон бўйлаб йўл сол, кувончингни ёй,
Хар қадамда шодлик, ўзгача чирой,
Йигитлари полвон, кизлари Барчиной,
Ёшлик, дўстлик бўлавер омон,
Универсиада этади давом.

Ёшлик уфурмаган пучмоқ қолмади,
Мехмону мезбонда чарчоқ қолмади,
Намангандида хеч доғ қолмади,
Ёшлик, дўстлик бўлавер омон,
Универсиада этади давом.

Ёшликка бурканди тогу тошларим,
Умидли юлдузим — ёш бардошларим,
Ватаним кўксиди ол қўёшларим,
Ёшлик, дўстлик бўлавер омон,
Универсиада этади давом.

ЎЗБЕК

Яшаш жойларидир дарёга туташ,
Ажратиб бўлмайди қишлоқ кентини.
Уни атайдилар жўмард, меҳнаткаш,
Асрой ололган халқ қадриятини.

Тинчлий шамоллари эсиб турса бас,
Даласида ишлаб, чарчамас ҳарчанд,
Фарзандлари дунё кезиб юрса бас,
Ҳамкорига асло бериб қўймас панд,

У аслида бўлар жуда хотиржам,
У шоҳдан бу шоҳга сакраш шарт змас,
Ҳамма ишларига улгурар илдам,
Хиёнатдан бошқасин ғам демас.

Яхши-ёмонликни дилга этгач қайд,
Ўзбекчалаб ўкиб қўяр ўхшатиб,
Мухолифи ҳаддан сал оштани пайт,
Энасини Учкўрондан кўрсатиб.

БАЛЛИ, РАИСЛАР

Ғўзаси ўсганда бўйи ўсгувчи,
Баҳордан кузгача тупрок кечкувчи,
Хирмонига караб кўкка учгувчи,
Яшанг, балли, балли доно раислар.

Ҳар карич ерини қадамлаб юрган,
Дехкон хориганда канотга кирган,
Уста миришкорин бутун эл билган,
Яшанг, балли, балли, доно раислар.

Дала деганида уйни унуган,
Бола-чақасини, куйни унуган,
Меҳнат қизиганда, тўйни унуган,
Азиз оғаларим, балли раислар.

Отини сотганим, молини сотганим,
Пахта даласида ёзлаб ётганим,

Улкан хирмонларда бахтга ботганим,
Жондош иниларим, балли раислар.

Бошиңгиз түйлардан чиқмаса қани,
Хеч ким курашларда йикмаса қани,
Бу юрт асли сиздай мардлар Ватани,
Яшант, омон бўлинг, балли раислар.

МАДХИЯ

Дарёлар бағрида оқар гулдираб,
Баланд тоғлар унга елка тутади,
Бағрида оқади сойлар чулдираб,
Хатто томларида гуллар битади.

Кишлоклари ҳакда ривоят яшар,
Хар бир қўргонида битта афшона
Мехнаткаш ҳалқига мақтov ярашар,
Бир кунлик меҳнати мингта афсона.

Ёлғон гапдан улар килади ҳазар,
Хеч ким эголмаган унинг бошини,
Хиёнат қилсангиз бўлинг алхазар.
Синдириб ташлар у бор бардошини.

Аёли туғса ҳам мардни туғади,
Дунёда ҳалол бир шартни туғади,
Бу юртга яраштан моҳитобларни,
Ёки мендек дили дардли туғади.

Елкаси ер кўрмас, ҳар ишга қодир,
Улогин бермаган зерлар юрти бу.
Овозаси эл кеэганим баҳодир,
Ражибга ён бермас шерлар юрти бу.

Режа мажбурият бажармок асли,
Омадлилар учун одатий бир ҳол,
Фаслларнинг зўри бизга куз фасли,
Турфа ҳосил турар мени дея ол.

Бугун сизга байрам, бизга ҳам байрам.
Юзи ёруғларим, бошингиз тикка.
Оға-ини, опа-сингил бунда жам,
Байрам ярашади асли ўзбекка.

МЕН СИРИМНИ

Мен сиримни кўшчига айтдим,
Шудгор ичра унди бирма-бир.
Мен сиримни кўшнига айтдим,
У ҳам мингни кўшди барибир.

Мен сиримни дўстимга айтдим,
Дўстим қилди шайтон ишини.
Томни тутган устунга айтдим,
Ва тингладим тичирлашини.

Мен сиримни гулларга айтдим,
Гуллар лабин очиб юборди.
Жўшиб оккан сувларга айтдим,
Сохилларга сочиб юборди.

Менинг сирим сир эмас энди,
Турфа оҳанг ичра куйланди.
Икки қўлим ёқамда энди,
Айтган сирим гийбатга банди.

* * *

Йиғлаб нима қилдим энди,
Сенинг била кулдим энди.
Үлар бўлсам ўлдим энди,
Булбул забоним сен ўзинг.

Бир сўзингга жон садара,
Тилла-кумуш, мол садара.
Менинг билан қол садара,
Булбул забоним сен ўзинг.

Бу жаҳоним сенсиз кафас,
Сенсиз олай қандай нафас.

Юрагимдан отилган сас,
Булбул забоним сен ўзинг.

Сенинг бор-йўнг ўзим,
Дилинг ёнса чўри ўзим.
Мен сенингман, ўзинг — ўзим,
Булбул забоним сен ўзинг.

* * *

Қайда қолдинг, булбулжон?
Гул бунда шармандадур.
Уфкда күёш бежон,
Кўкда ой чирмандадур.

Қайда қолдинг, булбулжон?
Яйрамоқ вакти етди.
Сени деб берар гул жон,
Сайрамоқ вакти етди.

Қайда қолдинг, булбулжон?
Софинчдан бул дил вайрон.
Тинглаб яшарар хар жон,
Сайра, бўлмасдан хайрон.
Кайлардасан, Булбулжон...

* * *

Бир даврон суришим бор.
Сизни деб юришим бор.
Хар лаҳза кулишим бор,
Ака сизда ишим бор.
Билакда кумушим бор.

Тоғларнинг бошида қор,
Качон келади, баҳор?
Дилсиз дунё бўлди тор.
Ака сизда ишим бор.
Билакда кумушим бор.

Хижронларга ўчим бор,
Олай десам кучим бор,

Сизга ярашар викор,
Ака сизда ишим бор,
Билакда кумушим бор.

* * *

Хиёнатнинг йўллари тайроқ,
Шу йўлларга кирдингиз, жоним.
Бу йўлларнинг хаси ҳам айроқ,
Фирром билан юрдингиз, жоним.

Ёруғ эди бу кўнгил, ойдек,
Тиканларда тилдингиз, жоним.
Нетай энди, жойингиз пойгак,
Дил тўридан кулдингиз, жоним.

Кўнгилларки токка ўхшарди,
Орамизда төғ ўсди, жоним.
Атроф гўзал бокка ўхшарди,
Кўзингизни ким тўсди, жоним.

Сиз кирсангиз, гулзор куяди,
Чаманларни куйдирманг, жоним.
Сўйса энди беор суюди.
Сиз билмас жой, менинг маконим.

САВОЛ

Асли булбул забонсан,
Забоннингда бормани?
Ёки дили ёбонсан,
Ёбанингда дормани?

Кўкону кентда юрсанг,
Кулогингда сайрайми?
Йўлни дарёга бурсанг,
Сендан олдин яйрайми?

Қизнинг кирк сочидай,
Хаёлларинг бўлайми?
Кўзларингнинг ёшидай,
Кўксингта тўкилайми?

Ҳаётинг гул, баҳорми,
Қалдирюч қанотида.
Менинг учун жой борми?
Дилингнинг пойгоҳида?

ХАБАР

Бепарволик сабаб шаштим пасайди,
Пичогим ёғ эмас, хозир кесмайди.
Ғаним чумолидан түя ясади,
Менинг дилим вайрон, хабарингиз йўқ.

Ёзнинг оловида қоврилди, жоним,
Бегона кўлида соврилди молим,
Нечун сўрамайсиз шу тобда ҳолим,
Элу улус ҳайрон, хабарингиз йўқ?

Осмонлар кулади бошим устина,
Душманим кулади ёшим устина.
Айрилик туради қошим устина,
Соринч килар найранг, хабарингиз йўқ.

Тўргай овозидан уйғондим қайта,
Севиблар йигладим фигондин қайта.
Гўзаллик ишқида мен ёндим қайта,
Дўстлар килар байрам хабарингиз йўқ?..

МУҲАББАТНИНГ МУЛКИДА

Яхшиларнинг яхшиси,
Гўзалликнинг баҳшиси,
Мен ҳақимда очма фол,
Муҳаббатнинг мулкида,
Менинг каби куйиб қол.

Осмондаги ойни ол,
Сувга тўла сойни ол.
Факир эмас, бойни ол,
Муҳаббатнинг ўтида.
Дилбар каби куйиб қол.

Дунёларни күй ошиқ,
Бир кун кетар күз очик
Йиелар факат мажнунтол.
Мұхаббатнинг мулкида,
Менинг каби күйиб қол.

Үлмай туриб ўлдирдинг,
Қизил юзим сўлдирдинг,
Фарибингдан сўрма ҳол,
Мұхаббатнинг ўтида,
Дилбардайнин күйиб қол.



"КҮНДИЛ БОҒИ"

тұпламидан

(2005)

Дүршман үкіларидан еткалағым әк,
"Мен-сен" іа үтмөгим үмөт "сиз"ликдан.
Кодир Оллох, филим хүзүрініда пок,
Ұзині асрағайсан иймөнсіздікдан.



НАМАНГАН МАДХИ

Бизга насиб этмиш кўнгил осмонлир,
Гуллаб ётган тупрок учун посбонлир,
Наманганним сизга доим омонлир,
Гирдини тоғлари ўраган диёр,
Ахли донишларин сўраган диёр.

Чаманида гуллар ёнади там-там,
Сахийлигидан лол бўлади хотам,
Мингта шоир ёёса Наманганга кам,
Дарёдан белбоғлар ўраган диёр,
Машраб соғингандаган сўраган диёр.

Жаннатмакон юртим адолари кўп,
Уни кўрмоқка зор гадолари кўп,
Наманган сўзининг садолари кўп,
Борини гулларга ўраган диёр,
Бобур болаликдан сўраган диёр.

Йигитлар бошида Чустнинг дўллписи,
Келин рўмолида гулларнинг иси,
Булбул сайрайверар Наманган деса,
Даласин боғлари ўраган диёр,
Олмасин харидор сўраган диёр.

Водийнинг гўзали тиллоқошидир,
Гуллар юрти гуллар доим ёшидир,
Норин, Сир бағрида сувнинг бошидир,
Водийни гулларга ўраган диёр,
Бир келган меҳмони сўраган диёр.

Тандирдан узилган кулчаю ионим,
Дала, тузинг, боғинг, тогинг ҳам шоним,
Менинг Наманганим, Наманган — жоним,
Дилбарни меҳрга ўраган диёр,
Қиёсин дунёлар сўраган диёр.

ШОИР УЧУН

Шоир учун минг йил аввал яшамоқ нима,
Унга осон яна минг йил олдинлаб кетмоқ.
Узун түнлар замон дардин қилиб таржима,
Калам билан етолмаган оразуга етмок.

Шоир учун даврон надир, шон надир,
Хак йўлида бир кун бошин тутар сиртмокка.
Агар кўнгли ўсса осмон қадар ўсадир,
У кун хофиз бўлар дил торини чартмокка.

Ватан учун Нодирдай тикка бош тутар,
Ё Увайсий замонидан безиб солар дод.
Қаттол дунё Усмонига қонли ёш тутар,
Чўлпон олдда кетиб борар бўғзида фарёд.

Шоир халқдан ё илтари олдга кетарлар,
Ё орқада колиб, йиглаб тарихни титар.
Ё Машрабдай куйиб, бир кун ҳакка етарлар
Ё Бобурдай тахтда соринч, номалар битар.

Шоир учун дунё асли чидам, бардошdir,
Баъзан ғамгин, баъзан ўқтам унинг хитоби,
Каламидан тўкилган сўз асли қуёшdir,
Кўлдан-кўлга ўтиб борар бир кун китоби.

ЯНГИ ЙИЛ ҚЎШИГИ

Киши чилласи қиличини қайраб турар,
Олпок кордан бола кўнглим яйраб турар,
Дил кушларим ушбу нафас сайраб турар,
Янги йилим яхшиликдан кил каромат.
Ватандошлар доим бўлгай сор-саломат.

Бу йил Ватан хирмонлари төрдан ошсин,
Буғдойзордан келаётган укам шошсин,
Дилда меҳр булоклари тўлиб тошсин,
Янги йилим келишингда сир-синоат,
Кекса онам ётиб келгай сор-саломат.

Сизга айтсан асли дунё бевафодир,
Ошикларга тақдим бўлган бир жафодир,

Яна кимга лак-лак бойлик, кайф-сафодир,
Янги йилим келса бўлгай бир аломат.
Дусту ёрим доим бўлгай соғ-саломат.

Бу дам дамдир ўзгасини дам демайлик,
Қаноатим бошқалардан кам демайлик,
Ватан деган сўздан бошка ғам емайлик.
Янги йилим келтиравер зўр саодат,
Болаларим ўсиб унгай соғ-саломат.

Беморларга ширин сўзла шифо тила,
Ҳакиқатга тарози бўл инсоф тила,
Лойларда ҳам ялтирайди асл тилла,
Янги йилим сен покликсан, сен адолат,
Тинчлик билан баҳтга қарай соғ-саломат.

Гар суяnsак орқамиизда торимиз бор,
Гул истасак гулга тўла боримиз бор,
Булбул кўлдир орамизда зоримиз бор,
Янги йилим кўнгилларга бер ҳаловат,
Кучоқ очиб кўришайлик соғ-саломат.

ИТОАТДИР

Ота улур бир зотдир, кўзларига тик боқма,
Отанг қошидасан гар беизн киприк қоқма,
Оқил фарзанд эрурсан, меҳрини доим оқла,
Отага итоатинг — тангрига итоатдир.

Сени бир содда она тукқанини унутма,
Гоҳи сен учун озор чекканини унутма.
Жаннат она пойида эканини унутма,
Онага итоатинг, ҳамиша ижобатдир.

Ота-онанг пойдоринг, доимо ёдингда тут,
Мехрибонлар меҳрини, ҳам қишу ёзингда тут.
Ўз ҳолингга яраша кўпми ё озингда тут,
Уларга итоатинг тангрига итоатдир.

Ота-онангни асра, дилидаги чироғ бўл.
Ёмонга ёндошмагин, ёмонлардан йирок бўл.
Сен тангрига сажда кил, янада яхширок бўл.
Сенинг хар ибодатинг — тангрига итоатдир.

ҚҰЛ ВАСФИ

Үнгинг билан ўнни олиб,
Бирни чапда бермайсан.
Этанг юрган доим ғолиб,
Сен ердан тош термайсан.

Дунё тұла сенга лойик,
Тилла, кумуш, олмос бор
Этангни күп сүйган холик,
Душманига қилмас хор.

Она ердан рисқ ундириб,
Топған ионинг ҳалолдир.
Ёмонликлар сенга фириб,
Кинғир ишлар малолдир.

Яхшиликка күтарилиб,
Берадурсан сен овоз.
Кувончингдан тох ёрилиб,
Сенга күйлар минг хил соз.

Бармокларинг силаб сүйган,
Менинг райхон, жамбилим.
Сен күтарсанг мәхр түйган,
Болаларим сүмбулим.

Онамнинг оқ сочларини,
Ўзинг ювиб тарайсан.
Гўдак борки очларини,
Боқмокқа сен ярайсан.

Йиқилганда этанг ногох,
Тоғдай суюш вазифанг.
Ҳар кадамда бўлгия огох,
Этанг асли заифа.

Сен бурчлисан ҳар бир ишни,
Жой-жойига кўйишга.
Дўстсиз келган ёзу кишини,
Яхшиликка йўйишга.

Бу дунёвий хатоларга,
Яхшиликни экасан.
Қоғозлару матоларга,
Кашта қилиб тикасан.

Бу оламнинг йиртигини,
Сен хар куни ямайсан.
Душман келса сен тигини,
Кўриб, иллоҳ қалтирамайсан.

ДАВЛАТИМСИЗ ОНАЖОН

I

Тўй-ҳашамлар сизга маҳтал,
Савлатимсиз онажон,
Аслзодам рўзи азал,
Давлатимсия, онажон.

Оёргингиз ерга тегса,
Ер кўтариб гуллагай.
Мева сизга шохин эгса,
Дараҳт қайта гуллагай.

Шарқираган сойим онам,
Чиройлигим жон онам,
Осмондаги ойим онам,
Яхшиликка кон онам.

Итоатгўй онажоним,
Изингизда маҳталмиз,
Ибодатгўй онажоним,
Қачон сизга ўхшармиз.

Она деймиз уйга кирсак,
Чиксак хайр, онажон.
Доим бола бўлиб юрсак,
Қилсак сайр, онажон.

Давлатимсиз, онажон
Савлатимсиз, онажон.

II

Дунёдайин кекса онам,
Күкда ойга чехра онам.
Чидолмайман кетса онам,
Жоним онам, шоним онам.

Елкалари төр күттарар,
Унга бирдай фойда, зарар,
Яраларимни биткаарар.
Ойим онам, куним онам.

Күлларнда пилта сават,
Бизга тутган доим шарбат,
Биз бўлдикми лойиқ фарзанд,
Кулиб турар менинг онам.

Олма емас карсиллатиб,
Сўзи латиф, ўзи латиф,
Хамма билан тенг тиллашиб,
Кулиб кўяр менинг онам.

Кўзи тўқим, бойим онам,
Кийган атлас шойим онам,
Доим олар ёним онам,
Йўлларимга зорим онам.

Дўсти эмас тилла, кумуш,
Амри вожиб ҳар-бир юмуш,
Мехрдан дер, гўзал турмуш,
Дейди менинг доно онам.

III

Онажоним жоним онам,
Менинг кўзу қошим онам,
Мехр тўла сойим онам,
Кўзимдати ёшим онам.

Дуолари ижобатим,
Оллохимга итоатим,
Кўнглимдаги шижоатим,
Дилимдаги ойим онам.

Йұлларимда күтгувчимсиз,
Күлларимдан тутгувчимсиз,
Дардим айтсан ютгувчимсиз,
Вафоларга бойим онам.

Фариштасиз, сариштасиз,
Уйимизга ярашгансиз.
Ойим онам, жоним онам,
Мехри оқар сайим онам.

ОНА

Она тобингиз қочса юрагим увишади,
Бутун дунё жунжикиб ҳаво ҳам совий бошлар.
Маңюсланар эски уй, ўчокда ўт ўчади,
Ўтган кунга осилиб, күзимда қалқир ёшлар.

Офтобли кун қисқариб узаяди түн узун,
Эшик деразалар ҳам оғирлашиб ёпилар.
Онажон, доим қараб туролмаган мен ўзим,
Күксимдан ўксик, ўксик минг оғриклар отилар.

Отам эккан дарахтлар ё мевадан қолдими,
Богимизни оралаб юришингиз камайди.
Тўқсонга кетган сөқ шунча юриб толдими,
Каттиқ ерни қайириб юришингиз камайди.

Отамдан қолган ховли, сиз биландир гулистан,
Ёнғоқ тагида юринг кўйлагингиз ер ўлиб.
Бир кун кўринмасангиз сизсиз дунё зимиштон.
Онам бор деб юрибмиз, хар томонда тер тўкиб.

Сизсиз бу дунё ғарид, холим бўлади хароб,
Она борим-йўримсиз кўрсам кўрар кўзимиз.
Этагингизни тутиб борсам йўл йиглар ёраб,
Бетобим, кексагинам, қандоқ қиласай ўзимсиз.

СҮНГГИ КАЛОМ

Усмон Носирни оёқларини савуқ уриб, кесиб
ташлашганида, у кесилган дараҳт устида шеър ўқир
экан.

Музлик диёрида уйғок бу шоир,
Күёшли ватандан айттар хикоя.
Нозирлар, жалладлар туришар қойил,
Оқбадан кайинлар килур химоя.

Она тупрорини сүйган шоирим,
Энди унга қайта күёлмас оёк.
Жони, дили, бори куйган шоирим.
Сөгінчини күйлаб қиласы маёк.

Шахдам одимлаган оёклари йўқ,
Совук уриб борар икки қўлларин.
Хиёнат қуллари қиласидар дўқ,
Шоир айтаверар сахро, чўлларин.

Олис-олисларда қуёшли юрт бор,
Гўзал нозанинлар кутишар илҳак.
Мунгли онаси бор, дўст беътибор,
Кўнгил ичра яшар йиғлаган хилқат.

Шоир айтиб қила олмайди тамом,
Лабларидан учар сөгінч күшлари.
Шоир музлаётир энг сўнгги калом,
Она, Ватан, шеърим сўнгги тушларим.
Хайр...

* * *

Душманимнинг ўки тегди бехато,
Чап кўксимдан шарра кон оқар.
Кўтаролмай синар суюккача то,
Ишонган төвларим ҳайронга бокар.

Мен суюнган төвлар ерга сингади,
Довул дўлга учарар ўстирганим бор.
Билмадим ҳолимни нега менгзади,
Атрофда кўринмас ҳатто бирор зор.

Езим лахча чўндири, кузим совутар,
Асли қон ёруғлик, у ҳам бизга тан.
Гирдимда парвона қизим овутар.
Айтаманки, кайта турмок менга шан.

Биби Фотимадан сўрайман қувват.
Кўзимда Увайсий кўзин ёшлари.
Кўзимдан ўтади кўзимда суврат.
Устоз Нодиранинг кесик бошлари.

Қон юқи қиличин сууриб қиндан,
Тўмарис беради ғурур хундан дарс.
Турмокқа чорларлар узок яқиндан.
Ичимда уйғонур, мудраган йўлбарс.

* * *

Сиздай бойликка ўч бўлолмадим йўқ,
Сизнинг олдингиизда бир сарпоеқман.
Хою-ҳавасларга асли кўзим тўқ.
Калби бойлар ичра ёнган маёқман.

Сизнинг юзингизда нега ҳавотир.
Эгри туриб тўғри сўз айтар эсам.
Ичимга фарёллар кўмилаётир.
Баъзан ноҳакликка сўэсиэ чидасам.

Менинг босган ерим куйдиради чўр,
Сиз сояда олинг мукофот, ёрлик.
Сиздай яшамоққа менинг ҳакким йўқ.
Сиздай гуллаш, менга баҳти қароли.

Сизни эсламайман, дилимни рашлаб.
Ҳамон тоза тутгум, тоза ҳалқумни.
Кўзимнинг ёшини сидириб ташлаб.
Куйлаб яшайвергум содда ҳалқимни.

АХД

Гулдай ўсиб чикдим, бош кўтардим шаҳд.
Томирларим атай чопсада кимдир.
Қуёшга интилмоқ, менга гўзал аҳд.
Ҳар жойдан яхшилик топиб бир чимдим.

Гуркиради кетди кесилган шохлар,
Дарахтнинг шохила яна гулладим.
Бир хонн дастидан тоғдан қуладим,
Яна асралдилар содик ўртоқлар.

Менга бosh кўтармоқ унмоқ одатdir,
Рахмим келар пастда колган фанинга.
Дўстларим кўплити зўр саодатdir.
Бир-бир сўз айтишар менинг шаънимга.

Дўстларим корига, Ватан корига,
Ярамоқ одатим, ярамоқ баҳтим.
Айланиб элимнинг хизматкорига
Яхшилик ишиқида яшамоқ аҳдим.

Гулдай ўсиб чикдим, бosh кўтардим шаҳд.
Бошимни тик тутмоқ боболардан аҳд.

САЙЁРАГА

Амунинг шўхлигиман,
Қизларнинг кўхлигиман,
Кўнгилнинг тўклигиман,
Мен Бойсуннинг кизиман,
Элимнинг булбулиман.

Кўҳиқофнинг садоси,
Мухаббатнинг адоси,
Яхшиликнинг гадоси,
Мен Бойсуннинг гулиман,
Элимнинг булбулиман.

Париси бор тоғданман,
Илдиэли бутоғданман,
Бағри сўзон боғданман,
Мен Бойсуннинг гулиман,
Элимнинг булбулиман.

Даштга тушса ой нури,
Дилда отлар дупури,
Софинч келар гулурниб,
Мен Бойсуннинг гулиман,
Элимнинг булбулиман.

Шаршараман жўшаман,
Ишқингта ишқ қўшаман,
Билсанг ўша-ўшаман,
Мен Бойсуннинг гулиман,
Элимнинг булбулиман.

БАХТИЁРГА

Асли осон эмас баҳтиёр бўлмок,
Тарихни вараклаб ўқиб куну тун.
Кийин бўлар ярим кўнгилга тўлмок,
Ва ҳақиқат гардин артмоқлик бутун.

Ҳақиқатни ёзинг, сингунча қалам,
Йилларнинг беомон каж дафтариға
Кўзингизда разаб килдими алам.
Тарихнинг минг йиллик кажрафторига.

Кўйлагингиз оппок имонингиз пок,
Лойлардан ўтасиз қандаям гардсиз.
Дунё ишларидан юрагингиз чок,
Хар қандай оғрикка сиз ҳам ҳамдардсиз.

Томингизга чиқса баҳор лоласи,
Элдан олдин туриб сиз ёндингизми?
Юксакларда ўсан торнинг боласи,
Пастрокка тушишга ўргандингизми?

Олисга термулган кўзларингизда,
Тарихнинг минг йиллик сирлари аён.
Кулгилар аралаш сўзларингизда,
Юрак оғрикларин киласиз баён.
Шундай, осон эмас Баҳтиёр бўлмок.

ОҲКИ ОНАМНИ КЎРСАМ...

Онамга боролмасам ёроҷ бўлиб курирман,
Менинг синик юрагим ситамларнинг ватани.
Оҳки, онамни кўрсам симоб бўлиб эрирман,
Мехрибоним бағрида гулга айланар таним.

Онамни сёғига бошимни кўйсам бугун,
Жаннатнинг хидларидан кўзларимга ёш келди.
Дунёларни унудим ғамни унудим бутун,
Онамга сирингани кўқдаги қуёш келди.

Умрига вафо тилаб неки яхши тутурман,
Бевакт мени йиглатиб йўлга қаратмас онам...
Иншооллоҳ, меҳрига қониб, қониб ўтурман,
Кўнгли ёш боласини эрта каритмас онам.

ТУРГУН АЛИМАТНИНГ БАРМОГИ

Тургун Алимматнинг кўнгли бунча ёш,
Дунёни гулларга ўраб кўяди.
Симлар беролмаса ишқига бардош,
Танбур қулогини бураб кўяди.

Оҳанглари ичра шодликлар оқар,
Одам йўқотганин топар ахтариб.
Агарки саслари ғамдан гул такар,
Дунёнинг соchlари кетар оқариб.

Оқ сочли дунёнинг кўзларида ёш
Танбур симларини аламда қайрар
Ва гўзал сасларга тўлиб кетар Шош
Тургун Алимматнинг бармоги сайрап.

ТАНБУР

Жонимга жон ато қилади танбур,
Ғамимни ҳам сато қилади танбур.

Ишқининг олови куйдирди мани,
Ўтда ёқиб хато қилади танбур.

У кун изхорини рад этган эдим,
Соринчидা адо қилади танбур.

Мухаббат боғида шоҳ эди дилим,
Биёбонда гадо қилади танбур.

Дардимни айтарга бирорта сор йўқ
Билимай кайфу сафо қилади танбур.

Хаста Дилбар йиглар билмадим қачон
Ваъдасига вафо қиласи танбур.

* * *

Кўзим ёши тиниб бўлди,
Дил ойнаси синиб бўлди,
Кўнгилга ғам иниб бўлди,
Энди шодлик бўлолмассиз.

Кўкни суйған барг саррайди,
Баҳор ёз, куз ҳам ўзгарди,
Юракда минг аlam дарди,
Хузуримда кулолмассиз.

Ёмир ёвар бўлиб бир дор,
Дарё бунча бўлди белор,
Вафосизлар бунча беор,
Дил торини улолмассиз.

Ўтиб юрманг кўчамдан ҳам
Уйку учган кечамдан ҳам
Даркори йўқ сиздай ҳамдам
Биз томонга келолмассиз.

* * *

Мен аниқ биламан энди келмассиз,
Келар йўлингизга тош отиб бўлдим.
Изларимдан яна учиб, елмассиз,
Сизга кайрилмасман тош қотиб бўлдим.

Билтаним шу айни хисоб-китоблар.
Бир кун сизни шартта қиласи тамом.
Энди тингламасман сохта хитоблар,
Тошга айланганман бўлмайман сомон.

Менинг кон бағримда ўсган кизил гул,
Дунёнгизни қилур бир кун кип-кизил.
Тош юрак ичиди сайрайди булбул,
Бирор сиз томонга бурмасман юзим.

ХАЙРОНЛИК

Сиз чалаётган найга айлансан,
Лабларингиз кетмасми куйиб.
Осмондаги ойга айлансан,
Бегоналар қолмасми суйиб.

Сиз ўтган йўлларга айлансан,
Сиздан қолиб кетмоқлик оғир.
Бор-эй, деб чўлларга айлансан,
Куйсангиз чидамас хеч багир.

БУ ИШҚ

Бугун излаб кўнгил, кўнгил рохатин,
Дашту биёбонда куйди товоним.
Шу ишқ экан асли кўнгил офати,
Осмоним ёритмас моҳи тобоним.

Билолмадим унинг недир нияти,
Энди менга ҳамроҳ қазойи ишқ.
Ўзгаради шунча тез кайфияти,
Йўл ярмида мен ҳам сазоий ишқ.

Дилим осмонининг фирузаси у,
Унга қарамасам синади хилол.
Шароби қалқиган ишқ кўзаси у,
Унга лабим тутсам дудогимдир ол.

Бу ишқ гохи менга кийдиради зар.
Садоқатим учун берганича тан.
Бир кун ғами билан дилимни безар.
Менинг юрагимдир шу ишкка ватан.

Бу ишқ сўзлатади минг лаҳжасида,
Мен ҳам ёд киламан мингта күш тилин.
Баъзан соғинч, алам исканжасида,
Ўзини осади бечора дилим.

Мен уни сўзласам, сўзим бўлар бол,
Ҳар лаҳза кўзимда унинг суврати.
Унинг орзуусида топаман икбол.
Тоғдай ўсаверар ишкнинг қурдати.

ҚАЙРИЛСАНГИЗ

Қайрилсангиз минг-минг киэлар соч тарайди,
Ки қайдаки күнгли осмон пастига тушар.
Қайрилсангиз қошингиздай кош қарайди.
Тогда учган охулар ҳам қасдга тушар.

Қайрилсангиз кирк бўлакка бўлинар жон
Кизил гулдай юзларимни ловуллатар.
Қайрилсангиз томиримда гупурар кон,
Кўнглимдаги дарёимни шовуллатар.

Қайрилсангиз киприкларда томчи пайдо,
Юлдуз бўлиб тўкилади пойингизга.
Ҳамма сизга мендай мафтун, мендай шайдо,
Бир кун ўзим айланаман ойингизга.

Қайрилсангиз жон кетади тиэларимдан,
Кошингизда хушларимдан айриламан.
Кўклам гулин сепиб ташлар изларимдан.
Мен тайрилсам кўйингизда тайриламан.

Қайрилсангиз тўртта фаслим кўкламники,
Ҳаммасини тикдим сизнинг довингизга.
Етмиш минглик тилак сиздай ўқтамники,
Омад бўлиб дўнадирман овингизга.

ОСМОН

Осмон, бунча йиғлайвердинг кўзингда ёш,
Ёмирингдай тўкилади менинг дилим.
Кайда колди кўксингдаги олов қуёш,
Энди қачон очилади менинг гулим.

Осмон қачон очилади юлдузларинг,
Кўзларимни тўлдиради ой шуъласи.
Токингдаки ой ухлайди кундузларинг,
Хофиз дунё бошлиб қолар ашуласин.

Осмон сендей йирлоқидир менинг кўзим,
Соринчларим тўкилади бўлиб кўл-кўл.
Осмон, дилим осмонликда сенинг ўзинг
Йиғламаса бутун дунё бўлади чўл.

Осмон ерга оқаяпсан томиб-томиб,
Сен тупрокни севасанми жон-жонингдан.
Дарё бўлиб чопаяпсан ўзинг ғолиб,
Севаман деб кўнглим чопар ўнг ёнингдан.

Осмон бўлиб йиглайверар менинг дилим
Атиргулга айланади бир кун гилим.

ЯНА

Сиз билмас дунёларга
азиз меҳмонман яна,
Куйганга сув тутгувчи
ташна мешкобман яна,
Хотамнинг кўлидаги
тоза эҳсонман яна,
Хижрон ўтида куйиб,
куйиб сомонман яна,
Бирорнинг кўчасида
ранги сомонман яна.

Ўт бўлди сўнганларим,
киприкларимда ёш бор,
Кулманг сўздан адашсам
хәёлимда бебош бор,
Кечаларим ёритган
кўксимда бир куёш бор,
Бирорнинг кўчасида
ранги сомонман яна,
Бир ширин сўзи учун
яна курбонман яна.

Тунда юлдузга ошно,
кундуз уни изларман,
Излаб топмаган замон
хәёлини сизларман,
Софинчига бош қўйиб,
софинчига тизларман,
Бир адашган кўнгилга
қайта сарбонам яна,
Бир киё бокишига
яна курбонам яна.

Куйиб, ёниб кул бўлдим,
кўнглига йўл топмадим.
Куидиму сахросида
бундайин чўл топмадим,
Кўл, кўл, бўлди кўз ёшим,
тоза бир кўл топмадим.
Бу ишкнинг сахросида,
куйиб омонман яна,
Бироннинг кўчасида,
ранги сомонман яна

ТЎЗИМ

Етти иқлим соғинчиман
етти иқлим гули ўзим.
Гар вафода ул шоҳ эса
сабрсизга бўлгум тўзим.
Менинг ёқам чок-чокдир
дилим кушлари халокдир.
Агар вафо сўрар эрса
шохисидан ўтар бўзим.
Кўнгил ғуборин ювмолка
етар кўзимнинг ёшлари.
Кулиб қиё бокар эрса
чашмага айланар кўзим.
Дил осмонин юлдузи ул
ойи ўшал вафоси йўк.
Минг сўзонга минг дарс эрур
у келганда айтар сўзим.
Шовқинламай окур дарё.
ой жамолига маҳлиё.
Тунларим ёришгайдур
гар келсалар кўрар кўзим.
Етти иқлим соғинчиман
етти иқлим гули ўзим.
Вафосиздан вафо кутган
Дилбарга сиз тиланг тўзим.

МУХАББАТ

Сени излаб келар баҳор келади ёз.
Сени күрсам борлиғимдан тараптар ноз
Ишк ўтида ёнаман боз, күяман боз
Пешонанғта ёзилған шу мұхаббатман.

Чаман ичра қадам күйсанғ гулман ўзим,
Сахар чоги қулорингда сайрай ўзим,
Кетар зэрсанғ еру күқдан топай ўзим,
Пешонанғта ёзилған шу мұхаббатман.

Күклам келса күңгил бори кетар гуллаб,
Секи эслаб қиэйл гулта күяман лаб,
Софинчимни әртак килдим күйлаб-күйлаб.
Булбул бўлиб сайратган мұхаббатман,
Пешонанғта ёзилған шу мұхаббатман.

ЧИДОЛМАСМАН

Бу бошимда яна қанча
ситам борки билолмасман,
Сув бетида қалкир гүё
олма каби илолмасман.

Юрак бағрим пора қилди,
лолаэрга айландим то,
Тоғу тошлар ноласидан
күзларимни юмолмасман.

Осмонимдан юлдуз ёғар,
ёғар қошим остидан,
Лаблар куяр, лабга алам
бармоқ билан силолмасман.

Дилим ёнар бу оташда ул
оташдоним күйдирад,
Жонимдан ортиқ сурман
унга қаҳр қилолмасман

Ситамлара бу жон садқа деб
жон тутиб турар Дилбар.
Аммо васли ёлронига
бундан ортиқ чидолмасман.

ИШКИНГИЗДА

Бу дунё соринчга бир бозор бўлди,
Кўнглиминг толгани шу озор бўлди.

Интизорингизман бир киё бокинг,
Хажрингизда ҳамма Сизга зор бўлди.

Наҳот кипригингиз тўсади мени,
Узун соchlар бугун сизга дор бўлди.

Суйиб олқишлийман мен ҳам шу замон,
Найлай киё бокиш сизга ор бўлди.

Товонимда тўла хажр тикони,
Изингизда юрган йўлда хор бўлди.

Сиз қуёшдай балқинг яйрасин дилим,
Билмасангиз билинг, дил анор бўлди.

Сўзон дилим билан бош олиб кетдим,
Сизсиз бу дунёлар менга тор бўлди.

Бир бор бўлиб, бир йўқ бўлиб коласиз
Ишкингизда Дилбар куйиб бор бўлди.

УНУТГУВЧИ

Унутгувчи ўшал раъно ўтда
ёнгувчи мендирман.
Хар лаҳзани остонада кутиб
жафога тенгдирман.

Юлдузларнинг савдосини,
хусндор ой равносини,
Ишқ деган у таҳкосини
дилда асрраган сангдирман.

Кўнгилнинг гул бояларида,
гулга тутиб гул кўнглимини,
Булбулларни тилмоқ қилиб,
яна ахволи тангдирман.

Фирокидин забун холим,
ёр бунчалар бўлди золим,
Халоватдан асар йўқтур,
фирок даштида санирман.

Ибтидойим шул ўт эрур
интихойимдур кутмоклик.
Мен ўтманки, сўзон дилга
оҳанги шўх жарангдирман.

Оёғи остида гардман,
бўлур бир кун бунинг акси,
Дилбар куйдирмоқ бобида,
оҳ устаси фарангдирман.

ЁР ТАМАННОСИ

Аё, жоним ёнар ўтда
куйдирди ёр таманноси,
Лабларининг зарби бўлмиш
жаҳон булбулин савдоси.

Тушуб савдолари бошга,
яна келмиш алам қошга,
Кўзим тўлдирдику ёшга
муҳаббатнинг бу сахроси.

Кутубдирман кеча-кундуз
висолидин умидвор дил,
Бўлиб келмиш қачон эй, воҳ
асл умримнинг маъноси.

Олиб дарёю денгиздан
кўзим осмонида акси,
Танамда ўт, кўнгил шоҳдир
тушиб ҳажрининг яғмоси.

Тилаб дийдори ошиклик
учиб кўқда самандардек,
Олиб тўрт фаслидин озор
мани гангитди равноси.

Ҳакамлардан сўрар эрсам,
деди куймок бир олий баҳт,

У тақдири илохийнинг,
ошиқ кўнглига савроси.

Енар дилга андин ўзга
одили ишқ йўқ оламда,
Анга мафтун яралгандир
Дилбарлар дилрабоси.

ДИЛЛАШДИМ

Ит тинади, тинар қушу қумурска,
Менинг бошим чикмас қайғу-юмушдан.
Кўнглим тўлиб-тўлмай ўтар турмушдек,
Кун кўрмаган аёлнинг бардошиман.

Гоҳида дарахтлар билан тиллашдим,
Бедилни ўқидим, қайта диллашдим.
Қайда кўнгли яра топдим бирлашдим,
Бу ғамли дунёнинг ғамли бошиман.

Сўзон дилим билан тилимни тишлаб,
Хайкириқ сасини баъзан хаспўшлаб.
Булбул овозини минг бора хушлаб,
Соринчга тўқилган кўзнинг ёшиман.

Минг йиллаб чанқаган сахроманки зор,
Гулоб сўрагани ор киламан ор.
Бошимда Машрабдан колган кўхна дор,
Куриётган сойнинг ташна тошиман.

Қилган ибодатим мени кўтариб,
Ишким иморати гуллаб-кўкариб.
Элга итоатим қилдим ўткариб,
Турон аёлларин бир сирдошиман.

Бу хоргин йўлларда хоридим-кетдим,
Музлаган қор эдим эридим-кетдим.
Кадр кунимда Муродга етдим,
Болаларга бокинг кўзи қошиман.

КАЧОН

Кунларимнинг умри тугар гўё шам,
Бевафо лаҳзалар беради фириб.
Ухлай десам узун киприкларим нам,
Сўнг, соғинчларингиз келар бостириб.

Менман деганларга қарамай кётдим.
Сира ўшшатолмай сиёкингизга.
Бир умр, бир умр, бир Сизни Кутдим.
Қандайлар чидайман фирокингизга.

Менинг таъбим эди гулданам нозик,
Сиз эса ҳамиша эдингиз хуштаъб.
Дилимга дунёни ишқини ёзиб,
Такдир пешонамда чалади хуштак.

Бир гулдай эъзозлаб, суйиб қучдингиз,
Гулларга тўлдириб қучокларимни.
Мен кўрмас томонга караб учдингиз,
Ўтини ўчириб ўчокларимни.

Деразадан кирса ўйноқи шамол,
Сиздан хабар дея ҳилпирап парда.
Кийнайсиз тушда ҳам кўрсатмай жамол,
Уйронаман Сизни кутиб сахарда.

Бу дунё соғинчдан иборат экан,
Соғинчга берибман Сиз булбулимни.
Билмадим биэ учун кўриш бормикан,
Таблага кулфладим дил дулдулимни.

Барглари тўкилган дарахтлар мисол.
Рўмолим бошимдан сиргала бошлар.
Узуклар ечилар илохий тимсол,
Мен ечган жуфт кўзли сиряда ёшлар.

Узуксиз барморим колди яланюоч,
Уятдан кизариб тирноригача.
Қачон, бўғотида сайрар қалдирюоч,
Қачон, кўнглим тошар кирғоригача.

ҮТКИНЧИ

Дарахт учидаги япрак бўлсанг ҳам,
Гўё сен ҳаммадан оппоқ бўлсанг ҳам,
Зўрлик бобида ҳам бир-тоқ бўлсанг ҳам,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Шоҳ Искандардай ҳам эмассан шаксиз,
Хуснда Юсуфман демассан шаксиз,
Дунёга икки бор келмасдан шаксиз,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Сиртинг ялтирою ичинг қалтирок,
Қайси бир ҳолингта қиласан фирок.
Сенинг йўлингда ҳам турар пулсирот,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Нафсинг борар кундан-кунга каттариб,
Ҳисобин ололмас бозор аттори.
Гунохларнинг бўлмас бундан баттари
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Бахт қуши ҳам нодон, асли ўткинчи,
Гар бошинга кўнса шоҳдир ўтинчи,
Ўтинчидай бузма ҳамманинг тинчин,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

АЛМАШДИМ

Энди йиғламайман нола қилмайман,
Синиқкина кўнглим вола қилмайман.
Дардларимни тўкиб жола қилмайман,
Алвон кўйлагимни ғамга алмашдим.

Ғанийлар йўлимда бераверар панд,
Тойишимни кутар тик турсам харчанд
Ахволимдан кулиб бўлолмас хурсанд,
Боримни тик турган дамга алмашдим.

Дунёдаги дили бойлар яқиним,
Юлдузга чўмилган сойлар яқиним,
Боғларни гуллатган сойлар яқиним,
Бугун кўпларимни камга алмашдим.

Үтар-кетарларга сира вактим йўк,
Мендан қарз сўраманг шу дам нақдим йўк.
Ўйнаб-кулмоқликка сира хаққим йўк.
Барин қалам билан шамга алмашдим.

СЕНИНГ ЙЎЛИНГ

Сенинг йўлинг бошқадир,
сенинг йўлинг айри йўл,
Сенинг дилинг ғайридир,
юрар йўлинг вайри йўл.

Итоатинг ёлғондир,
ибодатинг ҳам ёлғон.
Сенинг хийла найрангинг
ота-онангдан қолғон.

Шикоятинг кўп бунча,
юрагингда тугунча,
Фийбатларинг тилингда,
чайналасан ўлгунча.

Сенга дуч келган борки,
хасратидан чанг чикар,
Хар сұхбатингдан кейин
даҳанаки жанг чикар.

Факир учраса отда,
отида ҳам талайсан,
Бойнинг эшигидаги
ялорини ялайсан.

Ўлгунча диморингдан
курт, қумурса тушади,
Боғингдан ҳам ўзингдай
зор, зағчалар учади.
Ўлганингда яқинлар,
хайрият деб тўкар ёш,
Сендан кочиб кетолмай,
ёрилади қабртош.

КЕТАРМАН

Мен бугун хузурингдан
карахт бўлиб кетарман,
Шохлари синдирилган
дарахт бўлиб кетарман.
Сенга дуч келмасликка
бир аҳд бўлиб кетарман,
Ҳақиқат йўлидаги бир
шахд бўлиб кетарман.

Кетарман айриликтининг
отларига мингашиб,
Мевали дараҳт каби
кадим борар энгашиб,
Фийбатчилар турарлар
мен ҳақимда кенгашиб,
Кетарман, ўлтирумайман
тенгсиз билан тенглашиб.

Сендан юқкан гардларни
кокиб кетиб бораман,
Аламларга дилингни
ёкиб кетиб бораман,
Сендан эски матоҳни
отиб кетиб бораман,
Музаффар кунларимга
шошиб етиб бораман.

УНУТИШ

Бугун Сизни эсламайман йўқ,
Бор вактни ишларга бўламан.
Қишлоққа кетаман кўнгил тўқ,
Болалик завқига тўламан.

Хаёл қочар, қочар Сиз томон,
Мен айтаман хотирам ёмон,
Хаёлимни сақлаб согомон,
Эсламайман Сизни бу замон.

Вакт дегани бунчалар кайсар,
Кимга зарда қиласи кимга?

Лат егандай сёғи оқсаб,
Сизни солар яна эсимга.

Шамолларга тутиб юзимни,
Қайта эсламайман унутаман боз.
Ранглар аро боккан күзимни,
Киприкларим тұсарлар сарбоз.

Күзлар сотқин Сизни излайди,
Кетиб қолар бебош хаёлим,
Кулокларим сизни тинглайди,
Тилим Сизга асрайди болин.

Хожасини танимаган деб,
Танбек берар дукурлаб юрак
Бор вужудим ўзга берур зеб,
Билмам қандок чидамоқ керак.

ХАВОТИР

Дили мертик бола ўстирганим йўқ.
Арслоним деганман, куён демасман.
Мен борманки, унга хеч ким урмас дўй.
Жондай асрагайман, гирён қилмасман.

Бир кун келиб ўғлон шухратга ботар,
Шавкатли элимнинг шавкатин асраб.
Бугун кийинчилик азобин тортар.
Покиза юзига кетар лой сачраб.

Болам кетиб борар ташқари совук,
Кийган кийимлари нимдош, юпқарок.
Тонгти дуоларим қылганча совут,
Тенгдошлари ичра тўлиб, яркираб.

Боламнинг ўйлари ўзи каби соғ.
Хозир яхшиликка дуч келаётир.
Дўст-душманга доим тилайман инсоғ,
Дилда адашмасин деган хавотир.

ВАТАН ДЕБ

Момоларим хидлаб мени хуш кўрар,
Боболарим учиб юрган қуш кўрар,
Болаларим бир кун келиб юрт сўрар,
Мен асов дарёман, кишанларим йўк.

Хаёлда ўпаман кўжнинг токинни,
Ва гулларнинг қизил, пушти, окини,
Орзулаб силадим қуш қанотини,
Кушга айландиму, учолганим йўк.

Яна алдайверар ошим еганлар,
У кун сўзларимга олкиш деганлар,
Сал ҳорисам шўрлик, бойкиш деганлар,
Алдамчи дунёда ишонганим йўк.

Дардимни тоғдаги бир тошга ёздим,
Юрагимни кекса ё ёшга ёздим,
Дастурхондай шамол-бебошга ёздим,
Айтган сўзим борки, ҳеч тонганим йўк.

Тоғлар бошин баланд кўтарар кўкка,
Мулки Турон деса тушаман чўкка,
Ўзимни ураман минг хил ўт-чўққа,
Барibir Ватан деб ёнолганим йўк.

ЁДИМДА КЕТАР

Софинчларим гулда, гиёҳда кетар,
Қоғозга ёзмасам сиёҳда кетар,
Ариқ бўйидаги қиёқда кетар,
Сенга айтолмаган гапимда кетар.

Ёмир шивирида менинг овозим,
Шамол қанотида айтилди нозим,
Дардим кўтаролмай синмокда созим,
Сендан сир тутганим хатимда кетар.

Настарин,райхонлар бўйин изладим,
Изингни излаган менинг изларим,
Гувоҳлик беради дала-тузларим,
Сени ёдламаклик ёдимда кетар.

Билсанг мен ҳам асли замон зайлыман,
Умринг баҳор эттан күклем сайлиман,
Мажнунни бўзлатган ўша Лайлыман,
Сенинг ишқинг менинг додимда кетар.

Билмассан дунёга келдим ахтариб,
Бу дунё сенингсиз бўладир ғариб,
Ёз, куз оловида япроқ сарғайиб,
Дилбар бону деган стимда кетар.

МАКТУБ

I

Дўстим, яшаяпман гуллар шаҳрида,
Гўзаллик дегани бу ерда мил-мил.
Тош шаҳарга кетиш аҳдида,
Мени уйғотади ҳар сахар кўнгил.

Шу гулларни шартта ташлаб кетолмай,
Кечикдим йўлларда колдим ушланиб.
Тўрт фасл ҳисобин тугата олмай,
Шафқатсиэ замонлар турар шодланиб.

Яна олислардан келади насим,
Қанотида олиб хушхабарларни,
Яна кўшилолмай туради насиб,
Чаманлар тутади мушк анбарларни.

Биламан бир куни шундай бўлади.
Гул ёшимда гулга тўкким ёшларим.
Бу бебош гулларим бир кун сўлади,
Тош шаҳарда кутар содик тошларим.

II

Дўстим, боролмадим яна алдадим,
Факат Сизни эмас ўзим-ўзимни.
Дараҳтдай ўсади дилимда дардим,
Соринчлар ювади ҳар кун юзимни.

Шавқатсиэ оломон даврадош бўлиб,
Бир-бирларин кўзин чўқилайдилар.

Юрак ҳам қоларкан бебардот бўлиб,
Кўзимдаги дардни ўқимайдилар.

Яхши-ёмонликлар кетар чалкашиб,
Баднафсга дедим, бўлди ҳей кичрай.
Дунёни ямлайди яна баднафс,
Майдалашиб кетдим, майдалар ичра.

III

Дўстим, балки бугун мотамсароман,
Кўйлагимни анча одмисин кийдим.
Акли нокислардан дили яроман,
Калхатнинг олдида тилимни тийдим.

Бахоримдан кечдим, бердим ёзимни,
Сўз демай боримни кузларга тутдим.
Биронга айтмадим, кўнгил розимни,
Дардимни ҳам дала-тузларга тутдим.

Мен томон тош отиб, чапладилар лой,
Кўксимдаги ўтдан чақмок чактирдим.
Юзларимга нурин тўкаверар ой,
Ойдек яркирамоқ менинг такдирим.

IV

Дўстим, тинчликми деб сўрайсиз яна,
Ҳа, дейман мингта ит таталаб ичим.
Ҳакиқат бир куни қилур тантана,
Ҳозирча мен жимман, ҳакиқат ҳам жим.

Сиртимда куламан кўнглингиз ҳушлаб,
Синпкориб ичганча ғам бодасини
Синчалак осмонни тургандай ушлаб,
Софиниб яхшилик шаббодасини.

Ичимга ютганим аламлар бир кун,
Ҳакка еткаради, ҳакдор қиласи.
Холик берган риским кийилмас бутун,
Иллоҳ душманимни бедор қиласи.

Бир кун топилади одил бир ҳакам.
Ҳозирча душманим турар вангиллаб.
Дунёси соврилар, топганлари ғам,
Юз тубан ётади, юрак чангллаб.

СОФИНЧ

Наманганда юрсам хаёлим унда,
Юмушларим битмас, ишларим чала.
Айрилик бошимга тутади кунда.
Софинчнинг кулиман бир йўла яна.

Бузила бошлиайди хар қандай тартиб,
Лаҳза, дакикалар имиллар бунча.
Кўзимнинг ёшини софинчга артиб,
Тугила бошлиайди яна тугунча.

* * *

Мен яна Машрабман яна йўлдаман,
Фарёди зурман дунёи дунни.
Одамзот оёғи етмас чўлдаман,
Саҳроларда топдим Кайсни—жунунни.

Дарёлардан ўтдим, тоғлардан ошдим,
Машрабнинг кулохи бошимда мени.
Кимки ҳак йўлида эргашдим, шошдим.
Севинчлар тўкилди ёшимда мени.

Жаҳоннинг дашти-ю, ёбонларида.
Илон, чаёнларинг мунча кўп ё раб?
Шунча нишу, тикан товонларида.
Намангандан кетган бечора Машраб.

ОШИКМИДИМ

Айтинг айрилик деб мен шошибидим,
Хижрон довонидан мен ошибидим.

Дилимда ҳаммадан пинҳон асралай,
Ўзгалардан ошкор талошибидим.

Ўз кўнглимни ўзим шодумон этиб,
Сизга аламларни қалошибидим.

Кеча, бугун айтдим, эрта айтаман,
Исмингиш унугтиб фаромушидим.

Ишқингиз шароби этди мастона,
Бегона майидан ё тотибмидим.

Сизни демай Диљбар хеч тошибмидим,
Сизни куйламасдан мен ошикмидим.

СҮНГ СҮЗ

Мунира Мұхаммадиева хатирасыға

Хўқанди латифнинг латифи менман,
Мунирахон Хотам, хотамий ўзим.
Яхшилик сўзининг котиби менман,
Минг хил тўзонлардан соф ўтган сўзим.

Қийин-қийин кезда кийилиб кетиб,
Қалдирюч қаноти эгилган менман.
Кўзимнинг ёшлари баримга етиб,
Ноҳақлик комида эгилган менман.

Хеч кимга бермадим болаларимни,
Илмга интилдим нурга етдим мен.
Наргиза, Улуғбек нолаларимни.
Нодира, Шерзодим дилга битдим мен.

Уларни ўстирдим, тишимида тишлаб,
Кипригим сояси улар учундир.
Улар улрайдилар баримни ушлаб,
Уларнинг камоли душманга хундир.

Гулдай ўстирганим, гул фарзандларим.
Биламан, хок пойим ўпид яшарлар.
Элимга хизматкор асал-қандларим,
Ватан тинчлигини асраб яшарлар.

Хўқанди латифнинг латифи менман...

ОГОХ БЎЛИНГ

Бу йўллардан доно, нодон ўтади.
Бири ғамгин, бири шодон ўтади.

Турфа ниятлилар мудом ўтади,
Огох бўлинг, дўстлар, огох бўлинг.

Одамнинг оласи ичида агар,
Қилар иш, ниятинг юз тутса магар,
Ёмон яхши бўлмас бошдан қўйинг зар,
Огох бўлинг, дўстим, огох бўлинг.

Билиш осон қассоб кассоблигини,
Каззоб сир тутади каззоблигини,
Билинг, ёмон ҳамроҳ азоблигини,
Огох бўлинг, дўстим, огох бўлинг.

Ким яхши сўз деса ишонавердим,
Ҳижрон кўчасидан тиконлар тердим.
Дилни бу кун фактат Ватанга бердим,
Огох бўлинг, дўстим, огох бўлинг.

Ватан бизникидир сирмори билан,
Дарёлари, сойи, ирмоги билан,
Кимлар келаётир қармори билан,
Огох бўлинг, дўстим, огох бўлинг.

Бизга тош отилса бағри қон Ватан.
Унга тош отилса, бизга бўлур тан.
Душман чиқмаса бас, бас ичимииздан,
Огох бўлинг, дўстим, огох бўлинг.

ЭХТИЁТ

Илоннинг касбидир заҳар солмоқлик,
Чаённинг одати чакиб олмоқлик,
Ёмоннинг ҳар сўзи бўлар илмоқлик,
Яхшилар улардан бўлинг эхтиёт.

Ҳайрон бўлманг, қандай замон бўлади.
Дунё талашганга тамом бўлади,
Ёмонликни юзи сомон бўлади,
Яхшилар унгача бўлинг эхтиёт.

Ённингиздан балки кулиб ўтади.
Ё ит каби хуриб, улиб ўтади.

Ё юзига парда илиб ўтади,
Яхшилар ҳар лаҳза бўлинг эҳтиёт.

ЁРИММИДИНГИЗ

Кўринмайсиз. Сиз ўзингиз бориммидингиз,
Ё бошимга эрта ёқкан қориммидингиз.

Оҳ, дедиму кўкка боқиб, ёкамни тутдим,
Шоҳ Машрабдан колган ўша дориммидингиз.

Айриликлар дарди қаддим эгиб юборса,
Ғамларимни елкалаган нориммидингиз.

Дарё кечдим, гулзорлардан ўтдим битталаб,
Кўп зор кўрдим, ўшалардай зориммидингиз.

Жон-жаҳоним тутди гўзал наволарингиз,
Юрагимда чалиб юрган ториммидингиз.

Дилбар айттар Сиз ўзингиз бориммидингиз,
Бахоримни гулдай безанг ёриммидингиз.

ЯРАШГАН

Сиза бу оламда ёшлик ярашган,
Кўзи шахло, қалам қошлик ярашган.

Оtingизки тупрок кечмагай асло,
Йўл бўлса ҳам фақат тошлик ярашган.

Бўйсунмайсиз асло биз айтган сўзга,
Қайсарликда фақат бошлик ярашган.

Ишқингизни минг, минг адолари кўп,
Сиза кўнгилларга шоҳлик ярашган.

Дилбар кулиб, кулиб айлади савол,
Биза наҳот кўзи ёшлик ярашган?

ХОСИЯТТА

Кўнғироқлар қилиб, кўлим чарчамас,
Қайта-қайта ўтар йўлим чарчамас.
Манглайимда сахро, чўлим чарчамас,
Самарқандда колган хаёлим бордир.

Боғлар надир, тоғдан ўтиб бораман,
Дарёларни кечиб, кечиб бораман,
Бир дўст учун жондан кечиб бораман,
Самарқандда жону жаҳоним бордир.

Афросиёб менинг ҳайроним ўзинг,
Бибихоним дили вайроним ўзинг.
Хосиятим менинг сайдоним ўзинг,
Самарқандда ёлриз ниҳоним бордир.

Шоҳ Бобурнинг дилин накши бор диёр,
Улугбек осмонин, сўнмас акси бор.
Темурий юртидан кетмагай баҳор,
Самарқандга дилим изҳори бордир.

Темур боғларида ўсган сулувлар,
Зарафшон бўйинни кучган сулувлар.
Дилим кушларида учмай туринглар,
Мусофирингизни бир зори бордир.

* * *

Ҳамон ўтман оёғимни дорда,
Қадамиимни ўлчаб босмайман.
Ҳаёлларим олисда, ёрда,
Дарёман-у, бироқ тошмайман.

Ҳамон кулиб, ийғлаб бораман,
Дунё ҷалар сибизғасини.
Юрагимни тивлаб бораман,
Гоҳ тиндириб булбул сасини.

Йирлар эсам, кулдирап қуёш,
Бошдан сочиб бор зарларини.
Кулар эсам кетар бағри тош,
Ҳазон қилиб гулзорларимни.

Ҳамон ўтман, оёғим дорда.

НАМАНГАНЛИК

Наманганлик шаҳло кӯзи сузукларим,
Қўлларимда тилла, кумуш узукларим,
Қалбларида мұхаббатдан тузукларим,
Кўкламойни соринганим ўзингизми?

Наманганнинг дарёсида оккан гулим,
Сизни десам юрагимда меҳр лим-лим,
Ёр йўлида сайраётган шўх булбулим,
Бахоржонни куттган кўзлар, кўзингизми?

Наманганлик опаларим-сингилларим,
Сизсиз дунё бўлар эди кўнгли ярим,
Дунёларга алишмаган тилла-зарим,
Дил еритган ширин-ширин сўзингизми?

Узун, узун қишлиардан ҳам чиқдик омон,
Шамоллашу, совқотишлар энди тамом,
Сумалаклар қайнаётган бизнинг замон,
Сал қадди дол онажоним ўзингизми?

Наманганлик шаҳло кӯзи сузукларим,
Қўлларимда тилла, кумуш узукларим,
Қалбларида мұхаббатдан тузукларим,
Кўкламойни соринганим ўзингизми?

ЯНГИ ЙИЛ АЛЁРИ

Арчаларим кордан оппок либос кийди,
Тоғлар ичра она кийик яна ийди,
Сор бургутим осмон узра яна бийдир,
Табнатга дилдош бўлиб кел янги йил.

Қўркок бола ватан учун бўлур рорат,
Зилзилага дош бермайди бўш иморат,
Яхшиликдир тарбияга бир ишорат,
Яхшиларга йўлдош бўлиб кел янги йил.

Қамчи зарбин тиламасин от қўйруғи,
Қўлларингда бўлсин факат баҳт уруви,
Омад ҳақда бўлсин сенинг бор буйруғинг,
Ёшлар ичра курдош бўлиб кел янги йил.

Йиқилганга суюнч бўлиб, кувват бўлиб,
Адашганга баҳт, иқболдан суврат бўлиб,
Қадрсизга кадронлик, кудрат бўлиб,
Бардошсизга бардош бўлиб кел янги йил.

Эски йилим кетиб борар тарих бўлиб,
Соғинчларим сочилилар тарик бўлиб,
Кўнглим тураг аlamлардан форик бўлиб,
Садокатга сирдош бўлиб кел янги йил.

Байрамларим ичра сенсан сен бошқача,
Сени кутар етти ёшдан етмиш ёшгача,
Шодлик униб, улрайсин ол қуёшгача,
Яхшиликка қўлдош бўлиб кел янги йил.

Дунё бўйлаб урушларнинг оти ўчсин,
Ёмонлардан из қолмасин зоти ўчсин,
Кутаяпмиз кувончларнинг тоти учун,
Тинчлик билан юртдош бўлиб кел янги йил.

Менинг кекса онам ҳакки, отам ҳакки,
Оккан дарё оқаверар айтиб, қалкиб,
Муруватли бўлиб келган ўзбек ҳалки
Муруватнинг буловини оч янги йил,
Мехрларга тўлиб тошиб кел янги йил.

ШАҲАНД

Сирдарёнинг гулдираши яқин, яқин,
Синик, синик кўнгилларда чалиб чакин.
Битта ишкки ҳижронларнинг берар ҳакин,
Юрагимга гул исини солдинг Шаҳанд.

Бундан ўтган Бобур Мирзо от ўйнатиб,
Овга чикса гоҳ кирровул, тулки отиб,
Илк ғазалин шунда битган киз бўйлатиб,
Аксига гул оқизишдан тондинг Шаҳанд.

Эли жўмард, меҳмоннавоз экан бунча,
Хавоси соз, бояни экан бунча,
Ҳалволари ширинн-шакар экан бунча,
Ширинликда элга машхур бўлдинг Шаҳанд.

Хуш келбатли йигитлари мард бўлади,
Сулувлари оналика шарт бўлади,
Кимки келса ишқ дардига гарқ бўлади.
Эртаю кеч хаёлимни олдинг Шаҳанд.

Жарчиларим жар солингиз бор овозда,
Хаёлларим бири ўрдак, бири розда,
Муғанийим чалиб айтинг гўзал созда,
Мингта дардга даво бўлдинг, жоним Шаҳанд.

НЕЧАДА ЁШИНГ?

Наманганнинг ярмига тенг Поп,
Наманганнинг тўнига енг Поп,
Теграсидай кўнгли ҳам кенг Поп,
Кентлар ичра қадимий кент Поп.

Нечада ёшинг?

Яйловида ўтлайди той Поп,
Попук-попук кизлари ой Поп,
Юрагидан ўтади сой Поп,
Қозонию чўмичи мой Поп.

Нечада ёшинг?

Қилар ишни даст қилган Поп,
Фаним қўлин паст қилган Поп,
Хитойни ҳам маст қилган Поп,
Яхшиликка қасд қилган Поп.

Нечада ёшинг?

Фозиллардан сўрайвергин Поп,
Ёшингни айтсинлар бобма-боб,
Неча минглар этарлар хитоб,
Офтобдай кўз олаётган Поп.

Нечада ёшинг?

ТИЛАК

Хидладим, унудим саргайибди ох,
Умри калта гулим тўкилди ногоҳ,
Суянчим, дўстларим бўлингиз огоҳ,
Хеч ким тўкилмасин каторимиздан.

Түкилса дарахтдан мева түкилсин,
Осмон этак йиртиб, шабнам түкилсин,
Хар куз майли барги хазон түкилсин,
Бевакт түкилманг дўст, қаторимиздан.

Мехр бизга мерос одам атодан,
Муруват қолгандир момо ҳаводан,
Мухаббат түкилур қўшиқ, наводан,
Хеч ким түкилмасин қаторимиздан.

Худодан сўрайман эрта-кеч ёниб,
Онамни асрарин яшай инониб,
Бу яримта кўнглим меҳрига қониб,
Хеч ким түкилмасин қаторимиздан.

ҚАЙДА ЭДИНГИЗ?

Кунлар санорида адашдим, кетдим,
Ҳижрон хузурида ойлар чалкашди,
Йиллар хисобида мен яна шошдим,
Сиз қайда эдингиз?

Кўқдан олиб берар ойингиз ҳайрон,
Тоғларнинг бошида турари жайрон,
Йиллар ҳисобида мен яна байрон,
Сиз қайда эдингиз?

Кўзим ёшга тўлди, ёш бўлди кўксим,
Сўзсиз яшайвердим ўксиниб, ўксиб,
Бошим тошга тегди, тош бўлди кўксим,
Сиз қайда эдингиз?

ДАРАХТНИ СИЛКИТСАК...

(Йигит айтар сўз)

Дарахтни силкитсак, кизлар тўкилгай,
Аммо, дил тўрида ойим ўзингиз,
Ҳаёт қизик, кимдир тутар бизга май,
Аммо, ўй-хаёлим доим ўзингиз.

Бу ёруғ жаҳонда гўзаллар кўпдир,
Ип эшолмас алар қошларингизда.
Сизнинг хаёлингиз менчун ғиркўклир.
Минг бор фидоман кўз, қошларингизга.

Баҳорни сориндим ёзлар ичинда.
Сиз-баҳор саломга олмайсиз алик.
Телба деб куласиз нозлар ичинда,
Сиздан бизга мерос фақат телбалик.

Дарахтни силкитсак, кизлар тўкилгай,
Сиз деб кўнгил чоки ҳануз сўкилгай..

САЛОМАТ БЎЛ

Ёмонликни нафи бўлмас.
Яхшиликка иноят бўл,
Бир кун ҳеч ким кафил бўлмас,
Уз қалбингга хидоят бўл.

Бу умринг йўлларида
Камтаринга шижаот бўл.
Шоҳ Искандар кўлларидаӣ,
Очиқ кўлга ижозат бўл.

Дунёни сув босса агар,
Хайрон турма, риоят бўл,
Бошингга тош ёғса агар,
Сабрли бўл, кифоят бўл.

Дунё ишқи ҳалок қилас.
Уз нафсингга қаноат бўл.
Сен қарорвинг дуо қиласай,
Эл қатори саломат бўл!

ЎЗБЕКЛИГИНГДАН

Мехнатга корилган бор зуваласи,
Мехрдан яралган элнинг боласи,
Тунни адаштирас қошин кораси,
Ўзим айланайин ўзбеклигингдан.

Соддалар ичидә энг содда ўзинг,
Мехнат дарсларида Фарходда ўзинг.
Пиёдалар ичра ғиротда ўзинг,
Мағрур яша, ўғлим ўзбеклигингдан.

Тўрт тараф тоғларки, тоғларга суян.
Гулзорлар бир ёну, боғларки бир ён.
Жаннат шунда деган сўзларга ион,
Мағрур яша, ўғлим ўзбеклигингдан.

Дала, дашт сеники, осмон сеники,
Будойинг сеники, сомон сеники,
Сарҳадлар сеники, замон сеники.
Айланайлик болам, ўзбеклигингдан.

БУ ДУНЁ

Бу дунё бозордир, бу дунё гардкам,
Бозорга солади ҳар ким молини.
Молин ёмон дея айтгувчи мард кам,
Мискин яширади ғарид ҳолини.

Бу дунё аслида ҳаммамизники,
Зиёдини бериб, камин оламиз.
Бозорларнинг тўри бетамизники,
Пойгакроқда тамиз билан қоламиз.

ШАҲАНДЛИК КИЗ

(Қўшик)

Битта киз бор кўзи сузук,
Бармоғида тилла узук,
Сувдан ўтдим аста сузиб,
Зор килдинг-ку, шахандлик киз.

Қошларида ўсмаси бор,
Белларида тасмаси бор,
Овозида гул саси бор,
Шахандлик киз, шахандлик киз.

Пари десам паризоддир,
Мухаббатдан ул озордир.

Кечә·кундуз дилда ёддур,
Шаҳандлик қиз, шаҳандлик қиз.

Мис күзадан сув тўкилар,
Этакларин ўпар дарё.
Юрак чоки ҳам сўкилар,
Бизга бокинг шаҳандлик қиз.

Кўйлаги оқ жонона қиз,
Тишлари дур афсона қиз,
Бу кўнгилга фасона қиз,
Зор қилманг ҳей, шаҳандлик қиз.

Ерни босса гул унади,
Севишимни ҳам билади,
Гапимга бир кун кўнади,
Шаҳандлик қиз, шаҳандлик қиз.

НОЗАНИН

(Кўшик)

Бошида тугунчаси бор,
Лабларида ғунчаси бор,
Изларида юрар баҳор,
Наманганлик нозанин қиз.

Йўлларида сойлар скар,
Қанча·қанча бойлар бокар,
Кўрсам кўзда чакмок чакар,
Наманганлик нозанин қиз.

Момосидир офтобайим,
Онасидир бир мулойим,
Кўнглимдаги ишқим, сойим
Наманганлик нозанин қиз.

Кўйлаклари атлас, шойи,
Барн қиздан ҳам чиройли,
Осмондаги тўлин ойим,
Наманганлик нозанин қиз.

Ўғлимга она бўлсайди,
Менга парвона бўлсайди,
Давру давронга бўлсайди,
Наманганлик нозанин киз.

ОМОН БЎЛСА

Омону́мла ақага

Хар чаманга, хар гиёҳга,
 мехрибон бир замон бўлса,
Ўзбекистоннинг бовлари
 сиزادай боғбонга кон бўлса.

Гўзалликлар диёри дил,
 унга ошноликлар истар.
Бу юртимда Сизнинг каби,
 йигит қоши камон бўлса.

Дўстим десанг, орам десанг,
 шохи белборли ёр десанг,
Хузурингда кулиб турган
 Сиздай бир жонажон бўлса.

Ҳамма орзу қилар эрди,
 дили шодликларга тўлиб,
Бир йигит шунча шухрат,
 яна шундай ошён бўлса.

Сиз чин дўстсиз, садоқату,
 вафо бобида танҳосиз,
Элдан олдин хол сўргайсиз,
 дўстнинг ҳоли ёмон бўлса.

Икки бешга яна бешлар
 йўлдош юргай дейди Дилбар,
Бобур юрти кўп гуллагай,
 таваллуди омон бўлса

* * *

Бахорни соғинсам ёғди дүл, ёмғир,
Күзимга лиммо-лим ёшни бердилар.
Бошим айланганда малҳам деб чөғир,
Гулга күл узатсам тошни бердилар.

Севги деб инонсам айрилик бархак,
Хиёнат гуллари бираң гуллади.
Фарёд урсам, бунча дунё деб ноҳак,
Дўстим сирларимни бир-бир пуллади.

Аламу ситамдан бу дилим яра,
Булбуллар ёд этур тонг фигонимдан.
Аҳли содикларим топмас қарқара,
Бедардлар ўтарлар, ҳар он ёнимдан.

Тонг деб кутган чоғим, келаверар шом,
Висолнинг ўрнига тутганча зорлик.
Бошимда тутганим омонат бу том,
Зилзилалар билан қиласар гуфторлик.

Душман ўқларидан елкаларим чок,
"Мен-сен"га ўтмогим гумон "сиз"ликдан.
Кодир Оллоҳ, дилим хузурингда пок,
Ўзинг асрагайсан иймонсиэлиқдан.



Янги шеърлардан

АСКАР ОНАСИ

Ўғил тукканларнинг савлатлари бор,
Ўғил ўсган уйнинг ҳайратлари бор,
Кўргони мустаҳкам, ҳайбатлари бор,
Сизни шарафлаймиз, аскар онаси.

Отасига айтинг, кувончга ботсин,
Бугун дўпписини осмонга отсин,
Ифтихор туйғусин таъмини тотсин,
Сизни шарафлаймиз, аскар онаси.

Сиз ўстирган ўғлон, эл суйған ўғлон,
Чегарада турад гўё бир қўргон,
Сизнинг дуонгизэдир унга зирх, қалқон,
Дуога қўл очинг, аскар онаси.

Қизлар соч тарайди йўлларида зор,
У келар кун бўлар, тўю ҳашам бор,
Ўша кунга элтар бу гўзал баҳор,
Кўз ёшингиз артинг, аскар онаси.

Кўз ёшингиз артинг, табассум қилинг,
Чопарга суюнчи олиб югуринг,
Тўйдан олдин шундай бошланар гурунг,
Биз сизни севамиз, аскар онаси.

ОНАМГА

I

Сочларингиз оппоқ гуллабди мунча,
Юзингизни мунча босибди ажин.
Кора кошлар ўрни нега тугунча,
Кўзингиз руборин топмадим важин.

Инжу тишларингиз ташлабди жойин,
Фунча лабларингиз сал-пал буришган,

Ёшлик деганлари бунчалар хоин,
Елкангизга чиқиб бунча уришган.

Оёк-күлингиздан куч кетиб борар,
Сим-сим оғриклари ортикча яна.
Күлингизда асо кулиб юборар,
Кочиб кетаётган ёшлик ортидан.

11

Вактим етмас Сизла қолишига,
Суянишга сирдош болишига,
Дардингизни бир дам олишига,
Болищчалик садокатим йўқ.

Эшикларин очилиб турган,
Ойналари сабони бурган,
Пойингизга гиламлар сурган,
Шу уччалик садокатим йўқ.

Узумлари тураг эгилиб,
Ёнроқлари муштдай тугилиб,
Шафтолоси ерда эзилиб,
Турган боғча садокатим йўқ.

Суянгани суяйди доим,
Гул чизади ўтса мулойим,
Сиздай бир кун суянар жойим,
Хассачалик садокатим йўқ.

111

Менинг бағрим лахча, лахча чўя,
Сиздан айро йўллар ураг дўй,
Бу дам бошка дарди, ғамим йўқ,
Дунёлардан кечманг, онажон.
Мени ташлаб кетманг, онажон.

Мен ҳам ҳали боламан, бола,
Кўксингиздан тўкилган лола,
Юрагимда ўсмоқда нола,
Ғам тўнини бичманг, онажон.
Мени ташлаб кетманг, онажон.

Изингизда ўсдим, улрайдим,
Сал адашсам, дердингиз дайдим,
Карисангиз қариб, саррайдим,
Захар-заккүм ичмай, онажон,
Мени ташлаб кетманг, онажон.

Кўзингизга нур бўлишим бор,
Белга қувват, юрсангиз викор,
Сизга кўл-кўп гапим, ишим бор,
Олисларга учманг, онажон,
Мени ташлаб кетманг, онажон.

АЁН БЎЛДИ

Кандоқ килай, дардим Сизга аён бўлди,
Фарид холим бутун элга баён бўлди.

Самарқанду Бухорода изингиз йўк,
Билолмадим, Сиз кетган йўл қаён бўлди?

Қошингиздай туташади узун йўллар,
Шошнинг йўли Сизни кутиб шоён бўлди.

Васлингиининг умидида мен йўл кутдим,
Сиз келар йўл соринчдай бепоён бўлди.

Қизил гулдай ловуллашин қўймас дилим,
Чаман куйди, булбулларга зиён бўлди.

Наманганга сифмай бу кун, йўлда Дилбар,
Сизга келиш ҳамонки ноаён бўлди.

КЕЛИНЧАГИМ

Тили бийрон, чакқонгинам,
Маҳалламга ёқжангинаам,
Ҳаё билан боқғангинаам,
Айланайин, келинчагим.

Гулим менинг, ғунчам менинг,
Юзлари ой, кулчам менинг,

Кора сочи тунчам менинг,
Айланайин, келинчагим.

Сен ўғлимнинг қувончи бўл,
Оилада суюнчи бўл,
Авлодларни уловчи бўл,
Айланайин, келинчатим.

Бир қизчалик – бахт сеники,
Тоза кўнгил – тахт сеники,
Гуркирамоқ аҳд сеники,
Айланайин, келинчагим.

КЕТМАНГ, ОНАЖОН

Кўзларимдан ёшмас, окар кон,
Каршиңгизда кичраяди шон,
Ёшлик кетиб боради сарсон,
Кексайдингиз бунча, онажон.

Боролмасам, ғамим ортади,
Дайди ҳижрон енгим тортади,
Софингингиз дилга ботади,
Дардлимиз бугун онажон.

Оқар дарё экан бу умр,
Бунча чақир тикан, бу умр,
Топганлари шикан, бу умр,
Ёлғизлатманг, мени онажон.

Қаҳри каттиқ бунча бу дунё,
Кўрганларим тушми ё рўё?
Тилим қонмен булбулигўё,
Сайролмайман бугун, онажон.

Бетобликка майли, чидайман,
Кексаликка этилган ёйман,
Сиз борсизки, ёшман, чиройман,
Менчун яшанг, кетманг, онажон.

ДАВОМИЙЛИК

Күш кокилим, болажонларим,
Дил кўкида чиқкан ойларим,
Эртам-кечим, хаяжонларим,
Лабларимда чалган найларим.

Орзуларим Сизда мужассам,
Армонларим ушалур бир-бир,
Сизни суйиб, кўнгил хушласам,
Унутилар минг хил иш, тадбир.

Биттангиизга бердим гул юзим,
Бирингизга уйкашдир отим,
Биттангиизда мағрур дил сўзим,
Биттангиизда хуш табиатим.

Жуфт-жуфтларим, кора кўзларим,
Сизга айтдим алла ва баёт,
Сизга бари ширин сўзларим,
Давом этар сиз билан хаёт.

ҚИЗИМГА

Тагли, тахтли қизим, иффатли қизим,
Юрган йўлларингда ифорлар қолар.
Биби Фотимадай сифатли қизим,
Сен кирган ҳар уйнинг чироги ёнар.

Тунлар ёришади шуълаларингдан,
Сочларинг супурги ёр учун гоҳо,
Алла айтганингда нолаларингдан,
Оддий бола ўсгай бўлгунча даҳо.

Сен шундай ўйлайсан, бешик тебратиб,
Кўзинг дарёсида ултаяр ўғлон,
Полвонларга ўхшар унинг келбати,
Оразу-умидларинг бўлар бир жаҳон.

Тонгги ибодатда болангни ўйлаб,
Дуолар қилишни ўргандинг яна,
Кўйлаги ер ўпган қизингга бўйлаб,
Калбингда гўзаллик қилар тантана.

Ўқтамлашиб борар ўғлинг товуши,
Қизингнинг сочлари ўримга кирап,
Ўзингни унутиб, бола овутиб,
Үн саккизинг кетиб, ўттизинг кирап.

Ўттизнинг ўтида куяди жонинг,
Үйим, болам дейсан яна жонсарак,
Бутунлашиб борар дилинг, имонинг,
Мехр кўрғонлари ўсади бешак.

Олтмиш-етмишингда кўзингда нурлар,
Бир ҳовли болага меҳрлар улаш,
Саксон-тўқсонингда қалбда ғурурлар,
Алла, эртак айтиб, сехрлар улаш.

Агар менинг кизим, орлигим бўлсанг,
Ҳар кимга кўрсатма аччик кўз ёшни,
Ўн саккиз йил олдин мен ногох ўлсам.
Кулиб кутавергин ўша юз ёшни.

НАМАНГАН

Донолари, зукколари жам-жам, Наманган,
Норин, сирдан белборлари там-там, Наманган.

Тўрт фаслга мезбон эрур бир ёз фаслида,
Чиройингни куйлар эсам кам-кам, Наманган.

Ёз фаслида соя-салқин жой излар эсам,
Фова, Нанай сойлари бор, кўркам, Наманган.

Ғалиб, полвон ўрлонлари овоза тутган,
Кизларининг ифратидин хуррам, Наманган.

Гирди улур тоғлар билан ўралган баланд,
Гулзори кўп, гул ишқида пурғам Наманган.

Кундан-кунга яшнаб борар, яшариб борар,
Таърифи зўр, олмалари хуштаъм Наманган.

Жамолингдан Машрабингдай девона Дилбар,
Эли хуштаъб, меҳмоннавоз, ўқтам Наманган.

КЕЛИН

Еру кўкка тўлиб кетди ёр-ёр, келин,
Шодлик ила айтилди юз алёр, келин.

Сиз босган из гулга тўлсин, нурга тўлсин,
Хонадоннинг хизматига тайёр келин.

Тўрт фаслнинг баҳорида турибсиз Сиз,
Ёз-кузи зўр, чидайсиз-да, қиши бор, келин.

Бу дунёниг сафосидан озори кўп,
Турмушнинг ғам-ташвишига ҳушёр, келин.

Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак,
Сиз ўрганинг, Сизга лойик иш бор, келин.

Тилингидан бол томади, тили ширин,
Эл ичидаги ҳушрўйлиги бисёр, келин.

Дилбар турар минг ўргилиб, минг айланиб,
Сизни кутар мухаббатли диёр, келин.

ТЎЙ БУГУН

Ота-она орзулари кўрсатар кун бўй бугун,
Дўстлар келур, бугун байрам, карс-баданг тўй, тўй бугун.

Тўйхонада учиб юрар омад куши, баҳт куши,
Табриклару дуо узун, тахт тилаган ўй бугун.

Яхшиларинг қатор-қатор, яйратай бунда дилинг,
Бор меҳрини тортиқ қиласки, маҳалла-кўй бугун.

Ёмонлиқдан ўзни асра, ғам-аламларни унут,
Нени кўрсанг, яхшилик де, яхшиликка йўй бугун.

Ёр-дўстларинг табрик этар, шодликка тўлди уйинг,
Уйга тўлди меҳмонларинг, қўйларингни сўй бугун.

Ишқ бодаси маст этдики, икки юзи лоларанг,
Келин-куёв бунча гўзал, бунчалар ҳушрўй бугун.

Дилбар, дунё тўйхонадир, сен ҳам шодсан, меҳмонсан,
Ўйнаб-кулиб, даврага кир, ишларингни қўй бугун.

ШИРИН

Ўригидан донаси ширин,
Кизгинамнинг боласи ширин.

Бўйларига бўйим етмайди,
Эркаласам, сира кетмайди.

Шўхим, дейман, ўслига бокиб,
Ўзим, дейман, кизи хўп ёкиб.

Бу болалар хаётнинг нақши,
Онасидан боласи яхши.

Кўнглим ўсар меҳрини туйиб,
Чарчамайман, набира суйиб.

ДЎСТЛАРИМ

Дўстларим, кекса эмассиз,
Сиз ҳамма ёшдан ёшсиз.

Сочга ҳам қиров тушгану
Ҳаммадан қалам қошсиз.

Келсангиаз, тўйлар бошланур,
Дастурхон бўлмас ошсиз.

Дўстларим, Сиз доносларим,
Хар жойда раҳбар, бошсиз.

Гар султонсиз, ишққа қулсиз,
Севсангиаз, сал бебошсиз.

Ва ҳамиша ёмонликка
Отилган ўқ ё тошсиз.

Дилбар қайта айтар ёшсиз,
Кўнгил йиғлар, кўзлар ёшсиз.

КЕЛ

Дүст эсанг, ёнимга кел,
Истаган онимга кел.

Гар ганим бошимга етса,
Жон бўлиб, жонимга кел.

Сахийликда қўлим калта,
Тишлаган нонимга кел.

Гарчи сенда дўстлик кони,
Томирда конимга кел.

Сен меҳрга ташнадурсан,
Меҳрнинг конига кел.

Ки, Дилбарга чин дўст эсанг,
Йиғлаган онимга кел.

ДУОДАМАН

Бир бор келинг, мен сиз суйган бордаман,
Охуларин асрاغувчи тордаман.

Кимки мастиур, мастанадур ишқ ила,
Мен ўшани телба килган бодаман.

Айбига ким иқрор эса, кўзда нам,
Марвариду тасбихига шодаман.

Кимки келур тоза-тоза қалб билан,
Нопоклардан асрاغувчи зодаман.

Минг күш тилин куйга солиб, охири,
Ишқ тилида бўзлаётган "дод" аман.

Сизни айтиб, Дилбар бўлдим шукурким,
Кута-кута хар куни дуодаман.

КЕЛГАНИНГИЗ

Рост бўлди келганингиз, бу дилим афгор эди,
Ҳажрингиз бошимдати лопиллатан дор эди.

Шодманки, шодлигимдан балқиди кўкда қуёш,
Бу кўнгил соғинчларга тўлиб кетган юр эди.

Хуштаъбим ёдимдасиз, хижронлардан асар йўк,
Сиз асли бебаҳойим, Сизга вафо ёр эди.

Ох, инкор этиб бир кун, куйиб кетдим шам каби,
Коп-қорамас соchlарим, тор бошида кор эди.

Бошимни тошга урсам, тор силкинди фарёддан,
Бегона эди шодлик, бу дунёлар тор эди.

Мен маству маstonаман, ҳар нарсага беписанд.
Кўрорим, жисму жоним факат Сизга зор эди.

Рост бўлди келганингиз, Дилбар Сизга зор эди,
Мухаббат фарёдидан кўшиклари бор эди.

ЯЛЛО ҚИЛАСИЗ

Жон-жаҳоним ёнар ўтда, ялло қиласиз,
Тун-кечалар осмонимда ялдо қиласиз.

Ази-холим айтай десам қулғингиз кар,
Ҳасратимга парво килмай адo қиласиз.

Ишқ китобин варакладим, садқаи сар деб,
Бегоналар билан тарин савдо қиласиз.

Увоқ янглир йиглар жоним, парвойингиз йўк,
Чашми гирёнимга бокмай равро қиласиз.

Сизни кўрмай, эшитмай деб қасамлар ичсам,
Дилбарим деб, юрагимда садо қиласиз.

ВАСЛИНГ

Хар тонг васлинг умидида очилмадим сўлай деб.
Бир нафасга келсанг, абад вафодоринг бўлай деб.

Сен соғинчнинг сахросидан күшдай учиб бунга кел,
Гул боғларим болга тўлди, сенга хирож тўлай деб.

Кипритимнинг оғушида ёшга тўла кўзларим,
Истирнолар билан кутар нозларимга ўрай деб.

Хаёлларим кетиб қолди сени излаб сарсари,
Қайда бўлсанг сени яна меҳрибоним кўрай деб.

Хижронлардан забун ҳолим, юарга ҳолатим йўқ,
Тик турибман төрдай адил, аҳволингни сўрай деб.

Дилбар билмай кўз очгандир бу бевафа дунёда,
Вафосига вафо тилаб, изларидан юрай деб.

КЕЧИБ БЎЛМАС

Ишқдан айро бу йўлларда етолмадим ниҳонимга,
Дилим озорланиб кетди, рақиблар кулди ҳолимга.

Чашми гирёнимни кўриб, девона бўлса кимсалар,
Воҳ-эй, дардини сўйладим, ошиқ қилдим хоқонига.

Мухаббатга фидоликни шиор этдим кеча-кундуз,
Ишқ насими кечар мендан, ташналар қилиб қонимга.

Ҳажр жабри жондан ўтди, аммо ундан кечиб бўлмас,
Кўнгил борин гули сориг, куз ошнодир узоримга.

Жисму жоним олов бу дам, икки дунём ёнар ўтда,
Мехрисизм кела қолмас, раҳм қилиб бу жонимга.

Худойимдан сўрар Дилбар, унинг васли-висолини,
Факат ўзинг етказгайсан, умидвор ўшал онимга.

АДАШДИМ

Ки, кошингиз каросида кўзим адашди,
Ишқингизнинг саҳросида сўзим адашди.

Кайрилсангиз жоним тушди, ух, товонимга,
Томоримдан қил ўтмади, тузим адашди.

Ошноларим бегонадир, англамас ҳолим,
Сиздан ўзга карорим йўк, тўзим адашди.

Боғларимнинг барги хазон, ранглари сориг,
Камалаклар синди, атлас-бўзим адашди.

Юларига парда тортди, ою қуёшим,
Хажрингизда колган тун-кундузим адашди.

Бахор бўлиб келсангиз гар, хайрона Дилбар,
Васлингиздан девонавор ўзим адашдим.

САДОЙИНГ БОР

Кетай десам, кетиб бўлмас, сенинг оханграбойинг бор,
Қолай десам, қолиб бўлмас, сенинг на парвойинг бор.

Икки ўтнинг аросида куйиб кетдим, ёниб кетдим,
Бундан ортиқ чидаб бўлмас, яна қанча савойинг бор?

Сен деб йиглар харидорлар, бошида ки, тураг дорлар,
Айтай ишкинг бозорида, яна минглаб адойинг бор.

Бир кун келиб, кўнгли шоҳлар факат сендан ишқ
сўроялар,
Сен ўфилсан, чиройингдан закот сўрар гадойинг бор.

Дилбарки, ишқ лолазорин, босар бир-бир яъмо қилиб,
Гўзалликка тўлар дунё, унда сенинг садойинг бор.

ЁНАМАН

Тўрт тарафга от чолтирма, дилингники, ёниман,
Төвлар ошма, дарё кечма, хар дам сен деб ёнаман.

Гоҳ жилрасан, гоҳ сойсан, тошга бағриң босасан,
Дарёларнинг ўзга сиғмай, тошиб кетган ониман.

Ишк ўтида адо бўлган, факат ёлғиз сен эмас,
Мухаббатнинг кўчасида мен хайрону лолман.

Жон чекдим деб оҳ уурсан, устихоним куйди деб,
Гул ишқида сайраётган булбулларнинг қониман.

Вах, бу ишқнинг сахросида куйса булбулнинг тили,
Гулкосада жон сувиман, унинг асал-болиман.

Жаҳонимни ишқка тўлдир, дили ободим ўзинг,
Йўлларингда жон берувчи Дилбар Намангониман.

АРАЗЛАСАМ

Кулиб-кулиб келибсизда, аразласам,
Парвонгиз йўқ нега, сиздан аразласам?

Кўчангиздан ўтмас эсам, не ҳол демай,
Хабарингиз ширин сўздан, аразласам.

Шоҳи-атлас киёлмайман, сўроқ этманг,
Кўйлакларим рангсиз, бўздан аразласам.

Менга на зар, на хазина даркор эмас,
Кўнгил бериб нетай, ўздан аразласам.

Нега шунча меҳрибонсиз, оқкўнгилсиз,
Бол тутасиз, нону туздан аразласам.

Нетонг, Дилбар хаёлида висол шавки,
Бахор келар, сизла куздан аразласам.

ГИРЯЛАР

Хабиб Саъдуллаға

I

Тор-тош, дала яна кетибди гуллаб,
Бунча ханда қиласар бу гуллар беор.
Юрагим сөриқдан ёнар чарсиллаб,
Хабиб Саъдулласиз келдингми, баҳор?

Ариқ лабларида күк кийган ялпиз,
Осмоннинг бағрида ёшлар минг чаҳор.
Табиат, кошингда тиэ чўкаман, тиз,
Хабиб Саъдулласиз келди-ку, баҳор.

Кўзимда кулганча туарар жигархун:
— Бу дунё бозор-а, бу дунё бозор.
Айриликка ташлаб, эй, дунёи дун,
Хабиб Саъдулласиз бу қандай баҳор?

Кўчасидан ўтган жононлар қани?
Битта-битта келинг, қилманг энди ор.
Яшилланиб кетди шоир ватани,
Хабиб Саъдулласиз келдингми, баҳор?

Дарёларга бокиб дарё бўлган дил,
Янги сўз айтмасми энди ҳар наҳор?
Хижроннинг боғлари гул очади жим,
Хабиб Саъдулласиз бу қандай баҳор?

II

Нафосат гулшани колди ҳувиллаб,
Фирстман дейдими, энди йўралар?
Одамнинг юраги кетар шувиллаб,
Наманган Ҳабибсиз, деманг, жўралар.

Наҳот тўғри сўзга урилади дўк,
Тиркишдан айрилик совук мўралар.
Дўстга содикликдан энди асар йўк,
Наманган Ҳабибсиз, деманг, жўралар.

Наҳот олиб кетди уни олтмиш тўрт,
Бугун жонимизда алам ўрмалар.

Одамнинг умри ҳам шунча бўлар мўрт,
Наманган Ҳабибсиз, деманг, жўралар.

Яхшилик борининг боғони эди,
Яхшилик кўрганки, ундан ўрганар.
Абадият борин гуллатар энди,
Наманган Ҳабибсиз, деманг, жўралар.

III

Агар биз дунёни сева олмасак,
Завқланиб бокмасак, бутун борликка,
Ёмонликни дилдан кува олмасак,
Устоз, гўрингизда турасиз тикка.

Агар яхшиликка беролмасак қўл,
Лоқайд чидайверсак яна хорликка,
Йўл-йўл эмас бизга тиланган “ок йўл”,
Устоз, гўрингизда турасиз тикка.

Унутсак осмонни юлдузи билан,
Фурурни алишсак, ногоҳ ёрликка,
Кўзимиз қамашса кундузи билан
Устоз, гўрингизда турасиз тикка.

Хиёнат багидан гул тера олсак,
Агар кул бўлмасак бир шоирликка,
Ҳақиқат йўлида курашдан толсак,
Устоз, гўрингизда турасиз тикка.

Дўст билан нонимиз кўрмасак баҳам,
Биз юрган кўчалар тўлмас шодликка,
Ёдингиз олдида ичамиз қасам,
Устоз, гўрингизда турасиз тикка.

IV

Ким истаюр яхшиликни, адосийди,
Чин дунёнинг йўлидаги гадосийди.

Ўздан кечиб, ўзга ғамин шиор этган,
Дардман дилга дилин тутган давосийди.

Кеча-кундуз эл ғамида тиғлар босиб,
Нобакорга бағрин очган хатосийди.

Йиқилганга төдек тутиб елкасини,
Вафо излаб, куйлаб ўтган сатосийди.

Неча йилки, замон зайдин саҳнасида,
Шоху гадо Ҳабибининг садосийди.

Аё дўстлар, Дилбарнинг бу ёзганлари,
Шеъриятга чин эҳтиром сабосийди.



ТОЖМАХАЛ

Дастон

I

Тожмахал!
 Етти мўъжизанинг бири жаҳонда,
 Ошиқ кўнгилларнинг оҳанрабоси.
 Сенда жаранглайди минг бир оҳангда,
 Севги сўзин ёзган дил каҳрабоси.

Сенинг жамолингта олам маҳлиё,
 Остонангда ечар ҳамма ковушин.
 Кимнинг кўнгли ярим дили сим-сиёҳ,
 Сенга барин айтар кўйиб товушин.

Кошингда ҳеч бўлар Эйфел минори
 Парижлик хонимлар анкайиб турса,
 Афиналар чўкар келганча ори,
 Унинг гўзаллари бунда ох урса.

О, буюк севгига қўйилган зарҳал,
 Етти мўъжизанинг тожи Тожмахал.

II

Тожмахал!
 О, дунёнинг ёруғ кўнгил меҳвари,
 Сен гўзал эртаксан ҳеч поёни йўқ.
 Сенсан ошиқларнинг буюк минбари,
 Жаҳонда сенингдек ишқ давоми йўқ.

Ҳайратлар йиқилар сенинг пойингга
 Курбон килар ўзин баҳти қаролар.
 Миллионлаб ошиқлар чин-чиройингта
 Мафтунликда ўтар қалби поралар.

Дунё қалқиб турар бойликлар талаш,
Аммо, сенга келган борин унтар.
Алам, хүнлар кетар дилларда яраш
Хамма бир-бирига меҳрини тутар.

О, буюк севгининг буюклик тоги,
Сенсан яхшиликнинг ҳазонсиз бори!

III

Тожмаҳал!
Севги, садоқатга лиммо-лим диёр.
Дилни аллалаган мўъжизакорим.
Кимки садоқатни этмас ихтиёр
Кошингда гуноҳкор тугамас зори.

Дунёниг бесаноқ пучмокларидан,
Турфа ранг одамлар келади қатор.
Ҳамманинг кўнглида мухаббат бу дам,
Ҳар битта юракда соғинчлар ётар.

Садоқатнинг ранги рангларингда ё,
Уни қорозларга кўчириб бўлмас.
Шундай гўзалликка конми Осиё?
Сени кўрмаганинг кўнгли ҳеч тўлмас.

Ҳар битта тошингда мухаббат маҳтал.
Дунёни севишга ўргат Тожмаҳал!

IV

Тожмаҳал!
Сен ҳакда кимда-ким эшитган бўлса,
Сени орзу килиб ўтар бир умр.
Армон билан ўтар бир кўрмай ўлса,
Армон заккумини ютар бир умр.

Сенга келганларнинг армони йўқдир,
Сенга келганларнинг бошлари осмон.
Садоқат кўнгилда ёнгувчи ўтдир.
Сенинг зиёратинг севгига поебон.

Сенинг зиёратинг, поклар инсонни,
Қалбига солади покиза бир ишк.

О, Тожмаҳал покла жаҳонни
Сен севги ҳакида айтилган кӯшик.

Сен севилиб, севиб ёнасан ял-ял,
Дунёни севгига тўлдир Тожмаҳал!

V

Тожмаҳал!
Турфа инжуларинг, турфа, турфа ранг
Кўз бўлиб боқади деворларингдан.
Бунча гўзалликни кўтариб аранг,
Замин жим туради севар ёрингдай.

Бу ранглар ўчмайди ёмирда, корда
Йиллар ўтган сайин очилаверар.
Гуллар уни бўйлаб ўсар баҳорда
Пойингга чечаклар сочилашерар.

О, бунча гўзаллик кимнинг ижоди,
Қайси бир устанинг чизири, тархи.
Мумтозмаҳалбеким севгисин ёди,
Уни бузолмагай асрлар чархи.

Кўзимдан қуйилур ёшларим ҳар гал,
Сенинг ҳикоянгни тинглаб Тожмаҳал!

VI

Қасрлар қурилган сендан аввал ҳам,
Шаҳарлар поёндоз аёл пойига.
Султонлар, улувлар севиб қолган дам,
Ойни узиб берган дилин ойига.

Аммо дунё, дунё бўлиб хеч качон,
Ишиқа ўқилмаган бунчалар оят.
Жамна сени кучиб оқади ҳамон,
Миллионлар тилида ишқий ривоят.

Тожмаҳал унутма бунёдкор кимдир,
О, Темурийзодам, Бобур ўғлони.
Шоҳжаҳон хотиржам бу замон жимдир,
Садокати билан олтагч дунёни.

Аёлга садоқат, аёлга ҳайкал,
Бўлиб турар доим улуғ Тожмаҳал!

VII

Тожмаҳал!
Сенга етолмаган миллион жон ҳакки,
Мен ҳам сенга ташна кўрмакка, зорман.
Улур аждодларим тутган шон ҳакки,
Мухаббат касрига мен ҳам курбонман.

Сирдарё бўйида, қадим Ахсида
Сенинг жамолингни аксини кўрдим.
Китобларни титдим, тарих дарсида,
Йилларнинг юзида ашкини кўрдим.

Бобур севган дарё оқар шовуллаб,
Сен шунда бўлмадинг нега Тожмаҳал?
Ҳар томон лолазор ётар ловуллаб,
Садоқат касрига мухтоҷ у ҳар гал.

Эй, менинг дилимга айланган қаср,
Мен сенга ғойибдан бўлганман асир.

VIII

Тожмаҳал!
Остонангда мангу тошлар йиглайди,
Улар гапирмаслар тиллари соков.
Севгига етмаган бошлар йиғлайди,
Қалам кошлар йиғлар улар ҳам тоқов.

Бунда эгилгандир дараҳт шоҳлари,
Мустар илдиzlари ер бўлиб борар.
Одамизотларнинг соринч охлари,
Дунёга севгидан мужда юборар.

Қайта-қайта ўсар бунда майсалар,
Тўрт фасл борини туради гуллаб.
Бунда борлик ҳар тонг кўшиқ айтсалар,
Тош қалбда ҳам севги ёнар гуриллаб.

Дунёни вафога тўлдирган меҳвар,
Ҳар кўнтилга меҳр тўлдирган гавҳар.

IX

Тожмаҳал!
Факат мармар тошдан қурилган бино,
Бунча бошинг баланд етибди қўкка.
Хижрон, ситам, ёшдан қурилган бино,
Кошингда миллионлар тушади чўкка.

Ҳаммани чорлайди ишқ деган йўлак,
Аммо унга етмак кечмайди осон.
Бунда дард йўқ, факат севгидан бўлак
Севги деб туғилиб, яшайди инсон.

Кимлар айтиб келар дил озорини.
Кимдир севгисига тилайди панох.
Кўриш мумкин сенда ишқ бозорини
Бўзлаб синганки, бўлур гуноҳ.

О, ошик кўнгилга бермагил ситам,
Суйганга сендейин даво бормикан.

X

Тожмаҳал!
Минг йиллик азоблар тўнини бичиб,
Сен мағрур турасан, сен мағрур қасрим.
Аlam дарёсидан аламлар ичиб,
Сенга интилади югурик асрим.

Дунёлар ўзгариб бораверади,
Бир сен ўзгармайсан гўзалсан фактат.
Сенга ошик дилин ёраверади,
Сенинг салобатинг боринг муҳаббат.

Севги азоблари улғайса танда
Сенга синганки келар кўзда ёш.
Бу ишку садоқат деган ватанда,
Куёшдай порлайсан, ердаги куёш.

Жаҳонга тутасан ишқ гулобини,
Ўзга ошик этдинг кўк офтобини.

XI

Тожмаҳал!
Қайси меъмор сени килганки бунёд,
Сени таърифлашга етар сўз йўқдир.
Пойингдан кетолмай қолади сайёд
Бу дунёда сенга тўйган кўз йўқдир.

Сенга келганларки, айтади имдод,
Сенинг жамолингдан ўзига келмай.
Ичидан отилур соғинчли фарёд,
Дер сенга етишдим, етишдим ўлмай.

Бу дунё, сен билан, сен билан тўлик,
Бир кун останангта бош урмогим бор.
Тожмаҳал, менга ҳар бир бора йўлик,
Олислардан бўйлаб ўтаяпман зор.

Умрим ваъда этар мингта висолни,
Мен орезу қиласман сендей тимсолни!

XII

Тожмаҳал!
Шохжахоним менинг Бобурийзодам,
Садокат юртнинг асил хожаси.
Шунчалар буюкми севги деган нам,
Сиздан бошланарми вафо лаҳжаси.

Қайси миллатда бор, қайси юртда бор,
Сиз каби аёлин улурлаб ўтган.
Ой, кун эмас ўттиэ олтида баҳор,
Мумтозим деб дилин ҳам чўғлаб ўтган.

Тарихни вараклаб кўрдиму лекин,
Гуллаган садокат борин кўрмадим.
Адолат қулф урган чаман бормикин,
Деб юрган, куйганлар ҳолин сўрадим.

Тинглаб, ўйлаб дедим, ишониб, алхол.
Севги дунёлари сенсан Тожмаҳал!

XIII

Тожмахал!
Сирдарё бўйида турсам саҳарда,
Аҳси соҳилида кўринди аксинг.
Сендайин маъво йўқ, кишлоқ шаҳарда
Сени Ҳиндистонга қилмишлар тақсим.

Сенинг ҳар тошингу, гўзал ғиштларинг,
Қанча карвонлару қулларга юқдир.
Карвон излари дира дала даштларим,
Сенинг тархинг чизган ўзбек буюклир.

Сенга нусха берган Наманганд, Ҳўканд,
Андижоннинг жони Агра тарафда,
Хева усталари билан Самарқанд,
Сени улуғлаган буюк шарафда.

Сирдарё бўйида чизилган жойинг,
Аграда юксалиб топдинг чиройинг.

XIV

Тожмаҳал!
Сирдарёга ўхшаб кетарми Жамна,
Тўлқини оларму эсу хушларни.
Дарёдил қизларни севарми ҳамма,
Сехрлаб оларми учган күшларни.

Соҳилда ётганда Аҳси тарихи,
Менинг хаёлларим Аграга учди.
Дунёни тутганда сенинг тарифинг,
Кўзларим хаёлан миноринг кучди.

Гўзалим, маъбудим ўзбек армони,
Ҳиндистонда вафо боғидай битган.
Сен менинг Аҳсимсан ва Агражоним,
Мухаббат боғидан инжулар тутган.

Сирдарёдан ичдим, Жамнага ўхшар,
Тожмаҳал орзузи кетар то машҳар!

XV

Тожмаҳал!
Мумтоэбегим каби ўн-ўнбешталаб,
Фарзанд тукканлар бор менинг юртимда,
Бибихоним каби Нодира хуштаъб,
Зулфия, Ойдинлар бор менинг юртимда.

Мумтоэбегим қаби ёри олдида,
Хуш хулки, одоби овоза тутган.
Умри ўтса ўтган эл-юрт олдида,
Фарзандлар халқумин хўп тоза тутган.

Шундай оналарга эгилган осмон,
Покиза сақлаган оппоқ хаёлни.
Севги, садоқатга тургандай посбон,
Химоя кил, севгин, буюк аёлни.

Тожмаҳалим, улуг зиёратгоҳим,
Севтан қушдай жонга бўлган паноҳим.

XVI

Тожмаҳал!
Сен ҳақингда сўнгсиз эртаклар айтган,
Ҳинду гўзалига бордир қаломим.
Мухаббат бοғидан гул териб қайтган,
Моҳитоб, бу каср юртим камоли.

Менинг мамлакатим хусну чиройи,
Қасрингиз пештокин тўлдираётир.
Сирдарёни бағрин тўлдирган ойи,
Уни куйлаб, тўлиб чулдираётир.

Фақат Сизникимас қошлари камон,
Оламни ўзига чорлаган хилқат.
Муаллифин билсин эллар ҳар замон,
Бунда порлар ўзбек ижоди қат-қат.

Сенсан, ўзбек билан Ҳинднинг севгиси,
Сендан эл-златлар вафо-кулгиси.

XVII

Тожмаҳал!
Сен билан юртимнинг энг иссик фаслин,
Хиндистон томонга бериб юбордик.
Сенинг кошингдаки ҳар кўнгил таслим,
Садоқат гулларин териб юбордик.

Сенга сиринмаган ким қолди асли,
Сенсан мўъжизалар ичра расида.
Ҳар тонг уйғотади минг дилни васлинг
Байроқдай порлайсан ер куррасида.

Сен деб йирлаб, кулар юз фасли чаҳор,
Бар хусну жонини юбориб Аҳси.
Гул куртак уйғонур сен деб ҳар баҳор
Сенинг соғинчингдан дунёнинг баҳси.

Сирдарё Жамнадан бўлибдими кам,
Сен нега бу ерда эмас Тожмаҳал!

XVIII

Тожмаҳал!
Инжу тошларингни санори борми,
Мумтоз олимларнинг бунда ҳоли танг.
Севдим деб йиғламоқ асли бекорми,
Пойингда сочилиб ётганда харсанг.

Жамина йиглаб окса ҳар куни тинмай,
Сени кўрган борки тўкканда кўз ёш.
Барглар қучоқлаган дараҳт бўлса най,
Қандай чидаяпти осмонда қуёш.

Гўзаллигинг ҳамон сир бўлиб келар,
Пешонада қандай хинду ҳоллари.
Инсон юрагига солиб қутқулар,
Ҳикоя қиласи хинду чоллари.

Билдим бўлмас экан севгининг ранги,
Бунда кўз ёш тўкар оқ танли, занжи.

XIX

Тожмаҳал!
Сен томон келарлар пою пиёда,
Туялар карвони ва улкан филлар.
Муродга етарлар, севинч зиёда
Шукронка айтади турфарант тиллар.

Кучогин очади хиндлар диёри,
Аробада келсин, учоқда келсин.
Вафога айланар севгиси, ёри,
Бола онасидаи қучокда келсин.

Боролмадим күйиб, севган пайтларим,
Этагимда эди бир жуфт ўғил-қиз.
Сөғинчларга тўлиб кетди байтларим
Бир кун набирамла чўқадирман тиз.

Сирдарё бўйидан салом, Тожмаҳал,
Узбек шонридан қалом, Тожмаҳал.

XX

Тожмаҳал!
Бу ёруғ дунёда хаёт бор экан,
Ўзингга чорлайсан мухаббат қасри.
Бир кўнгил бировга доим зор экан
Сенинг-ла бўлади мухаббат асри.

Гўзаллик сақласа агар дунёни,
Кўнгилда яшнаса меҳру мухаббат.
Кўзларига суриб сендай рўёни,
Сенга сиринади одамзод абад.

То абад кўнгиллар Жамнадай окар,
Сенинг зиёратинг томошасига.
Сирдарёдай кўнгли чопар одамлар,
Меҳру мухаббатнинг дил иншосига.

Ҳижронни севгига алмаш Тожмаҳал,
Адолат сўзини талаш Тожмаҳал.

XXI

Тожмаҳал!
Сенга йиғлаб келар, ёрдан жудолар.
Васлу висолларга асли шартдурсан
Сенга эш бўлади динлар, худолар,
Элни бирлаштирган миллиардурсан

Саловат айтганда дараҳтлар сенга,
Тўлкинланиб кетар, денгизу, уммон.
Ҳар тонг келаверар баражлар сенга,
Каъбага интилган ҳожиларсимон.

Сендан кетадилар бўлганича, пок,
Сен бермас эсангда ҳеч қандай ёрлик.
Хиёнат гуллари бўлади ҳалок,
Яна бошланади шакаргүфтторлик.

Тожмаҳал, дилларга бердинг ҳаловат
Бу дунё тургунча тургин саломат.

XXII

Тожмаҳал!
Баҳорда илк бора чиққанда ялпиз,
Нафис юзларига кўкликини чаплаб.
Сенсан осмон томон кетаётган қиз,
Осмон юзларига кўзгулар ташлаб.

Сен дарё бўйида тик турган малак,
Дарёга тўкканча малоҳатини.
Сен осмонни кучган жонон камалак,
Тортиб олган кўкнинг ҳаловатини.

Сен заминдан кўкларга қадар,
Ўссангда тупроққа жуда яқинсан.
Жисмингдан гўзаллик кетмагай бадар,
Самода чақнаган нурсан, чақинсан.

Моҳтобсан, офтобсан, коши кундузсан,
Дили хуфтонларга ёруғ кундузсан.

XXIII

Тожмаҳал!
Маҳобатингники кўрган хижолат,
Кайдаки гердайган сенда паст тушар.
Аёлин кўрлаган кою қиёмат,
Такдирига факат хорлик, касд тушар.

Аёлга эгилган фиръавнлар ҳам,
Пойига сочган бор сийму зарини.
Кул ҳам топганини тенг кўрган баҳам,
Шамоллардан асраб севар ёрини.

Аёлни севарлар, асрарлар шундай,
Аёлдан яхшилик юкқани учун.
Жуссалари нозик, турсада гулдай.
Ойдай киз-ўғиллар туккани учун.

Сен Лайли, Ширинга айланган кўшик,
Тожмаҳал, сен ҳақда ёзаман жўшиб.

XXIV

Тожмаҳал!
Тарихни ўқисам қадим фаранглар.
Машъалада ёқкан о, Жанна Даркин.
От думига сочи боғлик аёллар,
Жаҳолатдан асра, о, буюк Шарқни.

Мағрур Тўмарисим мешда қон тутган,
Қонхўр келганида юртига босиб.
Олой маликаси — Курбонжон доджо.
Ватан ишқи билан элга муносиб.

Ватан кўриклигаган эр либосида.
Отда Барчинсифат ойжамолларим.
Хинднинг аёллари турар расида,
Арага учади ўй хаёлларим.

Тожмаҳал, турасан мағрур ва тикка.
Аёлни улуғлаб тур мангуликка.

XXV

Тожмаҳал!
Мен кувват сўрайман Бибихонимдан,
Тогда парилардан сўрайман имкон.
Биби Фотимажон рухи ёнимда.
Бола турилмасин дегайман нимжон.

Зинхор ёвкарашла аёлга бокманг,
Турфа чечакларни унга юборинг.
Жасурлиги учун оловда ёкманг,
Кошига тиз чўкинг, дилингиз ёринг.

Дунё рано кўрма, аёлга нафрат,
Аёлга тувишдан ўзга савдо йўқ.
Ишқ-муҳаббат десанг аёлни яират,
Муҳаббатли юртда сира ғаво йўқ.

Муҳаббатли макон буюк Тожмаҳал,
Тинчликка қўл қўйган суюк Тожмаҳал.

XXVI

Тожмаҳал!
Мен сенга етмаган бир илтижоман,
Дилим сенинг каби ишкка зор, дардлик.
Муҳаббат васфида гўзал хижоман,
Менинг тилагимга қилгил ҳамдардлик.

Менинг юрагимда Лайливаш орзу,
Сенинг хуэурингда айтмоқларим бор.
Дилимга тошларинг бўларлар кўзгу,
Ватанга баётла кайтмоқларим бор.

Севгисини олиб бориб Фарходни,
Бир куни пойингга тегар қошларим.
Биз курганимиз дея, қасри ҳайхотни,
Рухлари шод бўлар ватандошларим.

Самарқанддай рўйи заминга сайқал,
Садоқат борини сакла, Тожмаҳал!

XXVII

Тожмаҳал!
Дунёнинг кўксига қадалган дурсан,
Ошиклар бўйнига илгувчи тумор.
Садоқат илмидан яралгандурсан,
Сенинг бор шуҳратинг заминга зуннор.

Сирдарёни бўйлаб кетаётган мен,
Тупрокни хўл килиб борар ашқларим.
Тунлар хузурингга етаётган мен,
Кундуз йўлим тўсар хижрон лашкари.

Қай томонга боксам сенинг суратинг,
Муҳаббат йўлига тўкасан шараф.
Етолмай турибди бугун журъатим,
Қай кун жамолингга бўлгим мушарраф.

О, Тожмаҳал, бугун мен учун рўё,
Качон сенда бўлгум булбулигўё?

XXVIII

Тожмаҳал!
Сенсан кўнгилларнинг ёруғ хитоби,
Дунёда бор йўллар сенга йўналган.
Сенсан муҳаббатнинг улуғ китоби,
Учар кушларга ҳам ўзинг қўналга.

Сен дунё ишқига бергандা базм,
Базми жамшидларинг чодирин тиккан.
Ҳатто чумолилар килади таъзим,
Сен учун гуллабди сахрода тикан.

Аросат олами сен учун йирок,
Садоқат хақида сўзинг бутундир.
Ўтини ўчирад аламли фирок,
Висолга чорламоқ сенинг учундир.

Оlamda ne tor bor, bariдан baland,
Тожмаҳал, турасан боладай хурсанд.

XXIX

Тожмаҳал!
Дунёлар ичида ўзга бир дунё,
Тўрт тарафдан боқсанг кўринган минор.
Миноралар ичра баландисан ё,
Саботда кўл берган сенга минг чинор.

Умрим чизиклари элтар кафтимсан,
Кафтимдаги дунё, дарё, тоғларим.
Юрагимсан уриб турган тафтимсан,
Тафтдан яйраб ўсган вафо боғларим.

Хинднинг гўзаллари қўшиқларга ўч,
Сен қўшикка, куйга айланган қўшким.
Майли дилим яна Тожмаҳалга кўч,
Тожмаҳалда қолар менинг бор ишким.

Буюк мухаббат ва тенглик белгиси,
О, Тожмаҳал, хинду ўзбек севгиси.

XXX

Тожмаҳал!
Парвонаман сендей словга, ўтга,
Ўттизида ўтин-шу ёнувчиман.
Уч деса, хаёлан учган миркўклида,
Элим нима деса ишонувчиман.

Гулранг тупроқ кечган товоним ёрик,
Капалакдай териб сўз оловчиман.
Шуълаларинг килар тунимни ёруғ,
Олислардан сенга кўз соловчиман.

Ўттиз-кирқдан ўтдим, тўкилиб тутдай,
Сир, Жамна қўшиғин юборувчиман.
Сенинг соринчингни бир этак ўтдай
Бошга қўйганимча оборувчиман.

Тожмаҳал, Хиндуаги ёруғ осмонсан,
Сирдарё бўйида битган достонсан!

*Наманган, Ахси.
05.06.2006 йил.*

МУНДАРИЖА

Калб индохи	5
-------------------	---

"Норич мавжлари" тұпламасынан

Онајон	12
Иигирма ёшым	12
Бахор	13
Яңгажон	13
Сени истайман	14
Дугонажон	14
Сиз келар эмшесиз	15
Хали вактли	15
Эшикка	16
Елрезім	16
Зулфия олаға	16
Түш	17
Отамга	18
Ақлым	19
Шахар орзуси	19
Вакт за хавас	20

"Көккем қызы" тұпламасынан

Поклик	22
Кудишимин	22
Бойчечак құшири	22
Она	23
Отажоним	24
Киз ўйлайды	26
Төре орқасыда	26
Украина диәрніда	27
Машраб осилған күн	27
Ұлтнин сүяди аёл	28
Вазн	28
Бола	28
Чопар йңгіт түйға айтса	29
Жавоб хат	30
Камашыб кетади дунә күздары	31
Бөвларни олманинг ислари тутар	34
Киноларда йўксан	35
Қўркиб яшардим	35

Мек ишк билан хақрлашдик	35
Кумушнинг сўзи	35
Набира	36
Мен бугун ташнаман	36
Севги сехри	37
Гулзоранинг сўзи	37
Пушкин хайкали кошида	38
Севиб туриб	39
Сиз одил ҳакамсиз	39
Билмайсиз	40

"Ишк сўқмови" тўпломидан

Ташриф	42
Кутиш	42
Бу қандай ривоят	43
Кадах туттган бу кўл	43
Бир сенмас	44
Ёғиб ўтди ўткинчи ёмир	44
Эртакларга айландимми?	45
Адашиб колгунча	45
Бармоқлар сехри	46
Гўдак соринчи (<i>туркум</i>)	46
Хижрон мактублари (<i>туркум</i>)	48
Тилак	51
Кичик амакимнинг қўллари	51
Яшашингиз керак	52
Отамни сориниб	52
Оқ тоиг	53
Москва дафтаридан (<i>туркум</i>)	54
Айрилик	55
Камолиддин Радимовга	56
Ғалаба тутсин-эй. Йигит баридан	57
Махфиратта	57
Тайёрагоҳ (<i>туркум</i>)	58
Ҳабибим	59
Султон Саодат	61
Самарқанд дафтаридан (<i>туркум</i>)	62
Хамзаободдати йўл бошловчига	64
Адабиёт муаллимимга	64
Яшил сўқмоск	65

Таржималар

Терезин (<i>дастондан</i>)	66
Ўрмон	69
Ёш тўқмас эркаклар	69
Бири сенсан, бири мен	70
Сухбат	70
Гўзалик конуни	71

"Гуллар нафаси" түплеммидан

Гуллар нафаси	74
Кураш майдонлари	74
Қозоқ бовурларимга	75
Илтижо	75
Сулув келди	75
Айёр бегим	76
Сексиэ бу дунёни	76
Кулиб турибсиз	77
Сизни соринмаган дунё	77
Конун	78
Кайга борасан?	78
Келасан	79
Гулинг бўлайми?	79
Икрор	79
Ёмир	80
Севги	80
Беклар бети, мени қарғаманг	80
Сориниб ўламан	81
Билмадинг	81
Мухаббат	82
Сизнинг берингиза ёлрон	82
Дилбаринг	83
Тушга ўхшайди	83
Соринмай	84
Орзу	84

"Мұҳаббат фасли" түплеммидан

Мұкаммал	86
Биллур юрак	86
Марсия I	87
Марсия II	88
Чингиз ора	88
Үзинг асра	89
Бола	89
Улугбекка	90
Хиёнат	90
Бахт	91
Соддагина синглім	91
Ичіда булбулы йигілагам ойым	92
Очик хат	92
Саксонни орқалаб	93
Саңда опага	94
Ояода кани	94
Ишонч	95
Номардга	96
Мухаббат сехри	96

Посбоним	96
Сенинг туфайли	97
Бир кошик конимдан	97
Киши билан лайрлашув	98
Тұхмат тоши	98

"Оқсан дарё" түплемидан

Оқсан дарё	100
Сузингизда нега қавотир	100
Дүст	101
Хиенат қылмаган ким колди ўзи?	101
Кнейдим	102
Үлөнним	102
Барчин тилаги	103
Майражон	104
Хоразмга мақтублар (<i>туркүм</i>)	105
Юсуф Ҳамадоний	105
Муаллина касидаси	106
Табдиркор аёл касидаси	107
Шифокорларға	108
Наврӯз табриги	109
Бизнинг Ватанда	109
Олис-олислардан қылдым күнірік	110
Эътироф	110
Котиба ташлаш	111
Учкўрғондан кўрасан	112
Наманганду — гулнинг конидир	113
Наманганимни	113
Ёр ҳасрати	114

"Ватан сәзи" түплемидан

Ўзгани тарбият айламок учун	116
Отамнинг ёлризи	116
Мен бошимни эгсан	117
Отган тошларингдан	117
Билмам	118
Менинг юрагимда	118
Мухаббат зартагин	118
Қўйя десам жонимга жой йўқ	119
Хижронзода кўнглим	119
Менинг жоним	120
Йўлнинг баланд-пастидан	120
Оҳ. сендан айрилиш	121
Демак, мени унутиш осон	121
Хотирам чарчади	122
Мен бир гулман	123
Сабр дединг	123
Бу илтифот менини эмас	124

У ўтган йўлларга	124
Осмондаги сийнинг доги	124
Ўттиз кунки	125
Хиёнатнинг дарчаси	125
Ит қавмида	126
На иссик, на совук	126
Алам саҳросида	126
Кўнгилсиалик	127
Кун чикардан ўтдинг	127
Кани, фолбин	128
Халқона	128
Нега сизни	129
Дилим кўйди	129
Алвидо, ёр	130
Мухаббат кўчасида	130
Рахмат	131
Ўэр, сизни	131
Хайрятки, кўзим тўла ёш	132
Кандок яхши	132
Зўр бўлди-ей	133
Койил	133
Девонавор юриб хаёлга ботма	134
Отингдан айланай	134
Юрагимга ботди ханжар	135
Каттиқ ерим	135
Бу оламда биз қаби	136

"Настарин" тўпламидан

Настарин	138
Ватак	138
Ўзбекистон	139
Сенинг борларингда	140
Кўйлаб ўтай	140
Байргонингда	141
Ассалом	142
Тилим	142
Қўлимга	143
Ўзбекимнинг онаси	143
Сориндин	144
Онажоним	144
Бетобмисиз, она	145
Онажоним сотинганда	146
Наманган аёлларига	146
Аёл	147
Мерос	147
Софлом авлодим	148
Универсиада этади давом	149
Ўзбек	150
Балли, раислар	150

Мадхия.....	151
Мен сиримни.....	152
Йиглаб нима килдим	152
Булбулжон	153
Бир даврон суришим бор	153
Хиёнат юли	154
Савол	154
Хабар	155
Мухаббатнинг мулкида	156

"Кўнгил боғи" тўпламида

Наманган мадхи	158
Шоир учун	159
Янги йил кўшиғи	159
Итоатдир	160
Қўл васфи	161
Давлатимиз синажон	162
Она	164
Сўнгти калом	165
Душманимнинг ўжи	165
Сиздай	166
Аҳл	166
Сайёрага	167
Бахтиёрга	168
Оҳки, онамни кўрсам	168
Тургун Алимматнинг бармори	169
Танбур	169
Кўзим ёши тиниб бўлди	170
Мен аниқ биламан	170
Хайронлик	171
Бу ишк	171
Қайрилсангиз	172
Осмон	172
Яна	173
Тўзим	174
Мухаббат	175
Чидолмасман	175
Ишқингизда	176
Унугтувчи ўшал раъно	176
Ёр таманноси	177
Диллашдим	178
Качон	179
Ўткинчи	180
Алмашдим	180
Сенинг йўлинг бошқадир	181
Кетарман	182
Унтиш	182
Хавотир	183
Ватан деб	184
Ёдимда хетар	184

Мактуб (<i>туркүм</i>)	185
Сөгінч	187
Бечора Мишраб	187
Ошикмидим	187
Сұңг сүз	188
Огох бўлинг	188
Эҳтиёт	189
Ёриммидингиз	190
Ярашган	190
Хоссиятга	191
Ҳамон ўтман	191
Наманганлик	192
Янти йиъл алёри	192
Шаҳанд	193
Нечада ёшинг	194
Тилак	194
Қайда зданингиз	195
Дарахтни силкитсак	195
Саломат бўл	196
Ўзбеклигингдан	196
Бу дунё	197
Шаҳандлик киз	197
Нозанин	198
Омон бўлса	199
Баҳорни соғинсан	200

Яиги шеърлардан

Аскар онаси	201
Онамга (<i>туркүм</i>)	201
Аён бўлди	203
Келинчаски	203
Кетманг, онажон	204
Давомийлик	205
Кизимга	205
Наманган	206
Келин	207
Тўй бутун	207
Ширин	208
Дўстларим	208
Кел	209
Дуодамн	209
Келганингиз	210
Ялло киласиз	210
Васлинг	211
Кечиб бўлмас	211
Адашдим	212
Садойинг бар	212
Ёнаман	213
Аразласам	213
Гирялар	214
Тожмаҳал (<i>достон</i>)	217

Дилбар Ҳайдарова

САЙЛАНМА

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳрирнияти
Тошкент — 2006

Мухаррир *Г. Зокирова*
Бадий мухаррир *А. Мусаҳұжаев*
Техник мухаррир *Р. Бобоханова*
Сахифаловчи *М. Атламова*
Мусахихлар: *Ю. Биздатова, Н. Охунжонова*

Терншга берилди 12.05.06. Босишига рухсат этилди 20.06.2006. Бичими 84x108 1/2 «AntiquaUz» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табори 12.60. Нашриёт-дисоб табори 10.98. Алади 3000 иусха. Буюргыш № 2604. Баяхси келишилган наряда.

**«Шарқ» нашриёт-матбая акциядорлик компанияси
босмаконаси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**